

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ВАСИЛА КАРИМОВА

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

(дарслик)

*Педагогика олийгоҳларининг барча бакалавриат таълим
йўналишлари учун*

ТОШКЕНТ – 2007

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 170 б.

Сарлавха олдиди: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети; Васида Каримова

Оила психологияси замонга хос тарзда янги билимлар билан жадал ривожланиб бораётган, жамият тараққиёти ва маънавий барқарорлик учун керак бўлган илмий фаннинг амалий соҳасидир. Педагогика таълим йўналиши бўйича бакалаврларга фаолиятида оилавий ҳаёт ва ундаги мураккаб ўзаро муносабатларнинг қонуниятлари, механизмлари ва оилага психологик хизмат кўрсатишга оид билимлар бериш, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, оила психологиясининг фан тармоғи сифатида бўлғуси педагоглар томонидан ўзлаштирилиши уларнинг профессионал маҳоратларини ўстириш, мустақил оилавий ҳаётга тайёр бўлишлари ва фуқаролик жамиятининг ёшларини оилани муқаддас билишга ўргатиш орқали уларни маънавий кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

ПСИХОЛОГИЯ СЕМЬЯ: Учебник для педагогических Вузов // Автор: В.М.Каримова. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 170 с.

Заглавие: Министерство Высшего и Среднего Образования Республики Узбекистан, Ташкентский Государственный педагогический университет имени Низами, Васида Каримова

Психология семьи является одним из новых научных направлений и имеет практическую пользу в духовном обновлении и стабилизации общества. На сегодняшний день изучение психологических механизмов брачно-семейных отношений, закономерностей их протекания в реальной семейной жизни, формирование соответствующих навыков у студентов-бакалавров в деле организации различных психологических служб для семьи является весьма актуальной. Формирование знаний, умений и навыков у будущих педагогов, повышения их мастерства и компетентности по семейной психологии не только способствует подготовки их самих к семейной жизни, но и вооружит их навыками использования этих знаний в воспитании будущего поколения в духе уважения духовных ценностей народа, в том числе и семьи как важнейшего института гражданского общества.

PSYCHOLOGY OF FAMILY: Textbook. For the students of pedagogical of higher schools // The author: *V.M. Karimova*. – T.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 170 p.

Title: The Ministry of higher and secondary special education Republic of Uzbekistan, Tashkent State University of Pedagogica of the name Nizami, Vasila Karimova

Psychology of family is one of the new scientific directions and has a practical use in spiritual renovation and stabilization of society. At present day the study of psychological mechanisms of family relations, rules of their flow in real family life, formation of relevant skills at students-bachelors in organization of various psychological services for family is very actual. Formation knowledge, skills and experience at future teachers, rising their skills and competency on family psychology not only helps them for their own family life but also provides them with means to teach future generation in spirit of respect of spiritual values of people, as well as the family as one of the important institution of citizen’s society.

Тақризчилар: **Ф.Б.Шоумаров** – психология
фанлари доктори, профессор
Д.Р.Ҳолиқов – педагогика фанлари
номзоди, доцент

© «Fan va texnologiyalar»

Сўз боши ўрнида

Мамлакатимизда барча аҳолининг 97 фоизи оилаларга бирлашиб яшайди, қолган уч фоизи, яъни ёлғиз қолган кексалар, ота-онадан етим бўлиб қолган ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар, бошқа юртдан келиб вақтинчалик Ўзбекистонда истиқомат қилаётганлар ҳам оила аъзолари, яқинлари, юртдошлари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларидаги инсонпарвар одамларнинг меҳридан дариг эмас. Шу маънода оила – инсон ўз бахти ва саодати, орзу-ҳаваслари, мақсад-муддаоларини муштарак қилган, ўзини инсон сифатида идрок этиб ҳаёт нашидасини сурадиган муқаддас макондир.

Оила – ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислохотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдида турган мажбуриятларини бажариши нуқтаи назаридан соғ омон сақланиб қолган тузилмадир. Оилани инсонлар ташкил этгани ва ундаги ҳаёт-мамотни улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни соф психологик жараёнлар маскани ҳам деб аташ мумкин.

Оила – жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, кадриятларини инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан айро тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатини энг аввало оиласи билан боғлайди, яъни ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади.

Муаллиф

1.1. Инсоният тарихида оила ва никоҳ институтининг ривожланиши тарихи

Гуруҳий никоҳдан жуфтлик никоҳигача

Тарихан оила ва никоҳ масалаларининг қандай бўлганлиги, ушбу қадриятларга олимлар ва алломаларнинг муносабатлари қандай бўлганлиги ўта муҳим ва амалий аҳамиятли ҳисобланган.

Оилавий муносабатлар тизимининг ривожланиши никоҳга кирувчилар сонининг камайиши ва никоҳ учун шерик танлаш тартибларининг қатъий белгиланиши йўналишида рўй берган.

Инсоният ижтимоий ташкил топилшининг энг қадимий шакли бу *уруғ-қабил* бўлиб, у бир аёл уруғидан тарқаган, матриархат зотидан келиб чиқадиган (унинг қизлари, қизларнинг фарзандлари ва уларнинг авлодлари) барча одамларни ўзида бирлаштирган. Шу тарика *уруғ* – мохиятан матриархат оила бўлиб, онанинг зотидан тарқалган барча авлодни бир-бирига чатиштириб бораверган. Бундай уруғ шаклининг сақланиб қолган андозаларидан бири руслардаги “матрешка” ўйинчоғи бўлиб, у бизга она авлодларининг ўзаро бир-бирларидан келиб чиқишини ифодалайди.

Группавий ёки гуруҳий оила – бир неча опа-сингилларнинг бошқа бир тоифа эркаклар гуруҳи билан никоҳга киришини тақозо этган. Бундай аёллар ё ўз қавмидан бўлган эркакка ёки тамоман бошқа – бегона уруғнинг вакили бўлмиш эркакка турмушга чиқиши мумкин бўлган. Лекин авлоднинг келиб чиқиши оналик уруғига боғланган, оталикни белгилаш ҳолатлари инобатга олинмаган. С. Голоднинг ёзишича (1998 й.), онадан тарқаган авлодлар XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳам кўпгина халқларда сақланиб келган.

Жуфтлик оила – алоҳида, бир-бирига унчалик яқин бўлмаган ёки мутлоқ бегона икки киши ўртасидаги никоҳни назарда тутган бўлиб, улар ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам мустаҳкам бўлмаган ва томонларнинг хоҳиш-иродасига кўра у исталган вақтда барбод бўлиши ҳам мумкин эди. Ҳозирда мавжуд бўлган оилаларда шаклан шу модел сақлаб қолинган.

Патриархал оила – бир эркак кишининг бир ёки бир нечта аёл ўртасидаги никоҳига асосланган бўлиб, бунда эркакнинг ҳуқуқлари хотинникидан кўпроқ бўлган, никоҳнинг бу шакли айти хусусий мулкчилик ривожланган даврларда кенг тарқалган. Бундай оилада, табиий, эркак ҳуқуқлари устивор бўлиб, унинг ҳар қандай оила масалаларини ечиш ва қарорлар қабул қилишдаги мавқеи юқори ҳисобланган. Шу сабабли авлодларнинг келиб чиқиши, уруғнинг тарқалиши каби масалалар эркакнинг авлодлари шажарасидан бошланган, мулкка эгаллик ва унга ворислик ҳам эркаклар табақаси орқали юритилган.

Моногам оила – бир эркак ва бир аёл жуфтлиги ўртасидаги никоҳ муносабатларини назарда тутати. Уларнинг эр-хотинлик муносабатлари ҳам умрбод ҳисобланган (қадимги грек сўзларидан олинган: “*monos*” – бир, ягона, танҳо; “*gamos*” – никоҳ маъносини билдиради). Оиланинг бундай шакли тахминан уч минг йиллар аввал пайдо бўлган. Ўз моҳиятига кўра бу – патриархал оиланинг бир кўриниши ҳисобланиб, яқин йиллардан буён оиланинг бу шакли аёллар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, болалар тарбиясидаги муайян эркинлик, она ва боланинг оила ҳаётидаги нуфузи ортиши шаклида ривожланиб келмоқда.

Лекин биз оила ва никоҳ тушунчаларининг алломалар ва таниқли олимлар изланишларида қандай ифода этилганига эътиборни қаратамиз.

Ана шундай никоҳ тарихига қизиққан олимлардан бири қадимги грек файласуфи Платон бўлган. Унинг фикрича, барча замон ва маконларда патриархал оила ижтимоий муносабатларнинг, жамият ҳаётининг асоси бўлади, давлат эса ана шу каби оилаларнинг бирлашувидан пайдо бўлган.¹ Лекин Платоннинг ўзи ўз қарашларини охиригача ҳимоя қилиб, фикрларини яқунлай олмади. “Идеал давлат”² деб номланган лойиҳасида у жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлаш учун аёллар, болалар бирлашмалари ва сармояларнинг умумийлигига эришиш лозим, деган фикрни илгари сурди. Лекин айти шу охириги фикр аслида янги эмас эди. Қадимги грек тарихчи олими Герадот ўзининг машҳур “Тарихлар” деб номланган асарига аёллар бирлашмалари бир қатор қабилалар учун ўзига хос хусусият эканлигини таъкидлаган эди³. Бу каби маълумотлар антик даврга хос

¹ Платон. Законы // Соч.: в 3 т. – М.: 1972. – Т.3. – Ч.2. – С. 148-150.

² Платон. Государство // Соч.: в 3 т. – М.: 1972. – Т.3. – Ч.1. – С. 244-459.

³ Герадот. Истории. – Л.: 1972. – С. 232.

сўзланган қатор манбаларда ўз ифодасини топган.

Аристотель Платоннинг издоши сифатида унинг “идеал давлат”га оид фикрларини ривожлантириб, устозининг патриархал, яъни, эркак киши етакчи бўлган оила моделини ёқлаб фикр билдирган. Унинг фикрича, оилалар бирлашиб, “турар-жойларни”, “турар-жойлар” бирлашиб, яхлит давлатни ташкил этади.¹ Платон ва Аристотелларнинг шу каби нуктаи назарлари анчагина давргача ҳукмрон бўлди ва оила жамиятнинг бўлаги сифатида, ўзига хос бўлинмас патриархал институт сифатида идрок этилди. Француз маърифатпарвари Жан-Жак Руссо ўз даврида “Оила – энг қадимий ва асли табиий бўлган жамият бўлагидир. Оила – керак бўлса, жамият сиёсий киёфасини белгиловчи образ, бунда етакчи, раҳбар – гўёки ота мисоли, халқ эса – фарзандлар кабидир”² деб ёзган эди. Бу аслида инсоният тарихида узоқ вақтгача устивор бўлган патернализм тамойилининг яққол тимсолидир (“патерн” – ота, оталик, етакчилик маъносини билдиради).

Шундай қилиб, антик даврнинг файласуфлари ҳам, улардан кейинги ўрта аср, ҳаттоки, янги даврга келиб ҳам кўплаб тадқиқотчилар ва алломалар оила институтига алоҳида аҳамият бериб, ўз асарларида ижтимоий муносабатларнинг табиати ва намоён бўлишини айнан оилавий муносабатларнинг характеридан кидириш лозимлиги фикрини ёқлаб келдилар. Шу каби фикрни немис файласуфлари Кант ва Гегельнинг мутлоқ ғояга алоқадор асарларида ҳам кўриш мумкин. Улар аввало “оила” ва “никоҳ” тушунчалари ўртасида бевосита алоқа мавжудлигини таъкидлайдилар. Шу боис бўлса керак, ҳанузгача шу икки тушунча кўпинча синонимлардай ўзар боғлиқликда ишлатилади. Шундай бўлсада, оилашунослар бу икки тушунчанинг ўртасида нафақат фарқ борлигини, балки улар аслида тарихан турли даврларда пайдо бўлганлигини ҳам исбот қила олдилар.

Масалан, рус олими А.Г. Харчевнинг китобларида бу икки тушунчани фарқловчи жиҳатлар аниқ белгиланган. Хусусан, унинг талкинида “никоҳ – эркак ва аёл ўртасидаги тарихан ўзгарувчан ўзаро муносабатларни билдириб, шу орқали жамият уларнинг жинсий ҳаётларини тартибга солиди, ўзаро эр-хотинлик муносабатларини ҳамда фарзандлари билан шаклланадиган муносабатларни, бу

¹Аристотель. Политика // Политика Аристотеля. – М.: 1911. – С. 4-32.

²Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре, или Принципы политического права // Пед. соч.: В 2 т. – М.: 1981. – Т.2. – С. 170.

борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди, йўналтиради”¹. Оила эса никоҳга нисбатан мураккаброк табиатли муносабатларни ифодалайди, чунки у нафақат эр ва хотинларнинг ўзаро муносабатларини, балки уларнинг фарзандлари, кариндош-уруғлар, иккалалари учун яқин бўлган инсонлар муносабатларини ҳам қамраб олади.

Оила ва никоҳ масалаларига тарихий ёндашув швейцариялик олим И.Баховен (1815-1887) ишларида, айниқса, унинг “Оналик ҳуқуқи” китобида ёритилган. Ундан ташқари, америкалик тадқиқотчи Л.Морган (1818-1881)нинг асарларида ҳам оилага нисбатан эволюцион қарашлар баён этилган бўлиб, “Қадимги жамият” китоби бунинг яққол намунаси ҳисобланади. Бу асарларда оила институтининг бевосита жамият тарққиёти билан боғлиқлиги, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг такомил оилаинг мустақкамлигига боғлиқ эканлиги ғояси ўз исботини топган. Бу ўзгаришлар тарих мобайнида турли жинс вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ тарзда кечиши ҳам таъкидланган.

Шундай қилиб, оилани ижтимоий институт сифатида идрок этиш ва уни илмий жиҳатдан ўрганиш анъаналари тарихи XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Айни шу даврдан бошлаб жаҳоннинг турли бурчакларидаги таниқли социологлар ва антропологлар (Л.Морган, М.Ковалевский, Б.Малиновский, П.Сорокин, кейинчалик А.Харчев, С.Голод ва бошқалар.) оила муаммоларини ўзларининг аниқ тадқиқот мавзулари сифатида ўргана бошладилар.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНИШИДА ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР

Бир қарашда янгича туюлган моногам оиладаги ўзгаришлар XX асрнинг бошларидаёқ кузатила бошланган. Олимларнинг таъкидлашича, оила институтининг ўзи табиати нуқтаи назаридан анча консерватив, яъни ўзгармас, турғун тизим бўлгани боис, жамият миқёсида рўй берадиган ўзгаришлар оила доирасида тахминан 10-30-йиллардан кейингина акс эта бошлайди. Бундан ташқари, рус социологи С.Голоднинг ёзишича, Европа халқлари ҳаётида, оилавий муносабатларда кузатиладиган барча ижобий жараёнлар моногам,

¹Харчев А.Г. Брак и семья в СССР. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: 1979. – С. 66.

патриархал оиланинг сақланиб қолингани сабабли рўй берган бўлса, қолган барча салбий ҳолатлар аксинча, оилада рўй бераётган салбий, ёмон жараёнлардан келиб чиқади. Бу каби талқинлар табиийки, кўплаб тадқиқотчиларга оила ва унинг истикболини тушунишга, мазкур йўналишда жиддий тадқиқотлар олиб боришга ҳалақит беради.

Шунга қарамай, оила институтида кузатилаётган ҳар қандай ўзгаришлари одатда энг аввало, аёлнинг – хотин-қизларнинг жамият ва оилада тутган мақомларининг ўзгариб бораётганлиги, улар малакаларининг ошиб бораётганлиги ва касб-ҳунар, лавозим поғоналарида эркаклардан қолишмасликка интилаётганлиги билан изоҳланади. Қайд этилган ҳолат бевосита оила ҳаётида рўй бераётган турли хил ўзгаришларга, ҳам салбий, ҳам ижобий ҳодисаларга сабаб бўлмоқда.

Иккала жинс вакиллари ҳақ-ҳуқуқларининг амалда тенглашиб бораётганлиги хотин-қизларнинг эркаклар – йигитлар олдида ўзини тутиши ва ўз навбатида йигитларнинг қизларга, эркакларнинг аёлига бўлган муносабатлари, хушомад қилишларида ўз аксини топмоқда. Айниқса, Европа халқларида никоҳ олди совчилик институти йўқолиб, унинг ўрнига ўз хоҳиши билан ўзига никоҳ шеригинини танлаши анъанаси барқарорлашди. Лекин айни ҳолат сақланиб қолган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда оила институтига муносабат бошқачароқ, яъни анъаналарга содиқлик сақланиб қолган. Совчиликнинг аҳамияти шундаки, бунда ўртада турганлар, келин-куёв оиласини таниган, билган, суришгирган одамлар бўлгани сабабли ҳам улар ёш оиланинг мустаҳкам бўлишидан жуда манфаатдордирлар, шунинг учун ҳақиқий ўзбекона мезонлар, “тенг-тенги билан” тамойили асосида, совчилар ёрдамида қурилган никоҳлар аксарият ҳолатларда мустаҳкам бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир даврда бўлгани каби ҳозир ҳам ёшларнинг ўз ихтиёри билан, бир-бирларини ёқтириб қолишлари оқибатида пайдо бўлган оилалар мавжуд. Ёшларнинг айримлари ўз ихтиёри билан қаллик танлашни, ёқтириб, севиб турмуш қуришни олдиндан ният қилади. Шуниси борки, ўз ихтиёри билан турмуш ўртоғи танлашда ота-она ва оиласи манфаатлари, уларнинг истак-хоҳишлари деярли инобатга олинмайди. Одатда бу каби ёшлар никоҳ олдида ота-отасининг розилигини олмайди, шу сабабли, кўпинча, бундай никоҳ энгил-елпи қарорлар оқибати бўлиб, узоққа бормаслиги мумкин. Республика “Оила” илмий-амалий маркази 2003 йилда

Ўтказган тадқиқот натижаларига кў ажралишиб кетган ёш оилаларнинг 90 фоизидан ортиғи никоҳ мотиви-сабаби сифатида “севиш-севилиш”ни кўрсатганлар.

Хотин-қизларнинг иктисодий мустақиллиги туфайли ХХ асрга келиб аёлнинг оила ва жамиятда тутган ўрни ва мақоми кескин ўзгарди. Охириги пайтларда бутун дунёда матриархат давридаги каби оиланинг етакчиси, бошлиғи ролига кўпинча аёл даъвогарлик қила бошлаши кузатилди. Бунинг оқибатида эркак кишининг оиладаги етакчилик роли, оилада ресурсларни бошқариш, қарорлар қабул қилиш ва фарзандларни жамият ҳаётига жалб этишдаги мақоми сезиларли даражада пастлади.

Иккинчи томондан, аёл-онанинг оиласи ва бола тарбияси учун бўш вақтининг камайиб бораётганлиги, репродуктив масъулиятнинг жамиятда лавозимлар поғонасида юқорироқ ўрин эгаллаш истагига нисбатан пастлаб бораётганлиги салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу сабабли саноати ривожланган мамлакатларда туғилишлар сонининг камайиб бораётганлиги, оқибатда аҳоли сонининг кескин пасайиши кузатилмоқда. Афсуски, бундай ҳолатлар Ўзбекистоннинг шаҳар ҳудудларида ҳам кузатилмоқда.

Оиланинг тарбияловчи вазифаси оила аъзоларидан ташқари бошқа инсонларга, муассасаларга – энага ва гувернанткаларга, ёки давлат томонидан тўла муҳофазага олинган ташкилотлар – Меҳрибонлик уйлари, Мурувват уйлари ва бошқалар зиммасига юклатилмоқда. Собик тоталитар тузум даврида ушбу вазифанинг давлат зиммасида эканлиги, индивидуал, оилавий тарбиянинг группавий тарбия билан, тарбияланувчи шахсига эътиборнинг кескин камайиши билан ўзгартирилди. Оқибатда ҳеч кимга тегишли бўлмаган, психик ва ақлий ривожланиши ўртамеёна бўлган болалар пайдо бўлди. Бу очик ёки яширин оналик *депривация*сини келтириб чиқарди.

Яъни, ХХ аср ўрталарига келиб, моногам оилада ўзгача уйғунлик кашф этган, яхлит гуруҳдай тасаввур этилган оиланинг вазифалари – никоҳга кириш, жинсий ҳаётни таъминлаш ва ўзидан насл қолдириш – репродукция бир-бири билан боғланмаган вазифалар тарзида айроча, алоҳида функциялардай тасаввур этила бошланди. Агар XIX аср охириларигача оила пайдо бўлиши билан унда фарзандлар туғилишини кутиш одатга айланган бўлса, янги даврга келиб, қачон ташкил бўлганлигига қарамай, бола туғилишини режалаштирмайдиган оилалар ҳамда бошқа томондан, оиласиз,

никоҳсиз ҳам туғиладиган болалар кўпайди. Очқроқ айтиладиган бўлса, турмушга чиқмаса-да, бола туғадиган ёлғиз оналар ҳам пайдо бўлди. Шу тариқа никоҳ билан оиланинг репродуктив вазифаси ўртасида тафовут пайдо бўлди.

Жинсий ҳаёт борасида содир бўлган ўзгаришлар шуки, агар илгари бундай муносабат оиладан ташқарида рўй берса, жамият ҳам, дин ҳам уни қоралар эди. Сўнгги ўн йилликларда дунё микёсида эркеклар ҳам, аёллар ҳам эркин жинсий ҳаётга оддий муносабат сифатида қарайдиган бўлишди. Маънавий инқироз ҳисобланмиш бундай муносабатларга жамиятнинг бефарқлиги илғор фикрловчи инсонларни жиддий ташвишга солмоқда. Бунинг асосий сабаби жамиятда маънавий қадриятлар инқирозга юз тутгани бўлса, иккинчи томондан, бунга аёллар ўртасида контрацептив воситалардан фойдаланишнинг урф бўлиши ва улар ўзларига берилган ижтимоий эркинликларни нотўғри идрок этишлари, оммавий ахборот воситалари орқали у ёки бу халқ менталитетига мос келмайдиган ахборотларнинг кенг тарқалиши сабаб бўлаётир.

Энг ачинарлиси, айрим ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун “никоҳ” ва “ажрим” тушунчалари оддий нарсадай, зиддиятсиз қабул қилинадиган бўлди. Улар ўз шахсий масъулиятини ҳис этмаяптилар. Саноат ривожланган мамлакатларда 51 фоизгача бўлган никоҳлар муайян муддатдан сўнг барбод бўлаётганлиги одатий ҳолдай қабул қилинади. Чет эл ахборот воситаларининг баъзи таниқли шахс, актёр ёки миллионернинг ҳар 3-4 йилда алмашилиб туриладиган никоҳлари тўғрисида ёзилаётган мақолалари энг ўқимишли, қизиқарли ахборотдай талкин этилмоқда. Табиийки, бу уларни ўқиётган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, бундай ҳолатларда ажримларнинг ташаббускорлари кўпинча аёллар бўлиб, бу ўз навбатида оила ажримлари сонининг ортиб боришига, фарзандларнинг айбсиз айбдорлардай нотўлиқ оилаларда тарбияланишига олиб келади.

ЯНГИ ДАВР ОИЛАСИ: ТИПОЛОГИЯСИ, ТУРЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ

Оилани турларга бўлганда, турли олимлар турлича ёндашдилар. Масалан, Санк-Питербурглик олим С.И. Голод (1998) фақат эр ва хотин ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат оилаларни тасаввур этган ҳолда уларнинг оила даврасидаги ижтимоий

нуфузлари ва роллари нуқтаи назаридан оилани тоифаларга бўлиб ўрганишни таклиф этади. Хусусан, у моногам оиладаги муносабатларни оилавий табақалар нуқтаи назаридан фарқлашни таклиф этган. Ундан ташқари, Голод ўз китобида охириги йилларда Россияда кенг тарқаб бораётган ўзига хос табақали оилаларга ҳам илмий жамоатчиликнинг диққатини қаратади.

Патриархал моногам оила – бу ўз моҳиятига кўра оиладаги эркак кишининг нуфузи, етакчилик роли, хотиннинг унга, фарзандларнинг ота-онага тобелигини назарда тутати. Бунданй оилада ўғил болалар отанинг оиласини сира тарк этмайди, аксинча, уйланган тақдирда ҳам турмуш ўртоғини шу хонадонга олиб келади, қизлар эса кимга турмушга чикса, унинг фамилиясига ўтиб, ўз ота-онасининг уйини тарк этади. Бундай оилада уруғнинг аталаш (фамилия), шажара ва мулкка эгалик отанинг йўлидан амалга оширилади, оилавий роллар эса эркакларники ёки хотинларники тарзида аниқ тафовутланади. Эркаклар оиланинг моддий бойликлари, ресурслари, таъминоти билан шуғуллансалар, аёллар асосан уй ишлари билан банд бўладилар.

Оиланинг ижтимоий нуфузи, обрўси отанинг, эрнинг, ўғилнинг иқтисодий мақомидан келиб чиқади, аёлники эса – фарзандлар сони билан белгиланиб, унинг профессионал мақоми кўп ҳолларда оиланинг, турмуш ўртоғининг ижтимоий мақомига салбий таъсир кўрсатади, фарзандлар кўз ўнгида отанинг авторитерти пастлагандай бўлади, айрим ҳолатларда эрнинг оила таъминотаидаги улуши тушиб кетиши ҳам аёлнинг оила моддий таъминотига бевосита аралашишига сабаб бўлади.

Моногам оила – бола манфаатига йўналган оила (детоцентрик) XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида пайдо бўлган ҳодисадир. У хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролининг ортиши ҳамда бола ҳуқуқларининг ошиб бориши билан изоҳланади. Бундай ҳолатларда гап кўпроқ оилада фарзандлар сони ҳақида эмас, балки оилада умуман бола борлигининг қадрланиши тўғрисида боради. Ота-оналар бундай шароитда кўпроқ боланинг келажакда ким бўлиши, у эгаллаши лозим бўлган мартабалар, унинг истиқболи хусусида қайғурадиган, шу боис ҳам оила бюджетининг асосий қисми уни таъминлаш, унга зарур таълим ва тарбияни бериш, ғамхўрлик қилишга сарфланади. Болалар билан боғлиқ эҳтиёжларнинг ўсиб бориши оқибатида мамлакатда ҳам болалар таъминоти, уларнинг озуқаси, кийим-кечаги, ўйинчоқлар, болаларнинг маданий-маърифий

масканларини ривожлантиришга ихтисослашган саноат корхоналари кўпаяди, ривожланади. Болалар ва ёшларнинг турли маърифий ўчоқларининг кенгайиши, янги техника ва технологияларнинг асосан болалар манфаатига бевосита боғланиши, ёшларнинг касб таълимини такомиллаштириш ишлари, улар ўқиши ва билим олиши муддатларининг узайтирилиши уларнинг меҳнат соҳасига кечроқ кириб боришига олиб келади. Яъни, илгаригига нисбатан болалар кечроқ мустақил ҳаётга киришади. Бунинг оқибатида никоҳ ёши ҳам тобора катталашиб боради. Катталар томонидан болага эътиборнинг, шу билан бир қаторда ташвишларнинг ортиши, ўз навбатида болаларнинг туғилиш сони камайишига олиб келади. Болалар эрка бўлиб, улар эркинлиги ортиб боради, ота-онанинг бутун диққат-эътибори уларга қаратилади. Бу тоифа оиладаги бола манфаати шу қадарки, баъзан она фақат болани ўйлаш, унга эътибор қилишни афзал билганидан, эридан ҳам воз кечиши ҳолатлари ҳам кузатилади.

Бола манфаатига йўналган оиланинг ҳам турли кўринишлари бўлиб, улардан бири *авторитар тип*дир. Бунда бола сони биттами ёки иккитами ота-онанинг чексиз ғамхўрлиги, улар обрўси билан параллел ташкил этилади. Масалан, кўпгина амалдорларнинг оиласи шундай. Ота-она бола назарида энг нуфузли, ақли ҳар нарсага етадиган, шунинг учун бола ҳам худди отаси ёки онасидай бўлиб етишиш мотивацияси кучли бўлади.

Амбивалент детоцентрик оиладаги бола кўпроқ ота-онанинг ҳиссий-эмоционал ғамхўрлиги таъсирида бўлади. Масалан, бу агар қиз бўлса, у фақат отаси ёки онаси, ёки иккисининг доимий эркалашлари оғушида катта бўлиб, охир-оқибат шундай ҳолатга кўникиб кетади. Оилавий муносабат фақат шундай бўлса керак, деган фикр баъзан ўзи мустақил оила қурганда, унинг янги хонадонга кўникишига жиддий халақит беради.

Квазиавтоном детоцентрик оилада бола ҳуқуқлари катталарники билан деярли тенглаштирилади, уларга катталар билан бир қаторда оилавий юмушларни бажариш эрки, ўз ҳолича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқлари берилган бўлади. Бунинг албатта, ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бор.

Эр-хотин оиласи XX асрнинг 60-чи йилларида пайдо бўлиб, у ҳам аёллар, ҳам болалар эмансипация жараёнларининг оқибати сифатида қаралади. Бундай оиладаги ўзаро муносабатлар асосан эркак ва хотин ўртасидаги муомалага, унинг қанчалик самимий, илиқлигига боғлиқ бўлади. Аёлга ўз хоҳиш-иродасини мумкин қадар

намоён этиш, унга маълум маънода мустақил эришиш имконияти яратилади. У кўп ҳолатларда турмуш ўртоғига суюкли, эрка ва зарур ёр ролини ўйнайди. Голод эр-хотиннинг бир-бирларига яқин бўлишларининг 4 хил жиҳатини фарқлайди: симпатия (ёқтириш), самимият, миннатдорлик ва эротик жиҳатдан боғлиқлик.

Моногам бўлмаган оила тоифаси чин маънода никоҳ муносабатларига таянмайди. Бундан оиланинг уч хил кўриниши мавжуд:

Ажримлар туфайли пайдо бўлган нотўлиқ оила – XX асрнинг охирларида кўпайиб кетган нотўлиқ оила тури. Голоднинг маълумотларига кўра, Россиядаги оилалар ажрими шу қадар кўпайдики, ҳар 100 та никоҳга 51 та оила ажрими тўғри келди. Бунга сабаблардан бири ота-оналик ролларининг бажарилмаслиги, отанинг бола тарбиясидан совуққонлик билан четлашишидир, чунки кўпгина оталар ажралишгандан сўнг маълум муддат ўтгач, фарзандлари билан умуман юз кўрмас бўлиб кетишади. Афсуски, Ўзбекистонда оила ва никоҳ нечоғли кадрланмасин, оилавий ажримлар ҳам қайд этилади. Статистик маълумотларга кўра, охириги йилларда йилига ўртача 14,5 мингдан 15 минггача оила ажримлари қайд этилади, ажримларнинг судлар орқали расмийлаштирилладиган турлари ФХДЁ орқали расмийлаштирилладиганидан кўпроқдир. Ажрим бўлган оилаларнинг 70 фоизи ёш оилалар бўлиб, уларда ўртача 2,5 та бола чала етим бўлиб қолади. Бу каби нотўлиқ оилаларда ўзига яраша ижтимоий-иқтисодий муаммолар пайдо бўлдики, шу боис ҳам давлатимизнинг оила сиёсатининг мазмуни нотўлиқ оилалар сонини камайтиришга қаратилгандир. Бунда масаланинг моддий томонидан ҳам унинг маънавий-ахлоқий томонлари бизни кўпроқ ташвиш а солади.

Бева бўлиб қолиш, ёки турмуш ўртоғининг вафоти муносабати билан нотўлиқ бўлган оила ҳам кўпроқ онанинг фарзанди билан ёлғиз қолишидир. Бундай оилалардаги маънавий муҳит ажрим туфайли пайдо бўлган нотўлиқ оиланикидан фарқ қилади. Ўзбек оналари бундай ҳолатларда отасининг руҳи хурматидан фарзандларида юксак инсоний фазилатларни тарбиялашга интилади. Бундай ўзига хослик катор тадқиқотларда алоҳида қайд этилган

(Г. Ядгарова, 2003).

Никоҳдан ташқари оила 90-йилларда кўпайган оила тури, унда асосан ёлғиз қолган аёл-она оилани тебратади. Бундай оилалар ўша даврда Россияда 20-21 фоизни, Буюк Британияда ва Францияда – 32-

35 фозини ташкил этган бўлиб, кўпроқ ёшгина бўла туриб она бўлганлар (15-19 ёшлилар) ёки аксинча, репродуктив ёшдан ўтиб қолганлар – 40-44 ёшлилар ташкил этади. Бу ўринда иккала ҳолатда хотин-қизларнинг никоҳга кирмасдан туғиш мотивлари турлича бўлади.

Россияда ота-оналардан биттасигина бўлган оилаларда 1989 йилда 4,5 млн. бола яшаган бўлса, бу кўрсаткич 1994 йилда 5 миллионга етди (А.Г.Волков, Е.Л.Сороко, 1999). Ўзбекистон шароитида бу каби ҳолатлар фавқулодда ҳолатлар сифатида қаралади, чунки айрим удумлар ва миллий кадриятларимиз фарзанднинг никоҳдан ташқари пайдо бўлишини қоралайди. Шундай бўлса-да, турли сабаблар ва отағоналарнинг вазиятлар қурбони бўлиши натижасида мамлакатаимизда оталикни белгилаш ҳолатлари ортиб бормокдаки, унда ҳам кўпинча расман оила никоҳсиз оиладай тасаввур этилади. Шаърий никоҳ ўқилгани билан расмий равишда никоҳнинг ўз вақтида қайд этилмаслиги менталитетимизга зид бўлган шу тоифа оилаларнинг расмийлаштирилиб қолишига сабаб бўлмокда.

Альтернатив оила турлари -- кам учрайдиган оила турлари бўлиб, улар айрим жиҳатлари билан бошқалардан фаркланиб туради ва ўз навбатида тоифаларга бўлинади. Масалан, улардан бири – фуқаролик никоҳи деб аталиб, унда эркак ва аёл ўз ихтиёрлари билан расмий никоҳни қайд эмай, яшайверади. Баъзан бундай қарорга улар кутилмаган ҳомиладорлик пайдо бўлганда ҳам келишлари мумкин. Бундай никоҳ бизнинг шароитимизга, мусулмончиликка сира ҳам тўғри келмайди. Альтернатив пкиохлар кўпроқ ғарб мамлакатларига хосдир. Лекин Голоднинг таъкидлашича, ҳозирда Россияда мавжуд оилаларнинг 7% шундай никоҳ асосида ташкил топган. Оиланинг муқаддаслигини тинимсиз тарғиб этишимиз азалий кадриятларни ардоқлаб келаётган юртимизда бундай салбий ҳолатларнинг бўлмаслигига хизмат қилади.

Альтернатив никоҳнинг яна бир кўриниши **қайта никоҳлар**дир. Одатда бундай никоҳ тури бева ёки тул қолган шахсларда учрайди. Аслида ҳам биринчи қайта никоҳлар XVI асрда Англияда қайд этила бошлаган. Ҳозирда эса бундай никоҳлар одатда бева қолганлар ёки ажрашиб кетганлар ўртасида қайд этилиши мумкин. Бундай оила тури ҳам ажримлар кўпайишига мос тарзда ортиб бормокда.

Аралаш оилалар ёки бегона ота-оналар билан яшайдиганлар оиласи. Бу – етимларни боқиб олиш ҳисобига пайдо бўладиган, оталикка олиш, ўғай ота ёки она билан яшайдиганлар оиласидир.

Минг афсуски, турли ҳаётӣ вазиятлар туфайли шундай оила ҳам бор, улар нисбатан кўп бўлмаса-да, Ўзбекистонда ҳам мавжуд.

Годвин – *никоҳлар*, унинг асосчиси бўлган инглиз социал-монархи У.Годвин (1756-1836) номи билан боғлиқ. У бундай оилани идеал деб ҳисоблаган, чунки бундай оилалар, асосан, ота-онанинг хоҳиш-иродасига кўра пайдо бўлади, ёшларнинг истаклари бунда инobatга олинмайди. Бундай никоҳларда жинсий яқинлик кўзда тутилмаганлиги сабабли, ўзаро ҳурмат ва бир том остида алоҳида яшашга мўлжалланган бўлади, эр ва хотин бир-бирларининг олдида фақат маънавий жиҳатдан мажбуриятларга эга холос. Тўғри, бир қарашда бундай никоҳ биздаги совчилик йўли билан қуриладиган оилага ўхшаб кетади, лекин бизда зурриёд қолдириш, бирга яшаш талаб этилади. Шунинг учун йигит ва қиз бир-бирларини севмаган бўлсалар-да, никоҳ ўқиладиганда уларнинг ризоликлари сўралади, жавоб ижобий бўлгач, улар чимилдикқа киритилади. *Годвин* типидagi никоҳлар кўпинча Ўзбекистонда кексалар ўртасида рсмийлаштирилади. Масалан, кампиридан унинг қазоси туфайли жудо бўлган отахон ўзаро келишув натижасида ўзга бир бева аёлга уйланади, улар ўртасидagi муносабатлар ўзаро самимият, ҳурмат, қўллаб-қувватлов, кексаликни безашга йўналтирилган. Лекин бу оила ўзидан зурриёд қолдириш каби ҳақиқий оилага хос функцияларнинг барчасини бажармайди. Бундай оила Ислом дини арконларига ҳам мос бўлиб, бу икки кекса одамнинг бир-бирлари умрларини чўзишга қаратилган самимий муносабатлари мажмуидир.

Қўшхотинлилик ҳам альтернатив никоҳ турларидан бири бўлиб, бунда бир эркак кўпинча хуфи ўз қонуний никоҳидagi аёлдан ташқари яна бошқаси билан шаръий никоҳда яшайди. Қўшхотинлилик кўпроқ Осиё ва Шарқ мамлакатлари аҳолисига хос деб ҳисобланса-да, ҳозирда бундай оилалар ҳаттоки, Россияда ҳам қузатилмоқда. Лекин бундай оила тури қонунан ман этилган.

1.2. Оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни

Ҳар қандай даврда ҳам жамият ва давлат аҳоли сонининг бир маромда ўсиб бориши, муайян анъаналар ва муқаддас удумларнинг сақланиб, авлоддан-авлодга етказилиб турилишидан манфаатдор бўлган. Буюк рус психологи А.Н.Леонтьев авлодлараро мулоқотнинг жамият тараққиёти учун аҳамиятини ўрганиб, илк асарларидан бирида агар шундай мулоқот бўлмаганида, тараққиётнинг ўзи ҳам

мутлоқ бўлмас эди, деб таъкидлаган. Бу вазифани бажаришда жамиятнинг муҳим бўлаги бўлмиш оиланинг роли каттадир.

Демак, оила ижтимоий институт сифатида энг аввало туғилиш орқали аҳолининг маълум миқдорда муттасил ўсиб бориши, одамлар ўртасида миграция, яъни у ердан бу ерга кўчиб туриш ёки ўлим оқибатида камайиб борадиган миқдорини тўлдириш вазифасини бажаради. Чунки ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланиш учун меҳнат ресурслари ва ишчи кучининг янгиланиб боришидан жамият ҳам, одамлар ҳам манфаатдордир.

Бундан ташқари, ҳар бир жамиятнинг бетакрор кадриятлари, ўлмас мероси, авлоддан авлодга ўтиб борадиган анъаналари бўлади. Фуқаролик ҳолатлари, маданий ўсиш, маънавий юксалишга хизмат қилувчи кадриятларнинг сақланиб келаётганлиги ҳам оила туфайлидир. Масалан, шундай оилалар сулоласи борки, улар асрлар оша у ёки бу муқаддас кадриятларни касб-кори, турмуш тарзи орқали сақлаб келади (рассомчилик, санъатшунослик, ҳунармандчилик, гулчилик, кулолчилик, илмий мерослар, аграр соҳада ва ҳ.з).

Умуман одамлар жамиятининг сақланиб қолишида ҳам оила айрим алоҳида олинган шахс билан яхлит жамият ўртасида ўзига хос “буфер” – кўприк ролини ўйнаб келмоқда. Зеро, маданий ва маънавий кадриятларни сақлаб, авлоддан-авлодга етказишда давлат ва жамиятдаги таълим муассасалари, маданият ўчоқларининг ҳам муайян роли бор, лекин уларда ўзгаришлар тез-тез рўй бергани сабабли, уларнинг авлодлараро муқаддас саналиб келинаётган кадриятларни асраб-авайлашдаги роли оилачалик юқори бўлмайди. Шунинг учун давлат оиланинг мустаҳкам ва фаровонлиги, одамларнинг унда тинчлик, хотиржамликда яшашларидан ҳаминша манфаатдор эканлиги сабабли ҳам муайян қонунлар ва юридик тизимни ушлаб турадики, улар орқали нафақат никоҳнинг ўзи, балки ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ҳам мувофиқлаштириб боради. Ўзбекистонда ёш оилаларга кўрсатилаётган муруватлар, бола туғилиши ва катта бўлиши учун суюнчи пули, нафақаларнинг белгиланиши, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофаза қилинаётганлиги, ота ёки она фарзанд олдида ўз бурчини бажармаган тақдирда моддий, маънавий, ҳатто, жиноий санкциялар орқали жазоланиши ушбу ноёб масканни мустаҳкамлаш, у орқали миллий ва умуминсоний кадриятларни кейинги авлодлар учун сақлаш вазифасини бардавом этишдан иборатдир. Таҳлил этиладиган бўлса, одамлар ўртасида рўй берадиган кўплаб

муносабатлар орасида фақат оилавий муносабатларгина давлат билан шунчалик ардоқланади, масалан, севги-муҳаббат, дўст-ёронлик, одамлар ўртасидаги олди-сотти, тадбиркорлик, меҳнат муносабатларига давлат деярли аралашмайди.

Демак, оиланинг жамият олдидаги *вазифа*лари деганда, унинг аввало оила аъзоларининг муайян эҳтиёжларини қондириш ҳамда шу орқали давлат ва жамиятнинг эҳтиёж ва манфаатларига хизмат қилиш қобилияти тушунилади. Масалан, ота ишлаб чиқариш корхонасида эртдан кечгача меҳнат қилар экан, бу билан у нафақат ўзининг еб-ичиш, дам олиш, турли харидларни амалга оширишга йўналтирилган эҳтиёжини қондиради, балки оила аъзоларини, биринчи навбатда фарзандлари, уй бекаси бўлса, турмуш ўртоғининг эҳтиёжларини, қолаверса, у ёки бу корхонадаги рентабелликнинг ошиши, иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори бўлишига, шу орқали ўз Ватанида ушбу соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшади.

1.3. Оиланинг ижтимоий функциялари

Оила психологиясига оид илмий адабиётларда оиланинг куйидаги *функциялари* – жамият олдидаги вазифалари фарқланади:

Оиланинг *ҳиссий-эмоционал* функцияси – бу унинг ўз аъзолари ўртасида муайян илиқ муносабатларни сақлаш, улар ўртасида меҳр-окибат, ўзаро ғамхўрлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, севиш, севилиш каби қобилиятини намоён этишидир. Бу оила учун жуда муҳим бўлиб, инсоннинг руҳий саломатлиги айнан шу вазифани қандай бажараётганлигига боғлиқдир. Оиланинг маънавий-психологик муҳити соғлом деганда, аслида ана шу аъзолар ўртасидаги илиқлик, самимият, ўзаро бағрикенгликнинг мавжудлиги, меҳр-окибат каби инсоний ҳиссиётларнинг ижобийлиги тушунилади.

Жисмоний қувватни таъминлаш функцияси – оила аъзоларининг жисмонан соғ, тетик ва ўзини яхши ҳис қилишларини таъминлашга боғлиқ бўлган шароитларни назарда тутуди, масалан, ҳар биримиз оилада бошпавамизга эгамиз, бундан ташқари, мана шу ўз худудимизда, яъни хонадонимизда дам олиш, яхши сифатли, тўйимли таомлардан баҳраманд бўлиш, ижод қилиш ва ўқишимиз учун зарур, қулай имкониятларга эга бўлишимиз шарт. Зеро, агар шулардан бирортаси таъминланмаган бўлса, бундай оила ўзини бахтли деб ҳисоблай олмайди ва қатор ноқулайликларни ҳис қилади. Масалан, уйсиз, бошпанасиз қолган одамларнинг нафақат руҳий,

балки жисмоний азобларга дучор бўлганликларини тасдиқловчи психологик тадқиқотлар мавжуд.

Маънавий мулоқотни таъминлаш функцияси – одамнинг ўз насл-насаби, маънавий-маданий анъаналари бўлишига интилишидан келиб чиқади, ҳар бир шахс ўзини кимнинг авлоди, қандай анъаналарнинг вориси эканлигидан чексиз фахрланади, у қандай оила бўлишидан қатъий назар, албатта, ўз аъзоларини муайян яхши урф-одатлар, муомала маромлари доирасида бирлаштиришга қодир бўлгандагина мустақкам ва бахтиёр бўлади. Янги туғилган фарзанд тета-поя қилиб юра бошлаган онларданоқ оиланинг катталари уни эркалатишлар орқали ширин муомалага ўргатади, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, иззат тушунчалари ҳам оилада тарбияланади. Шу функцияни адо эта олмаган оилада ҳамиша кўнгилхираликлар, жанжал, зиддиятлар бўлиши эҳтимоли каттадир.

Жинсий-ҳирсий мулоқот функцияси – эр ва хотин ўртасидаги иккаласигагина тааллуқли бўлган сексуал эҳтиёжларни қондириш, шу орқали авлодлар бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу функциянинг бажарилиши эр-хотин муносабатларига бевосита таъсир қилади, уларнинг бир-бирларига вафо-садоқатда бўлишларини, саломатликлари ва тўғри турмуш тарзини барқарор этишларига хизмат қилади.

Бахт ва тинчлик-хотиржамликни барқарорлаштириш функцияси ҳам ўта муҳим бўлиб, айнан оила ҳар бир аъзосининг муаммоларини ечиш, уни ташқи турли таъсиротлардан ҳимоялаш, керак бўлса, унда ҳимоя иммунитетини шакллантиришга ёрдам беради. Ўзбекларда “Ўз уйим – ўлан тўшагим” деган ибора бор, ҳар ким ўз уйида чинакам хотиржам бўлиши мумкин. Узоқ сафарларда, юксак сервис мавжуд меҳмонхоналарда дам олиб келгач, ўз уйида, оёғини узатиб, “шукур” дейиши унинг энг катта бахтидир. Шу нуқтаи назардан фарзандларнинг ҳам соғ-омон катта бўлиши, улар онгини турли ташқи таъсиротлардан, ёт ғоялардан ҳимоя қилишда ҳам оиланинг роли беназирдир. Оила тинч ва хавфсиз бўлса, демак, жамият ҳам, давлат ҳам тинч ва ундаги осойишталик барқарор бўлади.

Репродуктив функция – бу оиланинг нафақат авлодлар, ворисларни яратишга алоқадор вазифаси, балки, шу орқали ота ва она бўлишдек бахтга муяссар бўлиш, давлатнинг эса туб аҳоли сонини муайян миқдорда ушлаб туришига ҳам хизмат қилади. Айниқса, ўзбекларда никоҳнинг дастлабки онлариданок, “ували-ж

бўлинглар, қўша қаринглар” деб дуо қилинади ва келинчакнинг ҳомиладор бўлиши интиклик билан кутилади. Чунки айнан шу омил ёш оиланинг мустақкамлигида катта аҳамиятга молик бўлади. “Фарзандли оила” тушунчаси оила психологиясида ҳам, оила социологиясида ҳам муҳим бўлиб, у оилада турмуш тарзининг деярли барча жабҳаларидаги кўрсаткичларнинг мезонидир. Чунончи, ўзбекларда “Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор” деган нақлнинг маъноси ҳам фарзанд туғилган уйга фаришталар ёғилади, яхшилиқ ва хурсандчиликлар, тўйлар учун йўл очилади, демакдир.

Оила социологияси ва демографиясида оиладаги фарзандлар сонига кўра гуруҳларга бўлинади. Масалан, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан “кам сонли оила” – бу 1-2 нафар бола бор оиладир. Бу рақам умуман демографик жиҳатдан баҳоланса, аҳолининг ўсиши ва табиий йўқотишларнинг ўрнини қоплаш учун камдир. Социолог А.Антоновнинг фикрича (2005), жамиятда аҳоли балансини сақлаш учун ўртача фарзандлар сони 2,5 нафардан кам бўлмаслиги лозим. Ёки жами оилаларнинг тўртдан бири иккита, учдан бири учта, 14 % – бифарзанд ёки ёлғиз, 7 %и кўп болали, яъни бештагача боласи бор оилалардан иборат бўлса, авлодлар ворислиги таъминланади. Лекин Россия мисолида бу масалага эътибор бериладиган бўлса, аҳолининг репродуктив ўсишида жиддий пастрлашиш кузатилмоқда. У ерда жами оилалар нисбатида кам болалилар, яъни, 1та ёки 2та болага эга бўлган оилалар сони кескин ошиб, бугун уларнинг улуши 95 %ни ташкил этмоқда. Халқаро ЮНИСЕФ ташкilotининг 2004 йили эълон қилган мониторинги натижаларига кўра, Европа мамлакатларида ҳам Марказий Осиё давлатларида ҳам туғилишнинг камайиши ҳолатлари кузатилмоқда (1.1-жадвал).

Айрим мамлакатларда туғилиш коэффициентларининг ўзгариши (1000 нафар аҳоли сонига нисбатан тирик туғилган болалар сони)

1.1-жадвал.

	Мамлакатлар номи	1989 йил кўрсаткичи	2002 йил кўрсаткичи
	Россия	14,7	9,7
	Қозоғистон	23,4	15,3
	Қирғизистон	30,5	20,3
	Тожикистон	38,8	27,2

	Туркменистон	34,8	22,0
	Ўзбекистон	33,3	21,11

Россияда кўп фарзандли оилалар улуши 1%ни ҳам ташкил этмагани холда, ўртача миқдорда болаларга эга оилалар сони 5% гачани ташкил этади.² Шунинг таъкидлаш жоизки, бизда ҳам кўп фарзандли оилалар сони йил сайин камайиб бормоқда.

Тарбия ва назорат функцияси – ота-оналарни зурриёдларини қобил ва ақлли, имон-эътиқодли, соғ-саломат вояга етишини таъминлашларига боғлиқ. Чунки, оила – нафақат эр ва хотинни, уларнинг мақомларидан келиб чиқиб тарбиялайди, балки ёш авлодни ҳам оиласи, ота-онасига муносиб инсонлар бўлиб етиштишлари, жамиятга фойдаси тегиши учун қайғуради. Ўзбек оиласида авлодлардан мерос бўлиб қолган тарбия мезонлари ва анъаналари мавжудки, уларнинг ҳаётийлиги ва бардавомлиги боис жамиятда қадр топган барчасида ёш авлод тарбияси масаласи етакчи ҳисобланган удумлар ва урф-одатлар ҳамон сақланмоқда.

Хусусий мулкка эга бўлиш ва авлодга мерос қилиб қолдириш вазифаси ҳам муҳим бўлиб, у ҳар бир оиланинг ўз жамағармаси бўлишини тақозо этади, шунинг учун ҳам “Эр-хотин – қўш хўкиз” бўлиб, тинмай меҳнат қилади, орттирганига тўй ва оилавий тадбирлар ўтказиши, уй-жой, томорқаларни фарзандларига мерос сифатида қолдиради. Бу ҳам оила мустақамлигига, ота-оналарнинг обрў-мартабасига хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси ҳамда ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши билан оилавий бизнес, хотин-қизлар кичик ва ўрта бизнесини ривожлантириш, аёллар тадбиркорлиги учун банклардан имтиёзли кредитлар бериш сиёсати изчил амалга оширилиши туфайли аёлларнинг оила бюджетига қўшаётган ҳиссаси ҳам ортиб бормоқда. Бунинг натижасида фарзандларда ҳам тадбиркорлик хислатлари ўсишига реал имкониятлар яратилмоқда. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, онаси тадбиркор бўлган қизларда илк ёшлиқдан оқ бошқарув ва лидерлик сифатлари, тадбиркорлик қўникмалари шаклланиб борар экан (*В.М.Каримова, 2003*).

¹ Социальный мониторинг. – М.: “Инноченти”, 2004. – С. 62.

² Социология семьи: Учебник / Под ред проф. А.И. Антонова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2005. – С. 59.

Юқорида таъкидланган вазифалар ижтимоий-иқтисодий тузумнинг характериға кўра ўзгариши, бири долзарб, бири эса камроқ аҳамиятли бўлиб қолиши мумкин. Лекин ҳар бир оила аъзосининг шу вазифаларға психологик жиҳатдан тайёрлиги – уларнинг инсон сифатида ўзини бахтли ҳис қилишини, оиласининг мустаҳкам бўлиши, фарзандларининг комил бўлиб етишишларини таъминлайди.

1.4. Oilaning ҳаётий тарзи ва зиддиятлари

Oilaning ҳаётий тарзи унинг ҳаётий цикли, тутими билан боғлиқ. Айрим олимлар, масалан, *В. Сатур* замонавий oilaning бола тарбияси ва унинг манфаатларига боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, бу маскандаги ҳаёт мароми ва тутимини бола ривожланишининг босқичлари билан боғлайди. Шунга кўра, қуйидаги босқичлар фарқланади:

1-босқич. Аксарият олимлар oilадаги ҳаёт цикли икки ёшнинг узоқ муддатга аҳду-паймон қилиб никоҳға киришга қарор қилган онлариданоқ бошланишини таъкидлайдилар. Бошқа муаллифларнинг фикрича, oilaning бошланғич нуқтаси икки шахс расман никоҳға кирган вақт, кўпчиликнинг гувоҳлигида ўтказилган тантаналар билан изоҳланади.

2-босқич. Икки ёшнинг интим қовушиши оқибатида зурриёднинг пайдо бўлиши. Сатурнинг фикрича, зурриёднинг пайдо бўлиши, туғилиши эр ва хотиннинг асл муносабатларини синовдан ўтказади ва улар ўзига хос янги муносабатлар даврини бошдан кечира бошлайдилар. Бу даврга асосий мазмун ва маъно берувчи воқеа – бу эр ва хотинга янги ролларнинг берилиши, анчагина катта ижтимоий масъулиятни ўзига қамраб олган ота-оналик ролларининг бошланишидир. Кўплаб халқларда, айниқса, ўзбекларда боланинг дунёга келиши жуда катта қувончли маросимлар билан бошланиб, улар қадрият сифатида асрлар оша сақлаб келинмоқда. Масалан, бола туғилиши билан боғлиқ суюнчи маросимлари, ақиқа, бешик солди, суннат ва бешик тўйлари кабилар шулар жумласидандир. Шунга қарамай, айрим халқларда, масалан, Европа халқларида oilада фарзанднинг туғилиши муайян ташвишлар, рухий тарангликлар, айниқса, она бошидан кечирадиган эмоционал ҳаяжонлар, яқинларига ижтимоий ва молиявий ташвишларни келтириб чиқарадики, бу ҳам баъзан oilавий муносабатлардаги тарангликларда акс этади. Oilа ва фарзанд олдидаги бундай масъулиятлар айрим ҳолларда эр-хотин

муносабатларининг дарз кетишига, баъзан ажримларга, бизнинг шароитимизда куда-андачилик муносабатларидаги келишмовчиликларга ҳам сабаб бўлади.

3-босқич. Бола оиладан ташқаридаги ижтимоий институтлар – мактабгача таълим муассасалари, айниқса, узлуксиз таълимнинг бошланғич ўчоғи ҳисобланган мактабга бора бошлайди. Мактаб шундай масканки, у ерда ҳар бир боланинг қай даражада ва қандай ижтимоийлашгани синовдан ўтади. Чунки у энди нафақат ўзи тенгкур болалар билан, балки катталар, бегоналар, кўчадаги турли тоифали инсонлар билан муомалага кириша бошлайди. Бу муомала жараёнида унинг қанчалик ҳаётга тайёрлиги, оиласида қандай ахлоқий ва маънавий ўғитларни олганлиги, кимнинг боласи эканлиги, оилавий муҳити қандайлиги билина бошлайди. Энг муҳими – мактабга келгач, боланинг ақлий ва интеллектуал салоҳияти, интизоми текширувдан ўтади. Яъни, боласини мактабга берар эканлар, ота-оналар ҳам жамоатчилик олдида ўзига хос синов ва текширувдан ўтаётгандай ҳис қиладилар ўзларини. Яхши ёки ёмон ота-оналик роллари мактаб йилларининг дастлабки ой ва йилларида билингани сабабли, кўпгина ота-оналар айти шу даврларда кучли стрессни бошидан кечирадилар.

4-босқич. Бола ўсмирлик даврига қадам босганда, у ота-онасидан мустақилликни, ҳадеб таъқиб қилавермасликни даъво қила бошлайди. Ота-онанинг фарзанд олдидаги обрўси, кераклиги даражаси пастлай бошлайди. Бу даврга келиб ота ҳам, она ҳам ўзининг фарзандига нисбатан муносабатларини ўзгартиришга мажбур бўлади, чунки болада янгича талаб ва истаклар, янгича фикрлаш, урф-одатлар, мусиқага ҳавас, турли хил гуруҳлар билан мулоқотда бўлишга интилишлар пайдо бўлади. Бу давр ота-онанинг боласида пайдо бўлаётган ўзгаришларга, ёшга оид янгиликларга қанчалик фаҳм ва фаросат, сабр-қаноат билан туриб беришларини синовдан ўтказди. Синовдан яхши ўтган ота-онанинг боласи кейинги босқичга эсон-омон яхшилик билан, очиқ зиддиятларсиз ўтиб олади, акс ҳолда ўсмирлик даврининг ўзига хос зиддиятлари гирдобида ота-она – бола муносабатлари жиддий ёмонлашади, айрим болалар уйдан кетиб қолиш ҳолатларигача боради.

5-босқич. Болалар катта бўлиб, балоғат ёшига етадилар, ўқишларни тугатиб, мустақил касб-ҳунар эгаллаш босқичига қадам босганда, айрим ёшлар мустақил оилавий ҳаёт қуришга ҳам улгурадилар. Шу даврга келиб, “Бола – ота-она” муносабатлари деярли тугайди. Айниқса, бу ҳолат европа халқларига мос, балоғат

ёшига етгач, деярли барча ҳаётий масалаларни ёшлар ўзларича, ўз билганларича ҳал қила бошлайдилар. Ота-оналар уларнинг хато қилиб қўйишларидан хавотир олмай қўяди. Бизда, Шарқ халқларида бу ҳолат бироз бошқача: ота-она фарзанди касб-хунарли бўлиб, мустақил касбий йўлдан кетаётган бўлса ҳам уларнинг келажаги, оиласи, молиявий аҳволи борасида хавотирга тушаверади, ўғил уйланиши, қизларнинг турмуш чиқишларида ота-она ва уларнинг ота-оналари – момолар ва бувалар бош-қош бўладилар. Турмуш ўртоғи танлаш масаласи ҳам бизда жуда кам ҳолатларда бўйига етган қиз ёки йигит ихтиёрига ҳавола этилади. Яъни, кўчадан бирдан нотаниш қизни “Танишинг, бу менинг бўлғуси қаллиғим, турмуш ўртоғим” дейишлар бизда деярли учрамайди, чунки бунга бизнинг асрий урф-одатларимиз, оилавий тарбия мезонларимиз йўл қўймайди.

Айрим бўлинмаган оилаларда ўғил уйлангандан кейин ҳам, қиз фарзандли бўлганда ҳам ота-оналар уларнинг ғамини еб, ҳаётда қоқилмасликлари учун ҳаракат қилаверади. Ҳаттоки, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида шундай одатлар борки, она кўзи ёриган қизининг озик-овқати, емиши учун тўла ўзини жавобгар, деб ҳисоблайди. Чунки бунга икки сабаб бор: биринчиси – янги кўзи ёриган аёл организмда шундай янгилиниш рўй берадики, уни ўзига келтириш учун айнан йиллар мобайнида ўз оиласида еган-ичганлари адаптация жараёнларини тезлаштиради; иккинчидан – ўз онасининг меҳрибонлик кўрсатаётганлиги ёш онанинг яқинда бошидан кечирган – хинчиликларини унутиш, ўзини чинакам она сифатида онасидай ҳис қилишини таъминлайди. Ушбу психологик ҳолат ўта муҳим бўлиб, айнан ўзбекларда бу оила мустаҳкамлигининг омилларидан ҳисобланади. Қайнона ҳам она, у ҳам келинига ачинади, туғруқнинг азобларини унутиши учун қўлидан келганини қилади, лекин ўз тукқан онасининг хабар олиши, ёнида бўлиши кўплаб кузатишларда ёш онанинг оналик ролига тезроқ кириб кетишига, кўкрак сути билан боласини эмизиб катта қилишида катта роль ўйнайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда ота-онанинг ёшлар ҳаётига аралашуви шу қадар бевосита характерли бўладики, бу ёшлар билан ота-оналар ўртасидаги низоларга ҳам сабаб бўлади, қайнона ва келин, қайнота ва куёв ўртасида низолар ҳам ана шундай аралашувнинг кўплигидан келиб чиқади. Яъни ота-онанинг фарзанди балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгандаги аралашувлари, ғамхўрликлари ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни олиб келиши

мумкин. Фарзандларнинг мустақил иқтисодий мақомга эга бўлишлари, ўз оиласига эга бўлиши ота ва онага бошқа яна қўшимча ролларни бажаришни тақозо этади – келин, куёв, қайнона, қайнота ва бошқалар. Бундан ташқари, янги пайдо бўлган ёш оиланинг қариндош-уруғлари ўртасидаги муносабатлар, масалан, куда-андачилик муносабатлари ҳам ёш оила ва унинг ота-оналари Мақомларининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, “энди кудаликмиз”, “куёвим бор”, “буви ёки бува бўлдим” каби эътирофлар шахс онгида ва хулқида жиддий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Айрим аёллар айни шу дақиқалардан бошлаб, ташқи кўринишидан тортиб, ҳаёт тарзида ҳам жиддий ўзгаришларни бошлайди, масалан, тез-тез ичадиган ота бу салбий қилиғини ташлайди, чунки келиндан уялади; намоз ўқимайдиган она куда-андалар олдида уяламан деб, намоз ўқишга киришади, маҳалла-куйга кўпроқ аралашадиган бўлиб қолади.

6-босқич. Кексаликнинг дастлабки белгилари – танада кексалик аломатлари, климактерик ҳолатларнинг келиб чиқиши босқичида инсон қалби қаримасада, айрим жисмоний қувватсизликлар пайдо бўлади. Одам нафақага чиқади, суйган касби, машғулотида узоқлашади, дўстлари давраси тораяди ва ҳ.к. Лекин кексаликни тан олиш ва унга руҳан тайёр бўлиш, этник маданият ва унинг қадриятларига боғлиқ. Халқ маънавияти ва маданияти қанчалик юқори бўлса, кексаликка муносабат ҳам шунчалик юқори бўлади. Масалан, бизнинг этник-маданий муҳитимизда кексалик ва қариялик ҳамisha эъзоланиб келинган, масалан, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2002 йил “Қарияларни кадрлаш йили” деб эълон қилинди, барча кексалар бизда қарилик гаштини суриш учун белгиланган тартибда нафақалар олади, байрам, тўй-ҳашамлар ва тадбирларда кексаларни давраларнинг тўрига ўтказиш, уларга иззат-эҳтиром қилиш халқимизнинг одатий анъаналаридандир. Шу боис бўлса керак, ўзбекистонликлар кексаликни ҳам ҳаётнинг ўзига хос даври сифатида мамнуният билан кутиб оладиган халқдир. Руслардаги “Старость не радость” иборасининг тагида ҳам ўзига хос маъно борки, айрим Европа халқларида кексалар нафақага чиққанларидан кейин ўзларини ҳеч кимга керак эмасдай ҳис эта бошлайдиган, улар учун умрнинг охириги даврлари кескин салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради, фарзандлари эса ўз ҳаёт ташвишлари билан баъзан ота-оналарни ҳам унутиб қўядилар. Қариялар уйларининг пайдо бўлиши ҳам кўп ҳолатларда айнан

шундай ўзаро муносабатларнинг оқибатидир.

7-босқич. Оилавий циклнинг тугаши одатда турмуш ўртоқлардан бирининг ўлими билан бошланади. Эр-хотинларнинг тирик қолгани бева бўлиб қолиши муносабати билан у ҳам янгича роллар тизимига киради. Мусулмончиликда чол ёки кампир бева қолса, уни иккинчи никоҳга даъват қилиш, таклиф этиш анъана, фарзандлар учун фарз ҳисобланади. Айниқса, эркак киши бева бўлиб қолганда, фарзандларнинг бирор кампирга ёки ўрта ёшли жувонга уйланишини таклиф этиши фарз саналади. Бу Ислом дини қадриятларига ҳам мос келади.

Уқорида санаб ўтилган ҳаётий тутимлар оила аъзолари ҳар бирининг хулқ-атворида, дунёқараши ва одатларида муайян ўзгаришларнинг кузатилишига, янгича роллар ўзлаштирилишига олиб келади. Ҳар бир янги босқич шахс онгида муайян кризислар, зиддиятлар билан кечадики, уларни енгиш, қийинчиликлардан яхшилик билан ўтиш инсондаги яхши фазилатларга, тарбияланганлик даражасига, сабр-қаноатига боғлиқдир. Ҳар бир босқичда ота, она ва фарзандлар, куёв-келинлар билан ўзгача муносабатлар тизими шаклланади. Масалан, бўлинмаган катта оилада оила бошлиғи – отанинг қазо қилиши тўнғич фарзандлар елкасига катта масъулиятни юклайди. Унинг оилавий ўзаро муносабатлар тизимида ўрни кескин равишда ўзгаради.

Агар турли ҳаёт босқичларида оилавий турмуш тарзининг ўзгаришинини инобатга олсак, оилавий низолар ёки зиддиятлар шу муайян маънода табиий бўлиб, уни ҳар бир нормал оила бошдан кечиради. Шу боис ҳам ўзбекчиликда “рўзғор”, “турмуш” дейилиб, момоларимиз “ғор туб кўйибди”, “муш деб кўйибди”, дея оилавий ҳаётнинг ўзига хос мураккабликлари боргигига ишора қилдилар. Бундай зиддиятлар оилавий роллар кўпайганда, фарзанд туғилганда, қудалар билан муносабатлар бошланганда, айрилиқ рўй берган босқичларда айниқса сезиларли бўлади. Лекин ахил ва мустаҳкам оилада бу зиддиятлар деярли асоратларсиз, енгиллик билан ўтиб кетади. Муаммоли оилаларда эса оиланинг катталари уларни енгиш малакаси ва тажрибасига эга бўлмай, бошқаларга сездириб қўяди, баъзан оиланинг ичидаги гап-сўзлар маҳаллага, узоқ ва яқин қариндошларгача етиб боради. Ташқаридан бўлган аралашувлар баъзан оиланинг маромини тикласа, баъзан, аксинча, унинг ҳаловатини бузади, муаммолар чалкашиб кетади. Бу вертикал зиддиятлар, яъни, оилавий низоларга ташқаридан ота-она ва бошқа

қариндошларнинг аралашуви тарзида кечади. Баъзан, катталарни орзу-хаваслари деб, ёшлар ўзларига маъқул бўлмаган ҳаёт тарзини бошдан кечиришга мажбур қилинадилар ҳам. Масалан, ёш оила алоҳида уйда мустақил яшашни хоҳлайди, лекин қайнона уларни ёнида, унинг тазйиқи остида яшашга мажбур қилади, ёки эр-хотин фарзандлари билан бирга алоҳида яшашни истайди, катталар эса уларнинг фарзандларидан бирини шаҳарнинг бошқа бир четида, ёки бошқа шаҳарда яшашини талаб қилади. Момолар тарбия тарзидан норози бўлмаган келин-куёв ва уларнинг ота-оналари ўртасида низо келиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, ота-оналардан бири ногирон ёки узоқ муддатли хасталикка чалинган пайтларда ҳам ёш оиладагиларнинг айримларида сурункали таранглик туфайли ички ва очиқ низолар пайдо бўлиши мумкин. Бу каби майда-чуйда муаммолар ҳар бир оилада бўлади, бу табиий, уларни енгишга руҳан тайёрлик ва оила аъзоларининг бир-бирларига муруватлиликлари оиланинг бахтли бўлишини таъминлайди.

Р.Каппенберг деган олимнинг таъкидлашича, баъзан оилавий муносабатларда фавкулотда пайдо бўладиган ҳодисалар таъсирида **шок-зиддиятлар** пайдо бўлади. Бу одатда қутилмаганда рўй берадиган ҳолатларнинг оқибати бўлиб, оила аъзолари буни кутмайдилар. Масалан, эр-хотинлардан бирининг хиёнати ва унинг ошқор бўлиб қолиши, ўғилнинг ноқобил бўлиб гиёҳванд моддалар истеъмол қилишини катталар билиб қолишлари, оила аъзоларидан бирининг бошқа жиноят йўлига кириб қолиши, фалокатлар ва шунга ўхшашлар оилавий муносабатларнинг тўсатдан ўзгариши, муносабатларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бунда ҳам оиладаги катталарнинг оқиллиги, маҳалланинг ҳамжиҳатлиги ижобий рол ўйнаши мумкин.

1.5. Оиланинг турмуш тарзи олимлар талқинида

Оилавий ҳаётни тизимли тарзда тасаввур этиб, унинг психологик хусусиятларини ўрганишга жазм этган олимлардан бири америкалик тадқиқотчи *Виржиния Сатир* (1992, 2000) ҳисобланади. У оилавий ҳаётни тавсифлаш учун қуйидаги тушунчаларни ишлатади: оила энергетикаси, оила тизими, чегараси ва функционал хусусиятлари. Бу билан у келиб чиқиши нуктаи назаридан биологик ҳисобланган ижтимоий институтга технологик методологияни татбиқ этишга уринади. Бундай ёндашув XX аср ўрталарига хос бўлиб, у

туфайли олим оилани тушуниш борасида нафақат янги йўналишга асос солди, балки уни даволаш, бу борадаги тиббий муаммоларни ҳам ўрганишни бошлаб берди.

Оила энергетикаси тушунчаси ўз ичига кўплаб жабхаларни хусусан, оиланинг тиббий-биологик хусусиятларидан тортиб, унинг психологик мавжудлигини белгиловчи омиллар, экологик шарт-шароитлардан бошлаб, тирикликнинг мезонлари бўлмиш овқатланиш ҳамда ҳар бир оила аъзосининг хатти-ҳаракатларининг намоён бўлишигача камраб олди. Оилавий ҳаётнинг психологик энергетикасини тавсифлаш учун Сатир “оиланинг эмоционал қозони” тушунчасини ишлатади, яъни оила аъзоларининг кундалик мулоқот, муомала жараёнларини у гўёки “бир қозонда қайновчиларнинг биргалиқда яшашида намоён бўладиган хиссиётлар кўзгусидай” тасаввур этади. Бу “қозонда”ги ҳис-кечинмалар ҳаётнинг муайян даврларида ўта жўшқин ва бой бўлса, бошқа бир даврда мазмунан тор ёки таранг ҳам бўлиши мумкин. Оила аъзоларининг бирбирларига меҳр-муҳаббати, яқинлиги, ҳамкорлиги; маълум даврларда кучли ижобий бўлса, бошқа даврда кимнидир кимдандир тобелиги боис ёки кимнингдир қаттиққўллиги боис торроқ, мазмунсизроқ бўлиши ҳам кўзатилади.

Оилавий муносабатлар тизими – Сатир таърифида оила аъзоларининг муайян роллар доирасида у ёки бу ҳолатларда ўзлигини намоён этиши ёки ижроси эмас, балки, бу ҳар бир оиллага хос бўлган ўзаро муносабатлар “харитаси”дир. Масалан, бирор оиллага ёрдам бермоқчи бўлган тералевтга айти шу харита керак, чунки у реал аъзоларнинг реал ўзаро муносабатларини бошқачасига тасаввур этиши мушкул. Бу харитага айти шу оила аъзоларидан ташқари, уларнинг яқинларининг таъсири ҳам киради. Масалан, агар эркак киши оилада қандайдир ажраб қолган бўлиб, хотини ва фарзандлари билан яшаган тақдирда ҳам унинг хотинига бўлган реал муносабатларига бошқа уйда яшайдиган онасининг таъсири бўлса, демак, оилавий муносабатлар харитасида қайнонанинг таъсири ҳам албатта назарда тутилиши шарт. Ёки биринчи никоҳидан ажралган аёл собиқ эрининг фарзанди билан бирга яшаётганлиги боис, ҳаминша уни эслаб туриши, боласининг истагига кўра, собиқ эри билан кўришиб туриши, ҳаттоки, молиявий жиҳатдан унга тобе ҳам бўлиши мумкин. Бу табиий, айти пайтда реал оилавий муносабатларга таъсир этмай қолмайди.

Оиланинг функционал хусусиятлари – бу оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг сифатий тарафларини тавсифлайди. Масалан,

мулоқот услублари;

ҳар бир оилага хос бўлган тартиб-қоидалар;

ўзаро мулоқот жараёнида коммуникатив тўсиқларнинг мавжудлари (йўқлиги).

Сатир ўзининг психотерапевтик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда оилавий муносабатлар жараёнида кўзга таъпланадиган мулоқотнинг 5 хил услубини ажратадики, улардан тўрттасини у самарасиз деб атайди, биттаси етарли даражада тажриба ва билимга эга бўлган етук мулоқот услубига киради. Дастлабки тўрттаси одатда муомала жараёнида бирор муаммо ёки тўсиқни енгилма, ўзини атайлаб яхши кўрсатишга, кимгадир ёқишга ёки аксинча, кимнидир нимагадир айблашга, танқид қилишга хизмат қилувчи услублардир. Масалан:

Хушомадгўйлик услуби кимларгадир атайлаб ёқиш мақсадида барча оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларидан андоза олиш, ўзини ерга уриб бўлса-да, ўзгалар билан келишиб яшаш, бу билан ўзини ҳамини ерга уришни назарда тутати.

Айбловчи услуб доимо кимнидир нимагадир ўргатавериш, танқид ва назорат қилиш, фақат ўзидан кучли одам олдидагина бироз ўзини тортиш билан боғлиқ коммуникатив ҳаракатларни ўз ичига олади. Биринчи ва иккинчи услублар гўёки бир бирини тўлдирати.

Ҳисоб-китобли муомала услуби шундайки, унга кўра одам ҳамини ва ҳар қандай вазиятда аниқ, беҳато ҳаракатлар қилишга интилади, чунки бундай одам адашмай, доимо “тўғри, бенуқсон” бўлишга интилади, шунинг учун бундай инсоннинг ҳаракатлари доимо сунъийдай, ҳис-туйғулари эса мазмунсиз, доимо тазйиқ остига олингандай бўлади.

Четлаштирилган муомала услуби ўзини нима қилиб бўлса-да ўзгалардан узоқда, муайян масофада тутишга қаратилган, одамовидай бошқаларнинг назаридан ҳам, уларнинг таъсиридан ҳам ўзини тортади (масалан, бизда одатда янги келинчак ўзиёни ана шундай тутати).

Езук, адаптив муомала услубида эса инсон ҳамини ўз оиладошлари билан тўғри, самимий, очиқ муносабатларга тайёр бўлади. Бундай одам ўзининг барча фазилатларини билгани ва сақлагани ҳолда бошқаларнинг ҳам шахс эканлигини,

индивидуаллигини унутмаган тарзда мулоқотга киришади. У гапиришни ҳам маромида эплайди, ўзгаларни тинглашни ҳам билади, шу сабабли, унга қандайдир коммуникатив тўсиқлар хатарли эмас.

Психотерапевтик амалиётда Сатир ҳам Карл Рожерс каби барча муомала услубларини таҳлил қилар экан, бир инсоннинг бошқа бир инсонни тинглай олишига алоҳида эътибор қаратади. Асосий мақсад шундан иборатки, ҳар бир оила аъзосини ўз тартиб-қоидаларини бузмаган ҳолда муомала маданиятига ўргатишдир. Масалан, оиланинг муайян тартиб қоидаларига қўйидагилар кириши мумкин: “Якшанба кунлари ҳамма тўпланиб, бирга тушлик қилишади”, “Отамиз ухлаган пайтда унга ҳеч ким халакит бермайди”, “Мактаб харажатлари учун болаларга муайян миқдорда пул берилади” ва ҳоказо.

Очик тартиб-қоидалардан ташқари, ҳар бир оиланинг яширин қоидалари ҳам мавжудки, улар ҳам оилавий муносабатларнинг яхши бўлишида катта рол ўйнайди. Одатда бундай қоидалар муайян мавзуларнинг оила даврасида кўтарилмаслиги ёки маълум тарзда ҳис-кечинмаларнинг намоён этимаслигида кўринади. Масалан, отасининг олдинги никоҳдан фарзандлари борлиги мавзуси, оилада ногирон борлиги, боланинг қандайдир фалокат туфайли руҳан ёки жисмонан дардман бўлиб қолгани, кимнидир қамалиб кетганлиги, ота ва онанинг бирга ётмаётганлиги, отанинг спиртли ичимликларга ружу қўйганлиги қабилар одатда оила аъзолари тўпланган пайтда очик муҳокама қилинмайди. Чунки расман таомил бўйича бундай ҳолатларга бевосита болаларнинг алоқаси ҳам, айби ҳам бўлмайди, шунинг учун уларда шу каби салбий тажриба пайдо бўлишидан сақлаган тарзда бу каби ҳолатлар муҳокама қилинмайди.

Оиланинг чегараси ва ҳудуди дейилганда, одатда оиланинг бошқа социомаданий муҳит вакиллари билан алоқаси, уларга боғлиқлиги даражаси назарда тутилади. Сатирнинг фикрича, шундай оилалар ҳам бўладики, улар бошқалар билан деярли мулоқотга кирмайди, бу оилага дарвозадан ҳам, деворидан ошиб ҳам кириб бўлмайди, у гўёки ўз қобиғига ўралиб олгандай, ўз навбатида у бошқа оилаларга ҳам қизиқмайди, оилавий тантаналарга яқин қўшниларни ҳам чақирмайди, ўқиши ёки ишхонасини ҳисобга олмаганда, бошқа ижтимоий муассасаларга, масалан, театр, кино, клубларга ҳам бормайди. Одатда бундай “ёпик” турдаги оилалар унчалик иноқиттифок ҳам яшамайди. Бизнинг шароитимизда маҳалла-қўйнинг тадбирлари ҳам уларсиз ўтади. Шунинг учун очик турдаги, кенг

мулоқотларга асосланган оила бахтли ва мустаҳкам ҳисобланади. Бу оилаларнинг даҳлсизлигига ҳам зарар етказмайди.

Таниқли америкалик оилавий психотерапевт Сальвадор Минухин ҳам ўзига хос концепциянинг асосчисидир. (Минулин С., Фишман Ч., 1998). Унинг фикрича, оила – мураккаб тузилишга эга бўлиб, таркибига айрим алоҳида индивидларни, бир қатор тизимларни камраб олади. Ички тузилмалар коалицияларга бирлашиб, оила доирасида турли ҳодиса ва жараёнларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ҳар қандай оила бошқа ўзига ўхшаш тузилмалар билан мураккаб муносабатларни ўрнатадики, бу ташқи тизимлар баъзан оилани қўллаб-қувватлаш вазифасини ҳам бажаради.

Оила – энг аввало ривожланувчи тузилма бўлиб, унга ёшга оид қонуниятлар ҳосдир. Чунки оила аъзолари йиллар ўтгани сари ривожланади, етукликка эришади, қарийди, шу боис ҳам оила доимий ўзгариш ва ривожланишларни бошидан кечиради.

Оиланинг таркибий тузилмаси ҳам илмий жиҳатдан муҳим бўлиб, уни энг аввало алоҳида индивидлар ташкил этади. Алоҳида индивид ўз хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари, мотивацияси, ҳаётий мақсад-муддаоларига эга дастлабки автоном бирликдир. Оила аъзолари эса оилага киришиб, қўшилиб кетганлиги нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Оиланинг айрим аъзолари бутун вужуди, борлиғи билан оилавий ҳаётга уйғунлашга кетган бўлса, бошқалари унинг таркибига бошқа ташқи тузилмалар ҳисобидан қўшилади. Масалан, уй бекаси оиланинг биринчиси бўлса, янги тушган келинчак иккинчи хил оила аъзосини ташкил этади. Лекин барча оила аъзолари унинг психологик муҳитини, ундаги самимиятни барқарор этишга ўз хиссасини қўшади, фақат биринчиси оила манфаатларини ичкаридан туриб, фақат яхшилиқни, барқарорликни ўйлаб иш тутса, бошқалари ташқаридан турли маълумотлар, “ўзига хос ҳаво” олиб кириш йўли билан оила муҳитини мувофиқлаштиради.

Эр-хотин тизими оиладаги эр ва хотиндан иборат бўлади. Эркак ва аёл қовишуvidан бошланадиган бу тузилма аслида бутунлай бир-биридан фарқ қилувчи кадриятлар, қарашлар, кутишлар ва эътиқодлардан таркиб топадики, агар уларнинг ҳар бири ўзаро мулоқот жараёнида бир-бирларини билгани сари ўз қарашлари, хатти-ҳаракат меъёрлари, одат ва қилиқларидан қисман бўлса-да, воз кечмас экан, оилавий бирлик рўй бермайди. Бу жуда катта психологик жараён ҳисобланиб, унинг натижаси ўлароқ оилада эр-хотиннинг бир-бирига адаптацияси, мослашуви рўй бериши мумкин.

Янгича “қовишув”, бир-бирини идентификация қилиш, ўхшашликлар жараёни адаптациянинг муҳим натижаси ўларок, бундай бир-бирига яқинлашиш, “ўхшашлик ва уйғунликнинг” пайдо бўлиши йиллар давомида сайқал топиб боради. Лазарев ва Раге деган олимларнинг қайд этишларича, одам бошидан кечириши мумкин бўлган стрессор ғамлардан энг кучлиси турмуш ўртоғидан жудо бўлиш ҳисобланади, чунки улар йиллар мобайнида бир-бирларига жуда кўникиб, киришиб кетган бўлади. Айни шу тузилмадаги ҳар қандай эврилишлар, низолар ва кийинчиликлар яхлит оиланинг барча аъзоларига бирдай таъсир этади.

Ота-оналар тузилмаси ҳар доим ҳам эр-хотинликни назарда тутмайди, зеро, уни ёлғиз момо, хола ёки тўнғич фарзанд ҳам ташкил этиши мумкин. Шунинг учун терапевтик муолажаларда ёки маслаҳатларда ота-оналар тузилмасини айнан ким ташкил этишини билиш аҳамиятлидир. Ота-оналар энг аввало оиланинг хавфсизлиги, унда самимият муҳитининг бўлиши, тарбия жараёнларининг қандай кечишига жавобгардир. Улар шу оиладаги барча фарзандларнинг келажагини, керак бўлса, жуда яхши камол топиши учун ўз билим ва тажрибасини сафарбар этадиган инсонлардир.

Ака-опа-укалар тузилмаси – оилада фарзандларнинг ҳаётни ўрганишлари, бир-бирларини тушунишлари баъзан тортишиб, баъзан дўстона муомалани йўлга қўйишлари жуда муҳимдир. Одатда оилада шаклланган ва сайқал топган ака-ука, опа-сингилчилик муносабатлари кейинчалик дўстлар, ҳамкасблар, рақиблар билан бўладиган мураккаб ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш учун зарур бўлади.

Муаммоли оилалар деб, Минухин оила ичидаги мавжуд тузилмалар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишини тушунади. Масалан, “pa-de-de” типдаги оила (французча *pas de deux* – икки киши рақси маъносини билдиради) одатда фақат икки кишидан иборат бўлиб, бундай оилада фарзанд бўлмайди. Ёки фарзандлари аллақачон “учирма” қилинган бўлиб, ота-она хонадонини тарк этган бўлади. Бу каби оилалардаги ўзаро муносабатлар анчагина таранг бўлиб, аксарият ҳолатларда бундай кечинмалар вақтинча характерга эгадир. Унда наслни давом эттириш, бола тарбияси каби муаммоларнинг мавжудлиги эр-хотин муносабатларига раҳна солади.

Кўп фарзандли оила (“чорик” типли оила) муносабатлар тизими серқирра бўлган оиладир, унда баъзан, фарзандларнинг тўнғичи ота-оналардай юқори поғонага ҳам кўтарилиб қолади. Бундай оиладаги

муносабатларнинг яхши бўлиши учун ота-она ҳар бир оила аъзосининг вазифалари ва оиладаги мақомларини аниқ тасаввур қилиб, бўлиб бериши, тўнғич бола билан кичиклар ўртасидаги муомала қоидаларини болалиқдан бир маромда йўлга қўйилган бўлиши талаб этилади. Бу ерда ота-она тузилмаси, яъни ота-онанинг мавқеи, обрўси кучли ва етакчи бўлиши шарт.

Дистант оила ёки “аккордеон” типидagi оилада аъзолардан кимдир, бу кўп ҳолларда ота – у ёки бу сабабга кўра оила аъзолари билан кам кўришади (узоқ муддатли сафардаги денгизчи, ҳарбий хизматчи, геолог, нефт қазувчи каби). Ота бундай ҳолатларда ўзаро муомала жараёнларида ё жисмонан мавжуд шахс сифатида ёки рамзий тарздаги ота сифатида иштирок этади. Оилада эр-хотинлик алоқалари ҳам, ота ва бола муносабатлари ҳам болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам азият чекиб туради. Гоҳида оилада гўёки яширин қолипда ажрим тургандай бўлади. Лекин айти шу ҳолат кўпинча дистант оиланинг ажрим бўлган оиладан афзал эканлигини кўрсатади.

Беқарор оила таркибан, ҳам турар-жой, яшаш жойи масаласида ҳам ўзгарувчан бўлади. Масалан, айрим аёллар биринчи никоҳидан ажралганидан сўнг тез-тез эркакларни алмаштиради, токи кўнглига маъқул бўлган инсонни топмагунича турлича муносабатлар тизимида бўлади. Бу фарзандлар томонидан яхши қабул қилинмайди, она билан болалар муносабатлари ҳамиша таранг туради. Шунга ўхшаш ҳолатлар тез-тез турар жойини алмаштиришга мойил оилага ҳам хосдир. Муносабатлар таранглиги нафақат шу оиланинг ичида, балки янги турар жойга келиб янги тенгдош ўртоқлар ва синфдошлар орттирадиган болаларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Нотўлиқ оила – баъзан турмуш ўртоғидан бирининг ўлими туфайли жудоликка маҳкум этиганлар оиласида ҳам ўзига хос муносабатлар шаклланган бўлиб, уларда гўёки “арвоҳ” оилавий жараёнларнинг барчасида иштирок этаётганга ўхшайди. Айниқса, шарқ халқларида марҳумнинг руҳини ҳурмат қилиб, барча оилавий тадбир ва маросимларда уларнинг руҳларини шод этувчи дуолар ўқилади, улар яхши гаплар билан эсланади, дуолар мавжуд бўлади. Бу фарзандлар тарбиясида ҳам ижобий, ҳам салбий рол ўйнайди.

Шундай қилиб, Минухин чизмасида оилавий ўзаро алоқалар турлича муносабатлар тизими шаклида тасаввур этилади.

Америкалик гадқиқотчи Мюррей Боуэн (1913-1990) – АҚШда XX асрнинг бошларида бошланган оилани ҳимоя қилиш

ҳаракатининг асосчиларидан бўлган, ушбу ҳаракатдан кўзланган мақсад – оилани алоҳида тадқиқотлар объектига айлантириш, шу орқали унинг инсон саломатлигидаги беназир ролидан фойдаланиш, ҳаттоки, руҳан бемор бўлганларни даволашда оиланинг имкониятларидан фойдаланиш ғоясини тарғиб этишдан иборатдир. Боуэн фикрича, инсон ўз умрини ўтказадиган ижтимоий гуруҳлардан энг муҳими – бу оиладир. Шу боис ҳам ҳар бир шахсни ўрганиш унинг оиласини ўрганишдан бошланмоғи лозим. Аммо, таъкидлайди, муаллиф, инсон қанчалик биологик тузилмали, хиссиётларга бой эмоционал тизимга эга бўлмасин, у секин-аста ўз оиласи қобиғидан ажралиб, шахсий хусусиятларда бошқалардан ўзгача, ажралиб, дифференциаллашиб бораведи. Ана шундай тафовутланиш, яъни ҳаёти мобайнида ўзига хос хислатлар эгаси бўлиш, ота-онаси ва яқинларидан фарқланувчи сифатларга эга бўлиб бориш даражаси ҳар бир инсонда турлича содир бўлади. Ҳар бир шахснинг ҳаётдаги инсоний бурчларидан бири ҳам айни шу “алоҳидаликка, бошқачаликка” интилиш ва ўзгалар билан ҳамжиҳатликда яшаш кўникмаларини орттириб боришдир. Боуэн турли одамларда тестлар ўтказиб, ана шу фарқлиликнинг шкаласини яратди. Унга кўра, шкаланинг пастида жойлашганлар (0 дан 25 баллгача олганлар) одатда хавотирли ҳаёт кечиради ва кўпинча ўзгаларга тобе бўлмасликка интилади, турли вазиятлардан чикиб кетиш йўлларини яхши билмайди, нисбатан сокин ва турғун турмуш тарзини бошдан кечиради, бирор хавф ёки мушкулотни сезиб қолса, ёлғизликни, ҳеч кимга кўринмасликни афзал кўради. Бундай мижозлар билан ишлаш техникаси шунга боғлиқки, уларни энг аввало турли вазиятларда турлича ҳаракат қилиш моделларига, онги ва ақли билан бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилишга ўргатишдан иборатдир.

Унинг акси бўлган, фарқлар шкаласида юқори балларга эга бўлганлар ҳаминша кўпчилик ичида юради, улар билан ҳамкорлик даражаси юқори бўлиб, ҳар қандай мушкул вазиятларда ҳам ўзини кўлга олиб, муаммони ечишнинг йўлларини муваффақият билан топади. Унинг муносабатлардаги эгилувчанлиги шу қадар самаралики, у керак бўлса, одамлар билан тил топишиш учун ўз индивидуаллигидан ҳам воз кечиб, одамларга киришиб кета олади, турли стресс ҳолатларда ирода кучини ишга солиб, вазиятни енгиб чиқа олади.

Боуэн оиладаги ўзаро муносабатлар тизимини тасаввур қилиш учун фанга “эмоционал учбурчаклик” тушунчасини киритди. Унга

кўра, оила тизимини, унинг пойдеворини ташкил этувчи асосан уч инсон ёки субъект бўладики, бошқа муносабатлар уларнинг вазиятни назорат қилишлари, у ёки бу вазиятларда ўзларини қандай тутишларига бевосита боғлиқдир. Агар оила фақат диада типли ўзаро муносабатларгагина таянган бўлса, хавфли, таранг вазиятларда улар ўртасидаги муносабатларнинг салбий томонга ўтиб кетиш эҳтимоли юқори бўлади, яъни, масалан, эри билан урушиб қолган хотин учинчи ҳимоячини излайди. Мободо оилада яна учинчи шахс, масалан, фарзанд бўлса, бу тарангликнинг кучи у қадар сезилмайди. Агар оилада битта эмас, бир неча фарзанд бўлса, улардан бири ота-онага кўшилиб, ўша эмоционал учбурчакни ташкил этади, айниқса, ўсмирлик даври қийинчиликларини бошидан кечираётган бошқа оила аъзосини тарбиялашда улар уч киши бўлиб, унга ёрдам қўлини чўзишлари мумкин бўлади.

Боуэн турли тоифали муаммоли оилаларни таҳлил этиб, улардаги зиддиятларнинг асл сабаби – ана шу каби эмоционал учбурчакликнинг ҳосил бўла олмаганлигида, деб хулоса қилади ва шу нуктаи назардан оилалар типини қуйидагиларга ажратади:

Эр ва хотин узоқ вақт мобайнида ҳам бир-бирига кўника олмаётган, муносабатларини ойдинлаштира олмаган оила тури. Улар эмоционал учбурчак доирасида ўзаро муносабатларда бир-бирларини айблаш, камчиликларини топиш билан овора бўлади, лекин муносабатларига сира болаларни аралаштирмайди. Боуэннинг фикрича, агар шундай таранг муносабатларга фарзанд аралашса, учаласи ўртасида яхши, илик муносабатлар вужудга келса, бундай оила мустаҳкам бўлиши мумкин. Акс ҳолда, ота-онадан айри равишда бола яшаши, ривожланиши мумкин, ҳаттоки, унинг психикасига бундай кемтиклик унчалик зарар етмаслиги ҳам мумкин, лекин оила оиладай бўлмайди.

Натижада бундай оилада иккита “ёлғон, яширин “Мен”лар пайдо бўлади, бир шахс иккинчиси устидан тўла ҳукмронлик қила бошлайди. Бундай никоҳлар одатда мустаҳкам бўлишига қарамай, уни ташкил этувчилардан бири – тобе “Мен” турли психосоматик ва руҳий касалликларга чалиниб боради, фарзандлар ҳам шу муносабатларга кўникиб бораверади. Айтиш жоизки, ўзбек оилалари орасида айни мана шу тоифа оилалар кўп.

Бу баъзан оилавий низоларга сабаб бўлишим мумкин. Масалан, агар бола ё ногирон, ёки ягона, эрка фарзанд бўлса, барча нуқсонлар унинг шу мақомига боғлиқ тарзда намоён этилаверади, онанинг

камчилиги боланинг ночорлиги ёки эркалатиб юборганлик ниқоби остида яширилади. Бошқа болаларга хос бўлган у ёки бу муаммо ҳам айна шу бир бола туфайли пайдо бўлгандай тасаввур этилади.

Боуэн амалга оширган таҳлиллар Америка муҳитидан олингандай туюлса-да, оила универсал ижтимоий институт сифатида барча худудларда ҳам умумий, ҳам худудий қонуниятларга бўйсунгани сабабли, юқорида қайд этилган ҳолатлар ва оила типлари бизда ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам биз мисол тариқасида бир нечта назарий ҳамда амалий ёндошувларни кўриб чиқдик. Ўзбекистондаги оилаларнинг миллий ўзига хослиги бўлишига қарамай, инсоният тараққиёти мобайнида шаклланган ижтимоий институт сифатида унда ҳам универсал, умуммиллий жиҳатлар ва улар бўйсунадиган қонуниятларнинг мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

2-боб. Оила психологияси фан сифатида

2.1. Оилавий ҳаёт психологиясининг фанлар тизимида тутган ўрни

Оила психологияси ижтимоий психологиянинг бир тармоғи сифатида XX асрнинг охирларига келиб шакллланган. XXI асрга келиб эса унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва жамият маънавиятини барқарорлаштиришдаги роли янада сезила бошлади. Зеро, дунёнинг қатор мамлакатлари, жумладан, ривожланган давлатларда ҳам оила ва никоҳ муносабатларидаги бўҳрон, психотерапевтлар ёрдамига муҳтожлик каби ҳолатлар ушбу масканининг муаммоларини ўрганиш ва шу йўналишда мақсадли тадқиқотлар, илмий-амалий тадбирларни амалга ошириш лозимлигини уқтирмоқда.

Оилавий муносабатлар психологияси ва ушбу масалага қарашлар тарихидан шу нарса аён бўлдики, инсон, унинг ким билан ва қандай яшаши муаммосига қизиқиш қанчалик узоқ ўтмишга бориб тақалса, оила психологиясининг фан тармоғи сифатида шаклланиши шунчалик навқирон ва ёш бўлиб, унинг шаклланиши янги даврга тўғри келади.

Оила психологияси фан сифатида оиланинг ижтимоий институт мақомидаги фаолиятининг объектив қонуниятларини, оила-никоҳ ҳамда қариндош-уруғчилик муносабатларининг механизмлари ва турмуш тарзига оид конкрет вазиятларда оила аъзолари ижтимоий ҳулқининг намоён бўлишини ўрганади. Ижтимоий психологиянинг амалий тармоғи сифатида у никоҳга оид установакаларни, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг – меҳрибонлик, ғамхўрлик, ҳамдардлик, ҳамжихатлик, тобелик, бўйсунуш, етакчилик каби ўзига хос қирраларини, оилавий роллар тақсимотиво ва ўзаро таъсирнинг жинсга оид қонуниятларини, ота-она ва фарзандлар, яқин қариндош уруғлар ўртасидаги ҳиссий-эмоционал боғлиқликни, оилавий рўзғор юритиш ва турмуш тарзини ташкил этишга боғлиқ бўлган психологик жараёнларнинг кечишини тадқиқ этади, ўрганади. Оилавий ҳаёт психологияси, шундай қилиб, инсонларнинг қандай қилиб ўзаро қовушишлари, биргаликда яхши ният билан оила – рўзғор юритишлари, баҳамжихатликда ҳаёт кечиришларини ўрганувчи фан тармоғидир. Ҳар бир оила конкрет давр, вақт, замон ва

маконда мавжуд бўлганлиги сабабли, у авлодлараро боғлиқлик, маънавий мерос, миллий анъаналар, урф-одатлар ва расм-русмларни сақловчи ноёб инсоний уюшмадир. Шу институт бўлгани сабабли, ҳар бир миллат, элат ва халқларнинг ноёб удумлари асрлар оша сақланиб келмоқда. Умуман, никоҳ деб аталмиш қадриятнинг мавжудлиги ва унга авлодларнинг эътиқод қилиши ҳам оиланинг муҳим вазифасидир.

Ижтимоий психология оила психологиясини ўрганганда, унга жамиятнинг бир бўғини, кичик ижтимоий гуруҳ сифатида қарайди. Шу сабабли ҳам конкрет изланишларда унинг пайдо бўлиши, мавжудлигига асос бўлувчи омилларни ва тугаши билан боғлиқ ҳолатларга эътиборни қаратади. Зеро, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар бир қарашда эмоционал хиссиётларга асосланганга ўхшаса-да, аслида бир инсоннинг иккинчисига кўнгил қўйиши, танлаши, биргаликда умр кечириши жараёни ижтимоий-психологик қонуниятларга тўла бўйсунди. Айрим олимлар, масалан, француз тадқиқотчиси Ле Пле ўз вақтида оилада соф психологик қонуниятлардан ташқари, рўзгорни бошқариш, фарзандлар сони ва таркибига кўра оила бюджетининг ўзгаришларини инобатга олиб, уни ижтимоий иқтисодий қонуниятлар маскани деб аташни ҳам таклиф этган. Унинг фикрича, оилавий ўзаро муносабатлар ниҳоятда ўзгарувчан бўлиб, улар замон ва давр таъсирида, оила аъзоларининг сони ва сифатига боғлиқ тарзда тинимсиз сифат ўзгаришларини бошдан кечиришини, ҳаттоки, эр-хотин ўртасидаги одатий муносабатлар йиллар тазйиқи, жамият нормалари, саноатнинг ривожига ёки маънавиятнинг таназзули таъсири остида бошқача тус олиши мумкинлигини, ота-она – бола муносабатлари тизими, бунда ҳаттоки, отанинг авторитети ҳам ўзгариб бориши, яқин қариндошлар ўртасидаги психологик масофа йиллар ўтиши муносабати билан узоклашиб қетишини таъкидлайди.

Хориж мамлакатларида оилавий муносабатларга қизиқиш ўтган асрнинг бошларида кескин ошди. Таниқли тадқиқотчи олимлар У.Жемс, Ч.Кули, У.Томас, Ф.Знанецкий, Ж.Пиаже, З.Фрейд кабилар оиланинг даврасида рўй берадиган шахслараро муносабатларнинг характерига алоҳида эътибор беришиб, бир шахснинг бошқа бир шахс таъсирида қандай қилиб, ўз сифатларини такомиллаштириши, ўзгартириши, тарбияланиши каби қатор масалаларни ўргандилар. Натижада, бу борада олиб борилажак илмий изланишларнинг нақадар муҳимлиги ўз навбатида жамоатчиликнинг диққат-эътиборини

тортди. Олимлар оила борасида ўтказиладиган тадқиқотлар ва унда қўлланиладиган усулларнинг ноёблигини таъкидлашиб, оила тадқиқотларида риоя этилиши зарур бўлган одоб нормалари ҳақида ҳам фикр юритганлар. Масалан, америкалик социолог Р.Хилл ва бошқалар оила ва никоҳ муаммосини ўрганишнинг сермашаққат иш эканлигини таъкидлаб, усулларни танлаш ва респондентлар билан ишлаганда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида ёзган:

а) тадқиқот учун шундай методикаларни, изланиш воситаларини топиш лозимки, токи у билан респондентларга мурожаат қилинганда, оилавий ҳаётга зиён этмасин, тадқиқотчи кетгач, эр-хотин муносабатлари бузилмасин;

б) тадқиқотда оила аъзолари бевосита қатнашиши ҳисобга олинса, ушбу жараён уларнинг нафақат ўзаро муносабатларига, балки психологик ҳолатлари ва кайфиятларига ҳам салбий таъсир этмасин;

в) тадқиқотчи ҳам тирик инсон бўлгани сабабли, унинг оилага кириб келиши, уйдаги турмуш тарзига, одатлар, ўзаро яқинлик алоқаларига путур етказмасин.

Дарҳақиқат, барчамиз учун жуда яқин ва танишдек туюлган оила ва никоҳ масалалари билан шуғулланадиган олимларга, оила психологи ёки педагоги бўлиб фаолият юритувчиларга ташқаридан кузатувчилар улар ишини осондай тасаввур қилишади. Лекин минг афсуски, ундай эмас. Чунки мактабда таълим олаётган боланинг хулку-одоби ҳақида ота-она билан суҳбатлашиш ҳам осон эмас, зеро, ота-она ишдан чарчаб келгач, хонадонда биринчидан, боласининг ўқитувчисини кутмайди, қолаверса, минг меҳмоннавоз, сертакаллүф инсон бўлса ҳам ўқитувчининг кутилмаган ташрифидан чўчиш, норизолик, “нима деркин болам ҳақида” деган шубҳа, ҳадик бўлиши табиий. Худди шундай, оилавий муносабатларга тааллуқли илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчининг ҳар қандай оилага ташрифи хонадон эгаларига ёқавермайди. Қолаверса, агар респондентларга тақдим этилаётган сўровнома ёки тест ўзаро муносабатларга, айниқса, Ўзбекистон шароитида қайнона-келин муносабатларига ёки эр-хотиннинг яқин муносабатларига оид бўлса, тадқиқотчи кетгач, оила аъзолари ўртасида “ким таклиф этди, нима мақсадда?” қабиладаги сўровлар, “терговлар”нинг бўлмаслигига ким кафолат беради. Шу боис ҳам ҳамини бизнинг шароитимизда оилавий муносабатларга оилада тадқиқотлар ўта одоб нормаларига бўйсундирилиши, муаммонинг нимада эканлигини аниқ, самимий

иборалар воситасида тушунтира олиш маданияти катта аҳамият касб этади. Бунда тадқиқотчининг қўлидаги илмий “қуроли” – методикалари ҳам катта аҳамият касб этади.

2.2. Оилавий психологиянинг тадқиқот методлари

Оила психологиясининг асосий методларига қуйидагилар киради:

Кузатиш методи. Оилавий муносабатларни кузатиш деб оилавий ва турмуш вазиятларида одамларнинг ташқи хулқ-атворини идрок этиш ва мунтазам қайд этиб боришга боғлиқ фаолиятга айтилади. Одатда тадқиқот ўтказаятган психологнинг кузатаётганлигини оила аъзолари билмасликлари, сезмасликлари керак. Кузатув натижаларини қайд этиш аниқ кўрган-кечирганларни қандай бўлса шундайлигича ёзиб бориш ёки эсда сақлаб қолиб, кейин ҳеч бир субъектив хулоса ёки таҳлилсиз дафтарига белгилаб бориш тарзида кечади.

Конкрет вазиятларни таҳлил қилиш методи. Оила муҳитида ёки ҳаётини шароитларда рўй берган воқеа-ҳодисаларни қайд этиш унга комплекс ёндашувни талаб этади. Бунда ўрганаётган шахс тестлар ўтказиши, оила аъзоларининг биографик маълумотларини таҳлил этиши ёки аниқ мақсадли сўров ўтказиши мумкин.

Сўров методи. Одатда психолог бир хонадонга кириб, ҳаммадан бирдан сўров ўтказа олмайди, у ким билан қачон ва қандай мақсадда сўров ўтказиши лозимлигини аниқ билиши ва олдиндан танловни белгилаб қўйган бўлиши лозим. Одамлар танлаб олинган, сўровномага киритилган ҳар бир саволнинг ифодаланишига эътиборни қаратиш лозим. Чунки бир шахсга жуда осон ва аниқдай туюлган савол бошқа бир шахс учун қийин, ноқулай, мавҳум бўлиб туюлиши мумкин. Масалан, саволнинг мазмунини тушунишда уйда ўтирган бека билан оила аъзоси бўлган педагог аёл ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Сўров одатда бевосита юзма-юз кўришиб ўтказилиши, телефон орқали ёки почта орқали юборилган ёзма саволнома тарзида ўтказилиши мумкин. Оила психологиясида сўровномалар тарқатиш орқали одамларнинг фикрлари, муносабатларини аниқлаш кенг тарқалган.

Эксперимент. Ушбу усул ёрдамида бир омил таъсирининг бошқа бир омил ёки ҳолатнинг келиб чиқишига туртки бўлишини аниқлаш мумкин. Одатда оилавий муносабатлар динамикасини

ўрганишда, у ёки бу ходисалар ёки омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда эксперимент усулидан фойдаланилади. Бунда бир неча хонадон экспериментал, яъни синов ўтказилаётган гуруҳ ҳисобланса, бошқалари назорат гуруҳи сифатида сақланади, экспериментдан сўнг, олинган натижалар иккала гуруҳ мисолида қиёсланади. Чунки бундай таққослаш ўтказилмаса, эксперимент ўтказилган гуруҳдаги ўзгаришларнинг салмоғини қайд этиш мушкул бўлади. Республика “Оила” илмий-амалий маркази олимлари 2006 йилда мамлакатимизнинг айрим худудларида танлаб олинган гуруҳларда ўзига хос эксперимент ўтказишган: маҳаллада “Оила университетлари” ёки “Ота-оналар университетлари” ташкил этиб, эксперимент олдида университет тингловчиларининг қатор масалаларда оилавий установақаларини қайд этганлар, сўнгра аниқ дастур асосида 6 ой мобайнида машғулотлар, давра суҳбатлари, маърифий тадбирлардан сўнг яна ўша сўровнома орқали улар фикрлари ўрганилиб, натижалари мониторинг қилинганда, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги қайд этилган. Бу ҳам ўзига хос эксперимент бўлиб, муайян мақсад ва натижани кўзлайди.

– *Статистик методлар.* Математик статистиканинг қатор усуллари эмпирик изланишлар давомида қўлга киритилган маълумотларнинг қай даражада илмий жиҳатдан асосланганлигини исботлаш мақсадида қўлланилади. Айниқса, бир ҳодиса ёки ҳолатнинг бошқа бир ҳолат ёки ҳодисанинг оқибати, сабаби эканлигини исбот этиш учун статистик методларни қўллаш барча тадқиқотларнинг талабларидан биридир. Масалан, оила аъзоларининг бирор қадриятларга нисбатан муносабатларида яқинлик, ўхшашлик борлигини исботлаш учун кореляцион методлардан фойдаланилади. Масалан, *Спирменнинг* ёки *Кэндаллнинг* корреляция коэффициентларини ҳисоблаш усуллари бундай шароитларда жуда қўл келади. Ёки олинган эмпирик рақамларнинг ишончлилиги ва математик жиҳатдан тўғрилигини исботлаш мақсадида тадқиқотчилар *Стьюдентнинг t* – мезонини қўллайдилар. Бундай ёндашув олимнинг меҳнати асосланган, маълумотлари ишончли эканлигини тасдиқлайди.

2.3. Оилавий муносабатларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари

Юқорида таъкидланганидек, оила ва никоҳ масалаларини ўрганиш бир томондан осон, жўнга ўхшаса, иккинчи томондан, ўта мураккаб ва нозикдир. Бу ҳолат оила психологияси бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг ўзига хос методологик жиҳатларини ажратишни тақозо этади. Аввало, бу ўринда *оила ва никоҳ* тушунчаларининг ўзига илмий таъриф бериш лозим. Эски фалсафий луғатларда “Оила – бу жамиятнинг ячейкаси (кичик ижтимоий гуруҳ), эр-хотинлик ҳамда ота-оналик муносабатларини тиклаш орқали шахсий турмуш тарзини ташкил этишнинг муайян кўриниши, яъни, бир ерда умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-оналар ва фарзандлар, ака-укалар ва опа-сингиллар ҳамда бошқа қариндошларнинг биргаликда яшашини ифодаловчи муҳим бўғин”¹ деб таъриф берилган. Бу каби таърифлардан оиланинг 4 та муҳим тавсифи келиб чиқади:

- 1 Оила – жамиятнинг бўғини (кичик ижтимоий гуруҳ);
- 2 Оила – шахсий яшаш тарзини ташкил этиш шакли;
- 3 Оила – эр-хотинларнинг бирлашуви;
- 4 Оила – эр-хотинларнинг бошқа яқин қариндош: ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, момолар ва боболар, фарзандлар ва уларнинг фарзандлари билан кўпқиррали муносабатлар ўрнатиш имконияти.

Тадқиқотларда энг муҳим методологик тамойил шундан иборат бўладики, оилани ўрганаётган шахс уни оддий оила аъзолари йиғиндиси сифатида эмас, балки барча оила аъзолари ўртасида мураккаб ва серқирра муносабатлар тизими мавжудлигини, улар ҳар бир аъзонинг беражак жавобларида акс этишини унутмаслик керак. Яъни оила ва ундаги муносабатлар ҳаминша ташки психологик таъсири комида бўлади. Унга кичик ижтимоий гуруҳ сифатида қараш эса кичик гуруҳга хос бўлган деярли барча ижтимоий-психологик қонуниятларнинг борлиги ва улар ҳар бир оила аъзосининг мақомини белгилашини инобатга олишни тақозо этади. Аслида умуман жамият микёсида олиб қаралганда, оила, айрим олимлар (Г.М.Андреева, А.И.Захаров, В.С.Торохтий, Н.Я.Соловьева ва бошқалар) нинг ҳақли

¹ Философский словарь / Под ред. И.Т. Фролова.-М., 1980 – С. 326

этироф этишлари бўйича, бу – бирламчи гуруҳдир.¹ Яъни, бирламчи гуруҳга хос бўлган эмоционаллик, муносабатларда расмийлик ва норасмийликнинг уйғунлашуви, ижтимоий-психологик муҳитнинг инсоний муносабатларга боғликлиги ва ҳоказолар оилавий муносабатларга ҳам хосдир.

Шу боис ҳам оила йўналишида ўтказиладиган тадқиқотларда унинг ижтимоий гуруҳ сифатида ўзигагина хос бўлган сифатлари, хусусиятлари борлигини унутмаслик лозим. Булар куйидагилар: бир эмас, бир неча умумий мақсадларнинг бўлиши; яъни, агар меҳнат жамоасида аъзоларни бирлаштирувчи ягона мақсад тан олинса, оилада бундай мақсадлар бир нечта ҳам бўлиши мумкин ва улар оилавий ҳаёт мобайнида ўзгариб ҳам туради. Масалан, яхши ният билан биргаликда яшаш мақсадига кейинчалик соғлом фарзанд кўриш, ўғил бола бўлса, суннат тўйи қилиш, фарзандни мактаб таълимига тайёрлаш, тўй қилиш, уйлантириш каби қатор йирик мақсадлар ва орзу-хаваслар пайдо бўлаверади, оилавий ҳаётнинг мазмуни ва унинг жозибаси ҳам ана шу каби мақсадлар ва уларни амалга оширишда эр-хотин иноқлиги, ҳамфикрлиги билан белгиланади;

Оила аъзолари манфаатлари, кизиқишлари ва интилишлари муайян тафовутлар ва келишмовчиликларнинг табиий ҳолат эканлиги; айниқса, бу оилада катта авлод вакилларининг тартиблари билан уларнинг фарзандлари ўртасидаги зиддиятларда ҳам ифода этади (авлодлараро зиддият), кўп ҳолатларда бу каби тафовут ёки зиддиятлар конструктив характер ҳам касб этади;

Алоҳида яшайдиган оилада эр-хотин муносабатларининг бошқа муносабатларга сезиларли таъсири, масалан, фарзандларнинг тарбияланганлик даражасига;

Аилавий муроса ёки ҳамжихатликка бошқа қариндошлар, масалан, кексаларнинг таъсири;

Оила аъзолари ўртасида ҳамкорлик фаолияти ва унинг самраси унчалик сезилмаслиги, масалан, оилада эрнинг ўз ўрни ва машғулотлари, аёлнинг ўз ўрни ва вазифаларининг бўлиши ва ҳар доим ҳам бирга бир ишни кўшилиб кетмаслик. Оилавий хашарлар ёки бошқа тадбирлар бундан мустасно;

Муомала ва ўзаро ҳурмат нормаларининг катта аҳамиятга эга эканлиги, ҳамиша бир-бирининг кўнглига қарашнинг оила

¹ Торохтий В.С. Осноциально-психологического обеспечения социальной работы с семей.-М., 2000

мутахкамлиги омили эканлиги;

Оилада ўзаро сир, яширин, хуфёна ишларнинг оилвий муносабатларга салбий таъсири.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар оила тадқиқотларини ўтказувчиларни соф ижтимоий гуруҳларда ўтказиладиган изланишларга қўлланиладиган тамойиллардан бироз чекинишларини талаб қилади. Яъни, оила ўзига хос инсоний муносабатлар мужассам бўлган ноёб маскандир.

Никоҳ эса эр-хотин ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган ижтимоий институт бўлиб, Ўзбекистонда никоҳ муносабатлари 1998 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Оила Кодекси” билан қатъий белгиланади. Бевосита никоҳ борасида тадқиқот олиб борувчилар ва ушбу соҳада ўзгаришлар қилишни ният қилганлар. Аввало, ушбу қонун ҳужжатини яхши билишлари ва унинг миллий қонунчилигимиз нормалари доирасида амал қилинишини таҳлил эта олиши зарур. Қонуний никоҳ ФХДЁ бўлимлари орқали расман қайд қилинган тақдирдагина эр ва хотин ва уларнинг фарзандлари ўртасида серкирра ўзаро муносабатлар тартибга солинган, хотиннинг ва у туққан фарзанднинг барча ҳуқуқлари, жумладан, мол-мулк ва моддий неъматларга нисбатан муносабатларлари қонунийлаштирилган ҳисобланади. Айна шу маънода оила аъзоларининг ҳаётий мақомлари ва муносабатларини қуйидаги схемада тасаввур этиш ва таҳлил этиш мумкин:

Ички назорат – ташқи назорат;

Эгоизм – социоцентризм (худбин ёки саҳоватлилик);

Ижтимоий нормаларга бўйсунувчан – фақат ўзини ўйлайдиган;

Зиддият ва қарама қаршилиқларга нисбатан муросасозлик – уларни рад этиш;

Ўзига ишонч – ишончнинг йўқлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, оила-никоҳ муносабатларини ўрганганда ушбу тамойилларни назарий-методологик асос сифатида қабул қилиш мумкин.

2.4. Жинсий фарқлар психологияси: гендер тадқиқотларнинг хусусиятлари

Президентимиз И.А. Каримов раҳнамолигида ҳукуватимиз томонидан оила, давлат ва жамият қурилишларида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2004 йил 25 майда имзолаган “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисидаги” Фармони ва ҳукуватнинг бу борада 299-сонли қарори қабул қилиниб, уларда ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, психология фани олдига долзарб муаммо сифатида гендер муаммоларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишни йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақил сиёсатига эга бўлган мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган, хусусан, оила ва хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда юртимизда гендер тенгликни кафолатлаган давлатлар сирасига киради. Жумладан, Ўзбекистон 1995 йилдаёқ “Хотин-қизлар камситилишининг барча кўринишлари олдини олиш бўйича CEDAW Конвенция”сини ратификация қилган ва бу борадаги халқаро талабларни, ушбу йўналишда Миллий ҳаракат дастурини босқичма-босқич бажариб келаётган мамлакатдир. Албатта, фуқаролик жамиятини бирдан, бир кунда қуриб бўлмаганидек, юртимизда гендер тенглик қонунан тўлиқ кафолатланганлигига қарамай, амалда эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлашда муайян қийинчиликлар йўқ эмас. Бу, бир томондан, миллий анъаналаримиз, урф-одатлар ва жамиятимизда жинслараро тенглик масаласига қарашлардаги ўзига хослик билан тушунтирилса, иккинчи томондан, қонунлар, жумладан, халқаро нормаларнинг бутун ер юзидан бирдан ва сўзсиз ижросини таъминлашнинг имкони йўқлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари жамиятда гендер тенглигини таъминлашда тараққиётдаги тадрижийлик ва ривожланишнинг босқичма-босқич рўй беришини инobatга олган ҳолда одил сиёсат юритади. Бу каби масалаларни ечишда аввало, келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларда тўғри тасаввурлар ва билимларни шакллантириш, шу орқали жинслараро мулоқотга ва оилавий ҳаётга тайёрлаш давримизнинг энг

долзарб муаммоларидан биридир.

Давр талабидан келиб чиқаётган бу вазифа ўзбек психологлари олдига қатор муаммоларни қўйиш билан биргаликда улардан гендер муаммолари, жинсий тафовутлар масаласига илмий жиҳатдан ёндошишни тақозо этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўғил ва қизларнинг ижтимоий тасаввурларида жинсий тафовутларга оид тушунча, билим ва кўникмалар, стереотиплар энг аввало оилада шаклланади. Шунинг учун ҳам оила психологияси доирасида айнан жинсий тафовутлар ва гендер муаммолари ўрганилиши ва амалиётда қандай эканлиги тадқиқ этилиши керак.

Гендер психологияси – психология фанининг бир соҳасидир. Бошқа соҳалар сингари у ҳам ўз тарихига эга. Аммо бу тарихни ХХ асрнинг 70 йилларидан бошлаб ўрганиш ноўрин деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, уни феминизм меваси дейиш ҳам нотўғри. Бирок фаннинг асосий хизмати замонавий психологик муаммоларга жамоатчилик фикрининг жалб қилиниши ҳисобланади.

“Гендер” атамаси (ижтимоий жинс, маданият маҳсули) пайдо бўлганига кўп бўлмаган бўлса-да (1975 йил), фанда илгари ҳам бир қатор ғоя ва изланишлар мавжуд бўлиб, биз уларни ҳеч иккиланмай психологиянинг ушбу соҳасига алоқадор деб билишимиз мумкин. Фан тарихида 5 босқични ажратиш кўрсатишимиз мумкин:

1) тегишли ғояларнинг фалсафий нуқтаи назардан ишлаб чиқилиши (қадимги даврлардан XIX аср охиригача);

2) гендер психологиясининг предмети ва бўлимларининг шаклланиши (XIX аср охири ХХ аср боши);

3) психоанализ З.Фрейд номи билан боғлиқ “Фрейд даври” (XX аср боши 1930 йил);

4) йирик экспериментал тадқиқотларнинг бошланиши ва илк назарияларнинг пайдо бўлиши (1950–1980 йиллар);

5) гендер психологиясининг жадал суръатда ривожланиши: экспериментал тадқиқотлар, эмпирик фактларнинг назарий таҳлил қилиниши, маълум метод ва етодикаларнинг адаптацияси ва махсус гендер методикаларнинг яратилиши (1990 йилдан шу давргача).

Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар ва турли йўналиш вакиллариининг феминизм ва жинслараро тафовутлар тўғрисидаги фикрларини умумлаштириб, шунини эътироф этиш мумкинки, иккита асосий шарт аниқланганда, жинсий тафовутлар борлиги тасдиқланади:

а) жинсий тафовутларнинг реаллигини эркак ва аёлдаги у ёки бу

психик хусусиятлар мавжудлигини тасдиқловчи фарқ камида 10 % ва ундан юқорини ташкил этгандагина тан олиш;

б) ҳеч бўлмаганда, бир жинс 20 % дан кам бўлмаган кўрсаткични намойиш этган натижаларнигина ўрганиб чиқиш, яъни, бу – эркак ёки аёлда қайд этилган шахсий хусусиятлар ёки хулққа тўғри тавсифнома берилганини камида 5-6 нафар текширилаётган инсонлар ёки экспертлар бир овоздан маъқуллашгандая. Яъни методологик нуқтаи назардан, жинсий тафовут бор эканлиги ушбу статистик қоидалар риоя этилгандагина тан олинади.

Мишель Палудининг ёзишича, бугуги кунда гендер психологияси соҳасида асосан андроцентриқ қарашлар устиворлиги кузатилмоқда. Яъни, иккала жинс вакилида ҳам бир-биридан томоман фарқ қилмайдиган, иккаласида ҳам кузатиш мумкин бўлган психологик хусусиятлар кузатилмоқдаки, бу уларнинг энг аввало оила ва никоҳ масалаларидаги қарашлар уйғунлигидан келиб чиқади. Лекин методологик жиҳатдан олимнинг таъкидлашича, барибир, айнан аёлга хос сифатлар нормаси ҳақида гап кетганда, барибир улар эркак сифатларининг стандарти асосида таҳлил этилади.¹ Аслида дунё микёсида ахлоқ, муваффақиятларга интилиш мотивацияси кабилар ўрганилганда, асосан бу масалалар эркаклар ва ўғил болалар мисолидагина ўрганилади. Агрессия бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг 50 фоизида фақат эркаклар, 10 фоизида аёллар, қолган 40 фоизида ҳам аёл, ҳам эркаклар биргаликда иштирок этган. Умуман, хорижда ўтказиладиган психологик тадқиқотларда кўпроқ эркаклар синалувчилар сифатида иштирок этиши ҳам ўзига хос ҳолатдир. Бизда эса психологик ҳамда социологик тадқиқотларда иккала жинс вакиллари тенг ёки аксарият оила тадқиқотларида қизлар ва катта ёшли аёллар қатнашадилар.

Америкалик тадқиқотчи Дэвид Майерс² жинс, генлар ва маданият масалаларини ўрганар экан, гендерни – эркаклик ва аёллик хусусиятларини тавсифловчи тушунча сифатида, Палудидан фарқли, жинсий тафовутларни ўрганиш хотин-қизларнинг эркакларга нисбатан анчагина масалаларда устунликка ҳам эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, аёллардаги тажовузкорлик, агрессиянинг камлиги, ўзгаларга ғамхўрлик ва ўзгалар ташвишларига нисбатан бефарқ бўлолмаслик, ҳамдарликлари айнан уларнинг

¹ Мишель Палуди. Психология женщин. – СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2003. – С. 14.

² Майерс Д. Социальная психология. Интенсивный курс. – СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002. – 512 с.

жамиятда тутган фойдали мавқеларини белгилаши мумкин. Айнан аёллар, бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, инсонлар билан бўладиган муносабатларда илиқлик, яқинлик тарафдорларидир (Nancy Chodorow, Jean Baker Miller, Corol Gilligan ва бошқалар).

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, жинсий тафовутлар айнан ёшлик чоғиданок намоён бўла бошлайди. Ўғил болалар, масалан, ёшликданок мустақилликка интилса, қиз болалар ўзаро боғлиқликка, кимлар биландир бирга бўлишга интилади. Агар ўғил бола кўпроқ кўпчилик иштирок этадиган ўйинларни афзал кўриб, кўчага чопса, қизлар кичикроқ тенгқурлар гуруҳида жипсликда ўйнашни, ўйин чоғида ҳам бир-бирларига ҳамдардлик кўрсатиш, тушунишга интилади, агрессия улар мулоқотида кам бўлади (Lever, 1978).

Инсон улғайган сари жинсий тафовутларнинг намоён бўлиш кўлами ҳам кенгайиб боради. Буни таъкидловчи тадқиқотлар хорижда, Россияда ва МХД мамлакатларида кўплаб ўтказилган. Уларда хотин-қизларнинг эрларидан фарқли жуда кўп жиҳатлари ажратилиб, уларнинг ташқи ижтимоий муҳитга муносабатлари – ҳамдардликлари, ўзгалар билан мулоқотга интиқликлари, муомалада ўзига хос тактикага эга эканликлари каби ўнлаб йўналишлар экспериментларда исботланди. Масалан, Eagly ва Johnson (1990) изланишларида одамлар билан муомалада эркаклар кўпроқ авторитарликни, хотин-қизлар эса демократизмни намоён қилиши исботланган. Бошқарувда эркакларга дўқ қилиб, директив оҳангда бошқариш, қарорлар қабул қилиш маъқулроқ бўлса, аёлларга – “команда, жамоа руҳи” билан жамоатчи лидер бўлиш осонроқдир.

Rossi ва Rossi (1990) тадқиқотлари оилага нисбатан гендер установакаларга бағишланган бўлиб, аёллар – оналар, опалар, қизлар ва бувилар тасавурида оила бу муайян яхлитлик, бирлик рамзи эканлиги ва шунинг учун ҳам асосан вақтларини фарзандларига, айниқса, улар мактабгача ёшда бўлган вақтларида ҳамда кексайган инсонларга бағишлаши мумкинлиги ўрганилган. Туғилган кунларга ҳам аёллар эрларидан фарқли кўпроқ совға-салом, откриткалар харид қилиши, бу ишларга бемалол пул сарфлайвериши мумкин. Фотосуратларга қараб, ўзини ўзи баҳолаш вазифаси берилганда, айнан аёллар ўзларини оила аъзолари даврасида акс этган фотосуратларда алоҳида меҳр ва жиддийлик билан тавсифлай олганлар. Яъни оилага нисбатан установака хотин-қизларда ҳаминша ижобий образга эга.

Ўзбекистонда ҳам гендер масаласи кўпинча оила муаммолари доирасида ўрганилиши анъанага айланган. Қатор тадқиқотларда (Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, И.Ёқубов, Б.Қодиров, С.Мирхосилов, Э.Усмонов, Н.Соғинов, Ғ.Акрамова, Л.Каримова, Н.Салаева, О.Шамиева, О.Абдусатторова ва б-қ.) оилавий ҳамда шахслараро ўзаро муносабатлар доирасида алоҳида аҳамият касб этган гендер тафовутлар ўрганилган.

Муаллифнинг оила ва оилавий муносабатларнинг ижтимоий-психологик омиллари ва оқибатларига бағишланган асарларида оилада ёшларни гендер муносабатларга тайёрлаш муаммоларига¹, гендер тасаввурларнинг шахс тарбиясидаги ўрни (2006) каби масалаларда эътибор қаратилган. Бизнинг охириги тадқиқотларимизда² эр-хотин ва оиладаги сиблинг муносабатларнинг бола шахсига таъсири, жумладан, эркаклик ва аёллик фазилатлари шаклланишидаги ўрни ўрганилган, илмий хулосалар чиқарган.

Бу каби ота-она муносабатларининг фарзандларга гендер таъсири муаммоси М.Салаева (2005) тадқиқотларининг ҳам предметиға айланган. Жумладан, у қўлга киритган хулосалардан бири, “ўзбек оилаларида оналарнинг оталарга нисбатан фарзандларга ўта ғамхўрлиги, яъни уларни кийинчиликлардан сақлаш, зиён етказиб қўйишдан қўрқиш, фарзанднинг ўзига боғланганлиги ва тобелигини рағбатлантириш, уларда шахвонийлик ва тажовужкорликни босиш каби хусусиятларнинг кучлиги, оналарда оталарга нисбатан демократиклиқнинг кучлиги исботланган”³.

Гендер тафовутларга бағишланган айрим тадқиқотлар рекламадаги аёллар ва эркаклар образи (А.Дударева, 2003), ўғил ва қиз болаларнинг образидан фойдаланиш самараси (В.Каримова, 2006, С.Абидов, 2006), эр ва хотинларнинг реклама қилинган махсулотларга жинсга оид ўзига хос муносабатлари (Л.Каримова, 2003, 2004) каби масалаларга бағишланган. Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган эмпирик маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, реклама соҳасида катталар ва болалар образидан кенг фойдаланилади, лекин уларни идрок қилиш ва харидорлик

¹Каримова В. Оилада ёшларни гендер муносабатларга тайёрлаш муаммолари // “Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол” мавзусидаги Респ. илмий-амалий анжумани материаллари – Т.: 2002. – Б. 30-33.

²Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.: 2006. – 142 б.

³Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психол.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2005. – Б. 18.

установкаларида аниқ равшан жинсий тафовутлар мавжудир (В.Каримова, С.Абидов, 2005, 2006). Айниқса, бола образи акс этирилган рекламанинг кизлар ва ўғил болалардаги жинсий идентификацияга бевосита таъсири алоҳида ўрганилса, бизнинг фикримизча. маълумотларнинг тадқиқий аҳамияти янада кучли бўлар эди.

Л.Каримованинг Ўзбекистонда ўтказган тадқиқотида оиланинг даромадига кўра кимнинг реклама маҳсулотларининг истеъмолчиси эканлигидаги жисний ўзига хосликлар аниқланган. Масалан, у ўз тадқиқоти мобайнида 50 та эр-хотинлар жуфтлиги ўртасида сўров ўтказиб, замонавий оилада кўпчигина масалаларда хотин-кизларнинг фикри етакчи эканлигини аниқлаган (Л.Каримова, 2004). Масалан, “Оилангизда ким пул маблағларини тақсимлайди?” деб берилган саволга эркекларнинг 73%и ва аёлларнинг 51% “мен зим” деган жавобни беришган. Лекин “Кунига уй учун бирор нарса харид қилишга тахминан қанча вақт сарфлайсиз?” деган саволга эса, эркекларнинг 69%и “билмайман” жавобини берган бўлса, аёлларнинг 71% “бир соатгача”, 7%и 2 соатдан ортиқ вақт ажратишларини қайд этишган. “Реклама қилинган хўжалик молларининг сотиб оласизми?” деб берилган саволга 14 фоиз эркеклар ва 32 фоиз аёллар ижобий жавоб бергани ҳолда, 58% эркеклар “йўқ” жавобини берганлар. Шундан тадқиқотчи уларнинг реклама қилинаётган маҳсулотларга ишончини аниқлаганда, эркекларнинг 45 фоизи ва аёлларнинг 48 фоизи ишонишини қайд этганлар. Демак, реклама қилинаётган маҳсулотлар дунёсида хотин-кизларнинг фаоллиги бугунги кунда эркекларникидан анча юқори. Демак, замонавий оила бекалари оилавий даромаднинг тақсимооти ва уни нимага ишлатиш масалаларида ҳам етакчиликка даъво қиладилар. Чунки уй бекалари уй юмушларини бажаришда кўпроқ хўжалик молларидан фойдаланади, фарзандларини ювиб-тараш ва уларни боғча ёки мактабига зарур бўлган нарсаларни ҳам яхшироқ билгани сабабли, реклама қилинаётган товарларнинг энг яхшисини ва арзонини харид қилиш тарафдори ҳам бўлиб боради. Бу ҳолатни миллий реклама компаниялари инobatга олишлари керак.

Шу каби ишларларда Ўзбекистонда муайян ижтимоий-психологик муаммо тадқиқ этилганда, гендер тафовутларга эътибор бериш тобора анъанага айланиб бормоқда. Лекин алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда психологлардан ташқари, файласуфлар, социологлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ҳам бу

муаммони четлаб ўтмаганлар. Жамият ва оила ижтимоий-иқтисодий тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни ва ролига бағишланган қатор анжуманлар, монографик тадқиқотлар, диссертациялар айнан шу муаммога бағишлангандир. Масалан, ёш тадқиқотчи О.Абдусатторова (2007)нинг диссертацион изланиши бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда ўсмир ёшли ўғил ва қиз болалардаги гендер тасаввурларга боғлиқ жинсий идентификацияни аниқлаш ва бунда оила муҳитининг ролини асослаш учун ижтимоий психологияда қўлланилган қатор ишончли методикалардан фойдаланилган ва эмпирик изланиш ҳам ота-оналар, ҳамда уларнинг ўсмир ёшли фарзандлари ўртасида ўтказган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ота-оналар ўртасидаги ўтказилган тест ва сўровлар уларнинг гендер установакаларини ва лидерлик мақомларини аниқлашга имкон берган бўлса, фарзандлари ўртасида олиб борилган эмпирик тадқиқот оталик ва оналик гендер мақомларининг қизлар ва ўғил болаларда ўзига хос установака шаклида идентификацион жараёнлар йўналишини белгилашини исбот қилди. Замонавий ўзбек оиласидаги эркеклар ва аёлларнинг ўзаро муносабатларида аёллар мавқеининг мустаҳкамланиб бораётганлиги, уларнинг лидерлик позицияларида ҳамда турмуш ўртоқларини ҳамкор ва шерикчилик муносабатлари тизимида кўришни афзал кўришларида намоён бўлди. Шу сабабли ҳам бу ҳолат уларнинг ўз жинсларини ва турмуш ўртоғидаги қарама-қарши жинсга нисбатан установакаларини белгилайди. Тадқиқот замонавий эркеклар ва хотин-қизларнинг аёллик ва эркеклик образларида фемининлик ҳамда соф маскулинлик сифатлари кўпроқ андрогенлик сифатларига ўрин бераётганлигини, қизларда маскулинлик сифатлари ҳам тобора сезиларлироқ намоён бўлаётганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, юртимизда гендер тадқиқотлари учун кенг йўл очилган ва уларда оила ва оилага нисбатан ижтимоий установака устивор масала сифатида қаралади.

3-боб. Оилавий социализация

3.1. Оила ва ташқи ижтимоий муҳит

Ижтимоийлашув ёки социализация тушунчаси соф ижтимоий-психологик ва социологик категория бўлиб, бу шахснинг уни ўраб турган ташқи ижтимоий муҳит таъсирларига берилиши, унинг норма ва қоидаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ўзлаштирганлик даражасини ифодаловчи жараёндир. Бу тушунчанинг умумий маъносидан инсоннинг туғилиб, ўзини бевосита ўраб турган ташқи муҳит таъсирида улғайиши, шу жамият, шу атроф-муҳит куршовида тарбияланиши ётади. Оила муҳити ҳар бир шахс учун ана шундай бирламчи, дастлабки ижтимоийлашув ўчоғи, маскани ҳисобланади. Ижтимоийлашувнинг иккиламчи масканлари ҳам мавжудки, унга меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар ҳамда ҳарбий билим юртлари киради. Чунки у ерда нисбатан узок вақт мобайнида бола тарбиялани, ўша ернинг нормалари, қадриятлари ва талаблари таъсирида дунёқараши шаклланади, шахс бўлиб етилади. Агар дастлабки ёки иккиламчи социализациядан чекиниш, ундан маҳрум бўлиш ёки хулқнинг ташқи салбий таъсиротлар натижасида девиант шаклга келиши қайд этилса, унда илмий тилда айтганда, *ресоциализация* деб номланган жараён назарда тутилади.

Оилавий ижтимоийлашувнинг қадри ва аҳамияти шундаки, унинг таъсирида биринчидан, шахс катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, иккинчидан, ҳар томонлама етук, баркамол, ақлли, соғ ва саломат шахс бўлиб етишиш имкониятига эга бўлади. Яъни оила ва унинг соғлом маънавий муҳити болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-ҳунарли бўлиш, муомалада ахлоқ-одоб нормаларига бўйсунушга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Рус социолог олими А.Антоновнинг таъкидлашича, оила ижтимоий-психологик яхлитлик сифатида шахсга шундай норматив ва ахборот таъсирларини кўрсатадики, оқибатда бола энг аввало, жамиятдаги қонуний нормалар, хулқ андозаларини эгаллайди.¹ Оила

¹ Социология семьи: Учебник / Под ред. проф. А.И. Антонова.- М.: ИНФРА-М, 2005 – С. 220

қанчалик инок, уюшган ва мустақкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оилада ўзининг кадрятларидан ташқари, жамиятнинг кадрятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилган бўлади. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади. Бундай фарзандга турли бидъатлар, бемаза чақириқлар, даъватлар таъсир этмайди, мустақил фикрли, пок виждонли инсон бўлиб етишади. Чунки оила бу кичик жамият, жамиятнинг кичиклашган андозаси, оила мустақкам бўлса, жамият ҳам мустақкам бўлишини ўзбек халқи жуда яхши биледи, шунинг учун ҳам айниқса, мустақиллик йилларида оила бизнинг Ватанимизда кадрланади, никоҳ муқаддас ришта сифатида эъзозланади.

~~Амалда~~, боланинг ижтимоийлашув жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи бошқа ижтимоий омиллар ҳам мавжуд. Масалан, жамият миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар, давлатнинг ёшлар сиёсати, таълим муассасалари ва у ёрлардаги таълим ва тарбия стандартлари, диний муассасалар (мачитлар), бозор муносабатлари каби қатор жараёнлар ушбу масаланинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Юқорида айтилган ресоциализация жараёнидан ташқари, оила муҳитининг ўзи ҳам айрим ҳолатларда салбий маънодаги ижтимоийлашувга алоқадор бўлиб қолиши мумкин. Олимлар ўтказилган қатор тадқиқотлар асосида ана шундай омилларнинг тўрт гуруҳини ажратганлар:

а) ота-оналар ўртасида муросанинг йўқлиги, оилавий ўзаро муносабатларни мустақкамлаш борасида аниқ белгиланган ахлоқий тамойилларнинг мавжуд эмаслиги;

б) ота-оналарнинг руҳий носоғломлиги ва қонунбузарлиги;

в) яшаш шароитларининг яхши эмаслиги, боланинг тўлақонли ўсиши, дарс тайёрлаши, жисмонан чиниқиши учун шароитларнинг етарли эмаслиги;

г) мактаб шароитининг талаб даражасида эмаслиги;

д) маҳалла ҳудудида оила обрўсининг яхши эмаслиги, нотинч, ноқобил оила мақомига эгалик;

е) глобал ахборотлашув шароитида турли ахборот манбалари, жумладан, Интернет тармоғи орқали бола онгига етиб келаётган

турли маълумот, игво, уйдирма, миш-миш, оила қадриятларига зид ахлоқ намуналари ва бошқалар охириги йилларда бола ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатаётган ижтимоий омиллар жумласидандир.

Юқоридаги ҳолатлар айниқса, глобаллашув даврида оила институтининг бола социализацияси ва ижтимоий тарбиясидаги ўрни нечоғли сезиларли эканлигини исботламоқда.

3.2. Оилада ижтимоий тарбиянинг босқич ва воситалари

Ижтимоий тарбиянинг асл маъноси ҳам, вазифаси ҳам боладаги ижтимоий фаолликни ошириш орқали, ундаги ижобий фазилатларни камол топтиришдир. Одатда оилада ижтимоий фаолликни ошириш бола иродасини чиниқтириш орқали амалга оширилади. Чунки кўпинча ота-оналар болаларининг ақлли, фаросатли бўлиб етишларига эътибор бериб, унинг руҳиятини ҳамда жисмоний қуватини оширишга, иродасини мустаҳкамлашга безътибор қоладилар. Бунинг оқибатида бола турмуш сўқмоқларида тез қоқиладиган, турли ижтимоий вазиятларда қийинчиликларни енга олмайдиган, руҳияти мўрт бўлиб катта бўлади. Шунинг учун ҳам оилавий ижтимоийлашувда боланинг ижтимоий билимдонлиги, ижтимоий кўникмалар ва уларни оширишга қаратилган чоратadbирларга алоҳида урғу берилади.

Мутахассислар оилавий социализациянинг босқичлари, функцияларини тафовутлаш билан биргаликда унинг ҳар бирида ўзига хос ижтимоийлашув усуллари устивор бўлишини ҳам таъкидлайдилар. Масалан, рус социологи Н.Андреевкова¹ ижтимоийлашув жараёнини икки катта босқичда тасаввур қилади. Унинг *биринчи босқичи* – индивиднинг ижтимоий мавжудот сифатида шаклланишини таъминловчи ҳаёт бўлагини ўз ичига олиб, у инсон ҳаётининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Бу даврда асосан боланинг:

- а) дастлабки илк социализацияси (болалик даври);
- б) норматив хулқнинг маргинал жиҳатларини ўзлаштириш даври (ўсмирлик даврига тўғри келади);
- в) ўспириинликдан балоғат ёшига ўтиш даврини ўз ичига олган ижтимоийлашув оқибатлари яхлит намоён бўладиган босқич.

¹Андреевкова Н. Роль семьи на разных этапах социализации индивида // Динамика изменения положения женщины и семья. – М.: 1972. – С.4.

Иккинчи босқич шаклланиб бўлган шахснинг жамиятда фаолият юритиши даврларини ўз ичига олган ҳаёт босқичи. Бунда шахс дастлаб меҳнатга яроқли жамият аъзоси сифатида, сўнгра қандай ёшига етган инсон сифат ўз ўрнига эга бўлади.

Ижтимоийлашувнинг дастлабки йилларида унинг самарадорлиги кўпроқ юқорида таъкидлаганимиздек, оила, ундаги ижтимоий-психологик муҳит ва ота-онанинг тарбиячилик бурчини қандай адо этганлигига боғлиқ бўлса, унинг кейинги босқичларида таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларининг роли ортиб боради. Шунга мос равишда ижтимоийлашув усуллари ҳам турлича бўлади.

Кўплаб олимлар ва оила масалалари бўйича мутахассисларни ҳавотирга солган жиҳат шуки, замонавий оила ўзининг бола шахсини ижтимоийлаштирувчи вазифасини яхши ва тўлиқ адо этмаяпти. А.Антоновнинг таъкидлашича, замонавий оила оилавий турмуш тарзини шакллантира олмайётганлиги сабабли ҳам ўзининг бола тарбияси борасидаги ижтимоий билимдонлигини намоён эта олмаяпти.¹ Бундан ташқари, Ғарб мамлакатларида ўтказилган тадқиқотларда аксарият аёлларда оналик установакаларининг йўқлиги, бола тарбиялаш хоҳишининг йўқлиги, кўйди-чиқдининг бемалол амалга оширилиши, расман ФХДЁ бўлимларини никоҳни қайд этмай яшаш (фуқаролик никоҳи), ажримлардан кейинги эркак ва аёлнинг ўзаро ёмон муносабатлари болаларнинг ижтимоийлашувига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай эр-хотинларнинг фарзандлари бир томондан умуман оила институтига ва никоҳга нисбатан салбий қарашларга эга бўлиб, вояга етсалар, иккинчи томондан, уларнинг характерида асосан худбинлик, эгоизм, агрессивлик каби салбий сифатлар эгаси сифатида шаклланмоқда. Демак, жамиятда ўз даврига муносиб, соғлом фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг муўим омили бу расмий никоҳда бўлган эр-хотинлар оиласининг баҳамжиҳатликда яшашларидир.

3.3. Ота-оналик установакалари ва тарбия шакллари

Шундай қилиб, ижтимоий тарбиянинг дастлабки ўчоғи оила бўлиб, айнан ота ва она дастлабки ижтимоий кўникмаларни бола онгига сингдирувчи, унинг иродасини чарҳловчи инсонлардир. Оилавий муносабатлар болани наққат шахс сифатида ўзлигини англаш, балки ўзини у ёки бу жинс вакили сифатида идрок этиш ва

¹Социология семьи / Под ред. А.И. Антонова. – М.: 2005. – С. 235.

шахсий фазилатларини такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Бизнинг кузатишларимиз шуни исботладики, оиланинг тўлик бўлиши, яъни, унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик-тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, ақлли, кучли ирода соҳиби бўлиб етишига имкон беради. Болага ҳам отанинг ҳам онанинг бўлишининг зарурати шу билан изоҳланадики, масалан, қиз бола онаси ва унинг оилада ўзини тутишига қараб, ўзини аёллар жинсига тааллуқли эканлигини англашдан ташқари, келажакда қандай она бўлишини тасаввур қилса, отасига, унинг онасига бўлган муносабатига қараб, ўзини келажакда оила қурганда қандай оила соҳибаси бўлиши лозимлигини англаб боради. Худди шундай, ўғил бола онасининг фазилатлари, оиладаги тутими ва отасига муносабатини идрок қилиб борар экан, келажакда қандай қиз билан турмуш куриш мумкинлиги, танлайдиган қизи қандай сифатлар соҳибаси бўлиши лозимлигини билиб борса, қиз бола отаси ва унинг оилада мавқеига қараб, ўзини эркак сифатида келажакда тасаввур қилиш билан биргаликда турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида билим ва тасаввурларини орттириб боради. Бу психологик қонуният бўлиб, шахснинг оиладаги шахсий ва жинсий социализациясининг етакчи тамойили ҳисобланади. Шу боис ҳам боланинг том маънода яхши тарбия олиб, жамиятда ва оилавий муносабатларда муносиб мавқега эга бўлиши учун оила муҳити соғлом, барқарор, эр ва хотин бир-бирларига ғамхўр, меҳрли ва ҳадоқатли бўлишлари ўта муҳимдир.

Демак, оила боланинг ижтимоий муносабатларга тайёр бўлишида муҳим аҳамият касб этган педагогик муҳитдир. Шу боис ҳам олимлар оиланинг энг муҳим ва дастлабки вазифаларидан ҳам бирини тарбияловчи функция эканлигини доимо эътироф этадилар.

Оилавий социализация жараёнини бир томонлама, яъни фарзандлар тарбиясидаги роли билан чеклаш тўғри бўлмайди. Чунки айниқса, ёш оилада никоҳдан сўнг эр ва хотин бошқа оила аъзолари жамиятида хоҳласа-хоҳламаса ўз-ўзидан тарбияланиб, характер хислатларини ўзгартириб борадилар. Масалан, илгари тортинчок, уятчан, иккиланувчан йигит, уйлангач, турмуш ўртоғи нигоҳида обрўси меҳр-муҳаббат туфайли ошган сари, ўзида куч-қудратни, иродани сезиб, дадил, фаол, ўзига нисбатан ижобий фикрли, ақлли, босиқ бўлиб бориши табиий. Келинчак ҳам янги хонадон шароитига кўникиб борган сари, унинг анъаналарини муваффақият билан

ўзлаштириб борган сари, турмуш ўртоғининг меҳрли муҳаббати, қайнона ва қайнотанинг ғамкўрлиги, эътиборлилиги оқибатида янада ифбатли, сермулоҳазали, зийрак ва фаросатли бўлиб, ўзидаги илгари мавжуд айрим салбий характер сифатларидан қутулиши ҳам мумкин. Бу – эр ва хотин учун оила муҳитининг янги босқичдаги ижтимоийлашув маскани сифатидаги ўрнини исботлайди.

Лекин айрим оилаларда эр ва хотин ўртасида самимий, илиқ муносабатларнинг йўқлиги, ташқи томондан номига оила қурганликлари, маънан эса бир-бирларига нисбатан бегонадай булганликлари боис бу ерда ўзаро муносабатлар ҳамиша таранг, юзаки бўлиб боради. Табиий, бундай муносабатлар нафат уларнинг ўзига балки уларни ўраб турган бошқа қариндошлар, айниқса, фарзандларга фақат салбий таъсир этади, ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига тўғанок бўлиши ҳам мумкин. “Кўча болалари”, “тарбияси оғир болалар”, вояга етмай туриб жиноятга қўл урган ўсмирлар аксарият ҳолатларда айнан шундай оилавий муҳитнинг қурбонлари ҳисобланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, боланинг ижтимоийлашуви жараёнида мактабгача тарбия масканлари, мактабнинг роли ва аҳамияти ҳам бор. Лекин улардаги таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги энг аввало, оилавий тарбияга боғлиқ эканлигини, “Қуш уясида кўрганини қилади” мақолининг моҳиятини ҳамма билади. Махсус тарбия масканлари олдида оиладаги ижтимоийлашувнинг афзаллиги шундаки, оиладаги барча ўзар муносабатлар табиий муҳитда, иносний муносабатлар тамойилига асосланиб амалга оширилади. Қолаверса, ўртача Ўзбекистондаги оилаларда 3-4 нафардан фарзанд бўлса, икки ота ва она учун уларга етарли эътибор бериш учун имконият кенгрок, мактаб ёки боғчада эса гуруҳлардаги болалар сони кўп ва таълим-тарбия жараёни махсус дастурлар ва аниқ режим асосида амалга оширилгани учун болаларнинг бир текисда ривожланиши ва камол топиши учун етарли бўлмайди. Демак, оилавий социализациянинг самарадорлиги оила билан бошқа тарбия масканлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлақдаги уйғунликка бевосита боғлиқ.

3.4. Оила, мактаб, педагог ҳамкорлиги

Ўсиб келаётган авлоднинг жамият нормаларини тўла қонли қабул қилиши, ўз даврининг яхши ва керакли кишиси бўлиб

етишиши оиланинг бошқа расмий тарбия масканлари билан ўрнатадиган тўғри муносабатлари бевосита боғлиқ. Ижтимоийлашув жараёнида мактабгача таълим муасасаларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мактабгача таълим муасасаларининг ходимлари боланинг ота-онаси билан бевосита, ҳар куни мулоқотда бўлади ва улар мактаб маъмуриятидан фракли икки хил функцияни бажаради: расмий ва норасмий. Ундан ташқари, тарбиячининг ўзи ота-онага нисбатан икки хил ҳолатда бўлади – расмий тарбиячи ва самимий, эътиборли суҳбатдош тарзида. Лекин оила аъзолари билан мактабгача таълим муасасаларининг ходимларининг битта бола тарбиясидаги ишларини уйғунлаштириш, яхши самарага эришиш унчалик осон иш эмас. Чунки иккала томон бир-бирига ишонган тақдирдаги улар ўртасида самимий мулоқот бўлиши ва тарбияда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бундай муваффақиятли муносабатларнинг бир қатор психологик тамойилларини ажаратиш мумкин:

а) аввало, тарбиячи ота-онага фарзандини фақат яхши томондан кўрсата билиши лозим. Яъни боқчадаги боланинг образи ота-она учун ижобий бўлсагина, улар фарзандини хонадонидан яхши кайфят билан олиб келади ва уйга қайтаётганда ҳам тарбиячи билан илиқ хайрлашиб, боланинг ҳам уни ҳурмат қилиши ва машғулотларга айтганларига кулоқ тутиши лозимлигига ўргата олади. Акс ҳолда ота-она оғриниб боласини боқчага олиб келади ва уни мактабгача таълим муасасасининг тартибларини менсимасликка ўргатиб қўйиши мумкин. Демак, биринчи тамойил – ота-онага мактабгача таълим муасасасидаги бола тўғрисида ижобий образ ярата олиш;

б) мактабгача таълим муасасаларининг тарабиячилари ота-она билан кундалик мулоқотда боланинг эришган ютуқлари, қандай билим, малака ва кўникмага эга бўлганини кўрсата олишлари лозим. Масалан, тенгқурлари билан мулоқотда ўзини қандай тутгани, дўстлари мавжудлиги, берилган шеър ёки бошқа топширикни бугун айнан қай тарзда ўзлаштира олганлиги, кимга қандай ёрдам бера олгани, социометрик мақоми қандай эканлиги ҳақида норасмий тарзда маълумот бера олиши керак. Демак, боланинг ютуқларидан ота-онани хабардор қилиб бориш тамойили ота-она билан тарбиячининг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди;

в) тарбиячи боланинг уйдаги хулқи ва ютуқлари ёки камчиликларини билиб туриши шарт. Бу ота-она билан ишончга асосланган диалог жараёнида аниқланади. Чунки тарбиячи боланинг

уйда қандай ўзини тутиши, одат ва қилиқларини билмаса, унга тўғри педагогик ёндашувни ташкил этолмайди. Яъни учинчи тамойил – боланинг оиладаги, уйдаги мақомини билиш.

Оқоридагиларнинг бола ижтимоийлашувида инобатга олиниши мактабгача таълим муасасаларининг оила билан ягона шиор остида “Келинг биргаликда ўрганайлик!” ишлашга ва ютуқларга эришига имкон беради. Бунда асосий манфаатдор томон ва фаоллик кўрсатувчи биринчи навбатда ота-она бўлиши лозимлигини унутмаслик керак.

Охириги йилларда оилавий таълимнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларда қатор қонун ҳужжатлари ва норматив актлар қабул қилинганки, уларга кўра, ота-онанинг хоҳишига кўра оила муҳитида, хонадонда боланинг таълим ва тарбиясини ташкил этиш мумкин. Бундай тарбиячиларнинг қонуний ҳақ-хуқуқлари қону билан кафолатланган. Масалан, “Россия Федерациясида оилавий (уй шароитидаги) таълим тўғрисидаги Низом”, “Уйда таълим олишнинг намунавий Низоми” каби ҳужжатлар мамлакатнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни билан кафолатланган бўлиб, унга кўра агар ота-она хоҳласа, хонадон педагоги уйга келиб бола (лар)га таълим беради. Бу каби гувернаткалар хизматидан фойдаланиш, уй энагаларини ёллаш каби тажриба кўплаб ривожланган мамлакатларда кенг қулоч ёйган. Юртимиз Ўзбекистонда ҳам ушбу ҳаракатнинг дастлабки айрим кўринишлари пайдо бўлган. Лекин бизда оилавий таълим алоҳида кўмакка муҳтож, етим, ногирон болалар учун ташкил этилган. Чунки ўзбекистонлик болалар аввало қонунан берилган имкониятлар боис 2-3 йилгача бевосита онанинг ардоғида бўлиши мумкин, бу даврда икки ёшгача фарзанди бўлган онага давлат томонидан нафақа ҳам тайинланади. Агар оилада имконият бўлса, кейинги даврларда бола яна онаси ёки бувилари ёрдамида катта бўлади, мактабгача таълим муасасаларига жалб этилади.

Туғилишдан ногиронли бўлган, мактабга бориш ўқиш имконияти чекланган болаларга эса “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, уй шароитида ўқитиш ташкил этилган. Бундай педагогларга кўшимча имтиёзлар ҳам берилади, улар 6 соатлик дастур асосида ногирон болага энг зарур билим, малака ва кўникмаларни уйда берадилар. Бу ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш борасида сиёсати бўлиб, юртимизда бирорта бола мактаб ёшида таълимдан четда

қолмайди.

Нормал тараққиётли болалар мактабгача таълим муасасаларидан сўнг мактабга жалб этиладиларки, бу ерда ҳам таълимнинг ҳамда тарбиянинг самарадорлиги оила билан ҳамкорликка таяниши барчага маълум. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўрта мактабда “Ота-оналар Кенгашлари” ташкил этилган, уларга каттагина ҳуқуқ ва ваколатлар берилганки, бу “Мактаб – оила – маҳалла” концепциясининг амалда ишлашининг исботидир. Лекин бу борада муаморлар йўқ эмас, чунки мактаб маъмурияти, пелагоглар ҳар доим ҳам барча ўқувчиларнинг оиласи, ундаги шароитлар, ота-онанинг бола ўқишига қанчалик қизиқиши ва манфаатдорлигини яхши билмайди, натижада баъзан айнан мактаб йилларида бола психологияси кескин ўзгариб, у девиант хулқлилар тоифасига ҳам тушиб қолиши мумкин. Яъни мамлакатимизда Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ҳамда Таълим тўғрисидаги Қонун асосида узлуксиз таълимнинг барча босқичида ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни кечишини унутмаслик, ҳар бир босқичда унинг самараси ижтимоийлашув усул ва воситаларининг тўғри ва аниқ танланиши боғлиқлиги билиш катта ижтимоий аҳамиятга молик ишдир. Зеро, бола тарбияси ва тўғри таълими бўйича аниқ ва асосли билимлар соҳиби бўлмиш ўқитувчининг оила билан алоқаси қанчалик яхши ва мақсадли бўлса, бола тарбияси кўнгилдагидек бўлади, бу борада аниқ тасаввурга эга бўлмаган яйрим ота-оналар учун ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади.

4-боб. Оилавий муносабатлар психологияси

4.1. Эр-хотин муносабатларининг шаклланиши


Оилавий муносабатлар аттракцияси. Оила аъзолари ўртасида содир бўладиган мураккаб ва серкиррали ўзаро муносабатлар кўплаб олимлар, шу жумладан, ўзбекистонлик олимлар (М.Давлетшин, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Б.Қодиров, Х.Каримов, Н.Соғинов, Ф.Акрамова, Г.Ядгарова, М.Салаева, Д.Холиқов ва бошқалар) томонидан ўрганилган. Уларда кўпроқ ўзбек оиласига хос урф-одатлар, удумлар, анъаналар нуктаи назаридан оилавий муносабатларнинг этнопсихологик кирралари тадқиқ этилган. Лекин оила институтини ижтимоий воқелик сифатида унинг қонуниятларини таҳлил этар эканмиз, бу ўринда биз оилавий ўзаро муносабатларга хос бўлган муносабатларнинг психологик табиатига, келиб чиқиши ва динамикасига эътиборни қаратган кўплаб тадқиқотларда илгари сурилган маълумотларни келтиришни жоиз деб билдик. Шу нуктаи назардан оилавий муносабатлар феноменологияси ижтимоий-психологик изланишлар объекти сифатида ўрганилган бир қатор тадқиқотлар натижаларига мурожаат қиламиз.

Оиладаги ижтимоий муносабатлар ва уларнинг келиб чиқиш қонуниятларини батафсил монографик тарзда ўрганганлардан бири рус олими Л.Я. Гозман (1987) ҳисобланади. У бу қонуниятларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш учун аттракция тушунчасини ишлатган. **Аттракция** инглизча attraction – тортилиш, ингилиш сўзларидан олинган бўлиб, у бир инсоннинг иккинчи бир инсонга нисбатан ҳис қиладиган ижобий муносабатини англатади. Ҳар қандай ана шу зайлдаги диадик, яъни, диада – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг бошланиши симпатия, ёқтириш ёки аттракция билан боғлиқдир.

Гозманнинг таъкидлашича, жуфтлик муносабатларида аттракцияга туртки бўлувчи омилларнинг энг муҳими – бу шерикнинг ташқи, жисмоний жиҳатдан ёқимтойлиғи ва унинг ижтимоий-демографик хусусиятларидир.

Яъни бир кўришда ёқтириб қолиш, унинг хуснига ром бўлиш қабилар аттракциянинг дастлабки босқичи бўлиб, бу аслида одамлар онгидаги бир бидъатга, яъни чиройли одам ақлли ва ахлоқли бўлиши

тўғрисидаги тасаввурларга боғлиқдир. Айниқса, бундай тасаввур хотин-қизларга нисбатан қўлланилиши исботланган. Буни муаллиф график шаклида U – симон эгрилик тарзида тасаввур этади (4.1-расм).




4.1 – расм. Ёқтириб қолишнинг ташқи ёқимтойликка боғлиқлиги.

Ёқтириб қолишга туртки бўлувчи ижтимоий-демографик хусусиятларга энг аввало инсоннинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий мақоми, маълумоти даражаси, касб-кори, моддий таъминланганлиги, миллати ва диний эътиқоди, қаерда, кимлар билан яшаши кабилар киради. Кўпинча айни шу белгилар ёки хусусиятлар билан яқин бўлган инсонлар ўзаро бир-бирларини тезроқ ёқиб қоладилар, чунки ўхшаш белгилар ёки кўнгилдаги сифатларнинг шерикда, танишда мавжудлиги унга нисбатан ижобий фикр-мулоҳазаларнинг шаклланишига, стереотипларнинг яхши маънода уйғунлашишига замин яратади.

Бундан ташқари, ёқтириб қолишга шахснинг кадриятлари тизими, ҳаётдаги мақсадларининг муштараклиги, бажараётган ижтимоий ролларининг яқинлиги, омадлилиқ каби қатор жиддий сифатлар ҳам туртки бўлади. Шунинг учун талабанинг талабани ёқтириб қолиши, тиббиёт ходимининг айнан шу соҳада ишлайдиган одамни бир кўришда “севиб қолиши”, сафарда бирга бўлганларнинг ёки дам олиш масканларида танишиб қолганлар ўртасида романтик муносабатларнинг уйғониши эҳтимоли кўпроқдир.

Бир кўришда ёктириб қолиш жараёнининг жиддийрок муносабатларга айланишини тушунтириш учун олимлар “уч фильтр назарияси”ни илгари сурадилар (4.2 – расм).



4.2 – расм. Шериклик муносабатларининг динамикасини ифодаловчи “уч фильтр” назарияси

1-фильтр бир инсоннинг бошқа бир инсонни бевосита ўзига қаратиши билан боғлиқ жараён бўлиб, бунда янги танишнинг ташқи жозибаси, бир қарашда кўзга ташланадиган сифатлари (масалан, қиз боланинг сочи узун, кўзи мовий, йигитнинг бўйи узун, алп қомат каби) асосий роль ўйнайди. Бундай муносабатлар кўпчиликка хос, яъни аксарият одамлар турли вазиятларда бошқа бир одамни ёктириб қолаверади. Агар бир-бирини ўзаро ёки бир томонлама ёктириш мобайнида шерикнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ҳам кутишларга мос, маъқул келиб қолса, муносабатлар 2-фильтрга ўтади. Агар янги танишларнинг ижтимоий-психологик, шахсий хусусиятлари ва ҳаётий мақсадлари ҳам бир-бирларига маъқул келса, уйғун муносабатлар 3-фильтрга ҳам ўтади. Ҳар бир филтрдан ўтишда шериклар бир-бирлари учун ўзларининг янгидан янги қирраларини очаверадилар. Яъни янгидан топишган, бир-бирини ёктириб қолган одамлар учун муҳим бўлган асосий нарса ўхшашликни қидириш ва уларни инobatга олган ҳолда ўз муносабатини билдиришга интилишдир. Бошқа бир йўналиш – бу шеригида ўзида етишмаётган, ўзида мавжуд бўлмаган сифатни топиш ва уни ўзидаги сифат билан уйғунлантиришга интилиш. Масалан, ўзи ўта тортинчоқ бўлган қизга дадил, гапга чечан йигитнинг ёки боқолиши кўп кузатишган.

Учинчи йўналиш иккинчига яқин, яъни, янги танишда ўзидаги мавжуд сифатларнинг қарама-қаршисини излаш, масалан, йигит камгап бўлса, шаддот, сергап қизни ёктириб қолади. Бу каби кемтикларни шериги орқали тўлдиришга интилиш, уларга келажакдаги муносабатларда анчагина эгилувчан бўлиш ва ҳар биридаги яхши сифатларни кадрлашни ўргатади.

4.2. Романтик севгида муносабатларнинг ривожланиши

Романтик севги – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, романтик севги – энг кам англанадиган, одамнинг биологик эҳтиёжлари билан боғлиқ муносабатлардир. Бундай муносабатларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, иккала томон ҳам бир-бирларидан ўзлари кўришни хоҳлаган сифатларни кидиради ва кўради. Шу боис ҳам кўпинча романтик ҳис-туйғуларга асосланган муносабатларнинг умри қисқа бўлади, чунки реал ҳулқ-атвор билан идеал тасаввурлар ўртасида зиддият, номутаносиблик пайдо бўлиши мумкин. Айни шу муносабатларнинг салбий оқибатлари одамни қийнайди, ҳаётдан умидсизликни, бошдан кечирган хиссиётлари ёлғонлигини англаш унда жуда қаттиқ азиятларни келтириб чиқаради. Лекин бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади, деганларидай, бошдан кечирилган азоблар одамни шахс сифатида такомиллашувига, ички хиссиётларнинг кўп қиррали бўлишига олиб келади. Масалан, ташки кўринишига безътибор бўлган қиз бир йигит билан романтик хиссиётларга берилиб қолиб, тошойна олдидан кетмайдиган, тоза, ораста юришга одатланадиган, кийимларни ҳам ҳамиша бежирим қийишга ўрганиб боради. Севгилисига ёқишни астойдил хоҳлаган йигит эса айрим зарарли одатларидан, масалан, дангасалик, кўп ухлаш, тамаки чекиш кабилардан воз кечиб, янгидан турмуш тарзини бошлашга азму-қарор қилиши табиий. Ёки институтда ўқишни ўзига эп кўрмаган йигит талаба қизни севиб қолиб, у ўқийдиган олийгоҳга не-не машаққатлар билан кириб ўқигани билан боғлиқ мисоллар ҳам ҳаётда талайгина учрайди.

Л. Камерон-Бенжлер (1993) нинг фикрича, романтик севги ҳисси ривожланишининг 7 босқичи бўлиб, унга қуйидагилар киради:

1. *Ўзига жалб этиш* – янги танишларнинг бир-бирларига новербал белгилар орқали кизиқиши борлигини билдириш. Бу даврда шериклар дилидаги истак ва хоҳишларини янги танишган одамида

мавжудлигини таҳлил этади. Бунга одатда асосан одамдаги ақл-заковат, самимият, қўли очиклик, юмор ҳисси, ишончлилик, дадиллик, кизлардаги ибo каби сифатлар сабабчи бўлади. Бу сифатлар ҳаммага ёқадиган сифатлар бўлгани учун ҳам янги танишлар ўзларида айнан шеригига ёқадиган шу сифатларни намоён этишга интиладилар.

2. Маишулик ёки ром бўлиб қолиш. Бу боскичда танишиб улгурган ёшлар давомли учрашувлар натижасида бир-бирларидаги ижобий сифатларни англаб, бир-бирларига кўника бошлайди. Фақат эътибор ижобий, яхши сифатларга қаратилгани боис шериклар адашишлари ҳам мумкин, қолаверса, янги танишлар ўзларини бироз сунъий тутиб, асл қиёфаларини атайлаб ниқоблашга ҳам уринганликлари учун мабодо салбий сифатлар ҳам намоён бўлиб қолган тақдирда айримлар ажрашиб кетадилар, айримлар эса учрашувларни давом эттираверадилар.

3. Кўникиш – муносабатлардаги ўзига хос янгиликнинг камайиб боришидир. Энди бошида ўзгача жозиба касб этган ташқи кўриниш, хусн, кадди-қомат кабилар одатийдек идрок этилиб, ҳиссиётлар тобора камайиб боради.

4. Кутиш – муносабатларнинг муайян боскичида хаёл-фантазиядаги идеал образ билан реал, кундалик ҳаётда тобора намоён бўлиб бораётган асл нусха ўртасида айрим зиддиятлар, қарама-қаршиликлар кўзга ташланиши билан бошланади. Энди тобора кутишлар тизимида кўнгил қолиш, афсусланиш каби ҳолатлар ҳам пайдо бўлиб, онг шерикдаги айрим салбий, ёқимсиз сифатларни ҳам идрок қила бошлайди. Бунга айни шу давр ичида бошқалар билан танишиш тажрибаси ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, талаба йигитнинг бошқа бир шаҳарга олимпиадага ёки хизмат сафарига бориши, у ерда ўзгача нафосатли бир киз билан танишиб қолиши унда солиштириш имкониятини яратади, ва қайтиб келгач, учрашиб юрган кизидан айни ўша сифатларни кутади, лекин тополмаса, ундан ранжий бошлайди.

5. Кўнгил қолиш – бу шундай боскички, унда хаяжонли ишқ-муҳаббат ҳислари ўрнини алам, ғазаб, алданганликни англаш эгаллай бошлайди, шерик тўғрисидаги ижобий образ салбий образ билан алмашиб боради. Кўпчилик ёшлар айни шу боскичда бир-бирларидан ажралиб қоладилар.

6. Ҳаддан ошиш ёки муносабатлар чегарасининг дарз кетиши – боскичида шериклардан бири (баъзан иккаласи бир вақтда)

муносабатларга чек-чегара қўйиш вақти келганлигини англаб қолади. Шу фикр пайдо бўлган ондан бошлаб, улар яна бир қарра қабул қилинган қарорнинг нечоғли тўғри эканлигини ўйлаб кўришади. Одатда бу ноўрин талабларни бир-бирига қўйиш орқали ҳиссиётларни текшириш орқали рўй беради. Масалан, “бу ва яна бу тақлифларимга кўнсанг, сенга уйланаман, бўлмаса, орамиз очик” қабилда.

7. Муносабатларнинг тугаши – бир-бирлари билан бошқа сира юз кўришмаслик билан боғлиқ қарор чиқаришдан бошланади. Айримлар шеригининг айбдор эмаслигини билиб турса-да, муносабатларни тугатгиси келаверади, айримлар эса бир-биридан кўнгилсиз бўлиб қолган бўлсаларда, бирга яшайверади. Бундайлар ўзаро муомалани кескин камайтириб, деярли гаплашмай ҳам яшайверади, бундай аразлашлар кўпинча у ёки бу томоннинг депрессив ҳолатини, асаббузарликни келтириб чиқаради. Чунки одатда бундай ҳолатда қолган шахс бошқа севгилиси йўқлигидан ёки янги танишлар ҳам шундай алдаб кетишидан, боласи тақдирини ижобий ҳал қила олмаслигидан жуда қайғуради ва ҳатто касалга ҳам чалиниб қолади.

Эр ва хотин ўртасидаги романтик муносабатлар ёки ишқ-муҳаббат аслида бир инсоннинг бошқаси устидан доимий ҳукмронлиги, бу ҳислардан ўз манфаати нуктаи назаридан фойдаланиши демакдир. Бундай ҳаракатларнинг типик мисоли адабиётда ўз аксини топган бўлиб, бу – Дон Жуан образидир. У ўз жинсий майлларини қондириш мақсадида янгидан-янги қурбонларни топади ва ўз хоҳиши йўлида уларнинг ҳис-туйғуларини топтаб кетаверади. Ёки гўзал ва келипган аёл ўз мафтунқорлиги билан эркакларни ром этиш йўли билан уларнинг хисларини жиловлаб олиши мумкин. Яъни, Шостром деган олимнинг фикрича, ҳар қандай ишқ-муҳаббатда ана шундай манипулятив ҳолатлар мавжуд бўлади.

4.3. Романтик муносабатларга асосланган муносабатларнинг турлари

Психологик манбаларда севгига асосланган муносабатларнинг бир қатор турлари ва типологияси келтирилган. Биз бу ўринда Ж. Лининг 6 типли муносабатлар назариясини келтиришни жоиз деб билдик. Уларнинг дастлабкиси – *Eros*, бу романтизм ва хиссий майлларга асосланган муҳаббат бўлиб, ундан кўзланган асосий

мақсад – севгилиснинг висолига эришиш ва у билан яқин, жинсий муносабатда бўлишдир. *Mania* – бир томоннинг иккинчи томон меҳри ва муҳаббатига эришиши учун ҳамиша хавотир ва интиқлик билан боғлиқ бўлган талабчан, интиқ хиссиётдир. *Ludis* – ўзига қаратилган, худбинларча муҳаббат, бунда севгига эришмоқчи бўлган шахс нима қилиб бўлса ҳам суюқлиснинг висолига эришмоқни кўзлайди. *Storge* – дўстона, мустаҳкам ва самимий ҳисга асосланган бир-бирига яқин, анчадан буён таниш бўлган одамлар ўртасидаги севги. *Agape* – бирор объектга нисбатан интиқлик, сабр-қаноат билан бошдан кечирилаётган илоҳий севгидир. Ниҳоят, *Pragma* фақат шу инсон билан яшагандагина ҳаётдаги барча мақсад-муддаоларига эришиш мумкинлигини англаган, ҳаётий, аниқ мўлжалли, шахсий худбинликдан холи бўлган тоза севгидир (Э.Хэтфилд, 2003).

Шу каби севгини типологияларга ажратишга уринган олимлар сони кўп (масалан, Маслоу, Гозман, Шостром ва бошқалар), лекин барчасида ҳам ақл-идроққа, ҳаётий мўлжаллар хусусиятларига, ўзаро ҳамкорликка, тайёрликка таянган севги анча бақувват ва умрибоқийдир.

Никоҳ модели ва эр-хотин муносабатлари

Эр билан хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги шундаки, у:

1. Узоқ муддатга мўлжалланган доимий мулоқот сирасига киради;
2. Бу муносабатларнинг аксарияти диада шаклида рўй беради;
3. Муомала ва мулоқотдан қониқиш бевосита никоҳдан қониқиш учун омил ҳисобланади.

Рус олими А.И. Антоновнинг таъкидлашича, энг мустаҳкам никоҳга сабаб бўлган муносабатларда иккала томон ҳам шахс сифатида тобора такомиллашиб, сайқал топиб, уларда ўзаро меҳрга, бир-бирига ёрдам беришга иштиёқ ортиб бораверади. Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар бўйича олимларнинг таъкидлашларича, эр-хотинлик алоқалари етук инсон учун энг аҳамиятли ва ҳаётий зарур бўлган муносабатлардир.

Олимларни қизиқтирган муҳим масала – мустаҳкам, бахтли никоҳни ташкил этувчи восита нима эканлигини аниқлашдир. Шуниси характерлики, ҳар бир инсон ўз олдига оила қуриш, никоҳга киришни мақсад қилиб қўяр экан, у аввало, оила ва никоҳ борасида

халқ орасида шаклланган тасаввурларга таянади. Никоҳга кирган жуфтлик доимо никоҳ тушунчасига алоқадор бўлган қатъий доиралар ва нормалар дунёсида яшайди, лекин ҳар бир жуфтликнинг ҳаёти ўзларигагина алоқадор бўлган ўзига хос хуфиёна, сирли оламдир. Зеро, икки индивидуалликнинг бирлашувига сабаб бўлган ҳис-туйғулар бир қарашда ўша “хуфиёналик” сабабли зарар кўраётганга ўхшайди, баъзан эр ва хотин бир-бирига нафақат характер нуқтаи назаридан, балки ташқи кўриниш бўйича ҳам ўхшаб кетади, дейишади. Иккинчидан, айна шу бирлик, ўхшашлик, “кириб кетишлик” эрни ҳам аёлни ҳам жамиятда ўзига хос бир автономияга, жозибаторликка эришиб бораётганлигининг намоён бўлишига туртки бўлади. Шу боис бўлса керак, ижобий ҳислар туфайли ташкил бўлган оилада севиш-севилишнинг нафрат-агрессияга алмашилиб кетиши ҳам оқсон кечади. Арзимаган нарсалар ҳам баъзан иккаласини уришгир қўйиши мумкин. Бундай поляр, бир-бирига зид ҳиссиётларнинг намоён бўлиши айрим даврларда униси ёки бунисининг кучайиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, аёл фарзанд кўрган вақтида, кўпроқ чақалоқ билан овора бўлиб, эрига бефарқ қолади, ўз навбатида унда ҳам аёлига нисбатан бефарқлик (хаттоки, рашк, нафрат) ҳисси уйғониши, аксинча, муайян даврларда эса иккаласи Лайли-Мажнун бўлишиб, фақат бир-бирининг ишқида ёниб яшаши ҳам кузатиладиган.

Э.Шостром (1994) эр билан хотин ўртасидаги “ишқий” позитив муносабатларнинг қуйидаги кўринишларини баён этади:

4. бир-бирига боғланиб қолиш ёки ўзаро ғамхўрлик қилиш ҳисси. Бу шу қадар кучли бўлиши мумкинки, эр-хотин бошқа бир инсонга шунга ўхшаш яқин муносабатни ҳис этмай қолади. Натижада баъзан ўғлини қизганган қайнона келини билан турли нарсаларни баҳона қилиб, низо чиқараверади.

5. дўстлик – эр ва хотиннинг бир-бирларида энг нодир сифатларни, жумладан, ўзига хослик ва индивидуалликни тан олишни назарда тутадиган ҳиссиёт;

6. эрос – севгининг романтик кўриниши бўлиб, эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳиссий-жинсий майлларининг кучини белгилайди;

7. эмпатия эса, эрнинг ёки хотиннинг ўз турмуш ўртоғига доимий ғамхўрлиги, уни тушуниши ва керак бўлса, альтруистик фидойчилигини баҳоловчи ҳисдир;

8. ўзлигини севиш, қадрлаш – бир томондан эр-хотиннинг ҳар

кандай шароитда ўзида энг афзал жиҳатларни англай олиш ва бошқа томондан, керак бўлса, ёри туфайли ўз хоҳиш-истакларини жиловлай олиш, фидойликни намоён қилишга имкон берувчи хиссиёт.

Э.Шостромнинг фикрича, “эр ва хотин вақти-вақти билан бир-бирларига зуғум қилиш, хафа қилишга маънан ҳақлидирлар”, лекин бундай муносабатларнинг яқуни яхшилик билан тугаши, шу баҳона бир-бирларини янада яхши ва яқиндан билишларига туртки бўлиши керак.

Эр ва хотин ўртасидаги салбий муносабатларга асос бўлувчи хиссиётларга олимлар қуйидагиларни киритадилар:

9. аччиқланиш – оилавий ҳаётда кўп учрайди, чунки у ўзаро ғамхўрлик ва боғлиқлик камайган шароитларда ўз-ўзидан пайдо бўлади; Ф. Перлзнинг ёзишича, “Вақти-вақти билан бир-биридан аччиқланиб туриш – демак, бир-бирини севиш ва ўзаро муомалага бўлган интиқликдир”.

10. айбдорлик – ўзининг қилмиши учун ўч олишдай гап, кўпинча бу хиссиёт атайлаб намоён этилади;

11. аразлаш – турмуш ўртоғидан ўч олиш мақсадида намоён этиладиган хис-туйғу;

12. нафрат – турмуш ўртоғига гўёки душманига қарагандай муомала қилиш ва бу йўлда баъзан узоқ вақт гаплашмай қўйиш ёки атайлаб ўзини ёмондай кўрсатишдир. Афсуски, бу хиссиёт оилавий ҳаётда тез-тез бўлиб туради. Лекин у одамни ичидан зил кетишига, ич-этини еб қўйишига олиб келади;

13. танқид қилиш – кўрқоқликка ўхшайди, аник муносабатларнинг характерини намоён этишга имкон бермайди, Шостромнинг фикрича, бу хиссиёт аччиқланишга ўтгани маъкул;

14. турмуш ўртоғидан йироқлашиш, кетиб қолиш – бу ҳам маълум маънода бир-бирини назоратда ушлашнинг бир кўриниши, лекин вазиятни аник ойдинлаштириб олишга халакит беради;

15. бефарқлик – умуман муносабатларни яширувчи хис бўлгани учун у алоқаларнинг ёмонлашиб кетишини тезлаштиради, ҳаттоки, бунда психотерапевтик ёрдам бериш ҳам мушкул бўлиб қолади.

Шу каби муносабатлар моҳиятан шахслараро муносабатларнинг кўринишларини ифода этади.

Эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга оид қонуниятлар

Я.Гозман, К.Хорни ва бошқаларнинг ёзишларича, фақат эмоционал ҳиссиётларгатаянган эр ва хотин муносабатлари тобора вақт ўтиши билан оқилона ҳамкорлик ва дўстлик, қон-қариндошлик муносабатларига айланиб боради. Ю.Дубровиннинг (2004) таъкидлашича, “Кўпчилик никоҳларни бахтли ҳам бахтсиз ҳам деб аташ мушкул, чунки уларда эр-хотинларнинг бир-бирларини секин-аста тарбиялаб боришлари ва тақдир тақозоси билан бора-бора муносабатлар чуқурлашиб, тушуниш ҳисси ва дўстона муносабатлар сайқал топиб, у ҳаттоки, романтик муҳаббат даражасига кўтарилади”.

Никоҳ модели. Оила ва никоҳ бўйича кўплаб мутахассислар З.Фрейд ва А.Адлернинг ғояларини маъқуллаган ҳолда шуни таъкидлайдиларки, оила кураётган ёш келин-куёвлар ўзлари англамаган равишда ўзлари тарбия топган оилаларининг моделини янги оилага тадбиқ эта бошлайдилар.

Ота-она оиласи З.Фрейднинг психоаналитик назарияси мос келади. Унга мувофиқ, бола ўзи катта бўлган оиласидаги ўз жинсига мос ота ёки она образига ўзини идентификация қилиб, ҳаёти мобайнида кўрган-кечирганларини хатти-ҳаракатларида такрорлайди, қарама-қарши жинс вакили бўлмиш ота-онанинг образи эса турмуш ўртоғини танлашни белгилайди. Агар ушбу образ ижобий бўлган бўлса, масалан, қиз бола учун отаси идеал, намунали туюлса, келажакда шу қиз ўз турмуш ўртоғи билан келишиб яшашга мойил бўлади. Мободо образ салбий бўлса (ота ичувчи ёки бевафолик қилиб ташлаб кетган), унга ўхшамаган инсонни қидирадию, аслида топган тақдирда ҳам у билан келишиб яшашига ўзи ҳам ишонмайди, рухий изтиробда бўлади, кўп иккиланади. Агар ўзи ўсиб улғайган оила кичик бўлса, истиқболда у ҳам айнан детоцентриқ, кичик оила қуришга интилади.

Опа-сингил, ака-инилик муносабатларига асосланган оила модели А.Адлер ғоялари таъсирида ишлаб чиқилган. Унга кўра, эр-хотин алоқалари мустаҳкам ва барқарор бўлиши учун иккаси ўз муносабатлари жараёнида акалари ёки опа-сингиллари билан бўладиган ҳамкорлик, лидерлик, ҳукмронлик, масъулият, ғамхўрлик, тобелик каби қатор муносабатларини рўёбга чиқаришлари лозим (сиблинг ёндашув). Бу алоқаларнинг бир кўриниши шундайки, унда эр ва хотин бир-бирига акадай, сингилдай у ёки бу муносабатлардаги

кемтикликларни тўлдириб боришлари мумкин (комплементар никоҳ). Бу биздаги муносабатларга ҳам хос бўлиб, кўпгина ўзбек oilаларида хотин эрини “ака” деб атаса, эр биринчи фарзанд туғилгач, хотинига тўнғич фарзанднинг исмини айтиб мурожаат қилади. Бу ҳолат айниқса, эр ўз oilасида сингилларининг акаси бўлган бўлса, ёки хотин ҳам ўз навбатида ота-онасининг уyiда акаларнинг синглиси бўлган бўлса комплементар тарзда уйғунлик кашф этади, улар oilавий муносабатларда ким устун, ким тобе каби муаммоларга дуч келмайдилар. Агар хотин ўз oilасида бирига сингил, бирига опа бўлиб катта бўлган бўлса, у ёки бу тажриба эри бўлган муносабатларда қисман комплементар вазифани бажаради. Ниҳоят, агар эр ўз oilасида тўнғич фарзанд ва хотин ҳам ўз oilасида тўнғич бўлган бўлса, унда эр-хотин муносабатлари нокомплементар никоҳга тўғри келади, яъни, улар тенг мавқели бўлгани учун одатда ўзаро муносабатларида лидерлик ва ўзаро адаптация ҳолатлари муайян қийинчиликлар ва муаммолар билан кечади, тез-тез бир-бирига нималарнидир даъво қиладиган, ўз фикрини уқтириш ва амалга оширишга мойиллик кузатилади. Одатда бундай никоҳ икки зиёли инсон ўртасида тузилган бўлса, улар бахтли бўлишлари мумкин, айниқса, ҳозирги даврда, лекин ўзаро тил топишиб, кўникиб кетишларига анчагина вақт, сабр-тоқат керак бўлади.

Ота-онасининг oilасида кўрган-кечирганлари боланинг бўлғуси oilаси, ундаги эр-хотин муносабатлари, фарзандлар тарбияси, қариндош-уруғлар билан бўладиган мураккаб ўзаро алоқаларнинг қандай кечишини белгиловчи муҳим омилдир. Ушбу омилнинг таъсирини батафсил ўрганган олимлардан бири

Н. Пезешкиан (1993) бўлиб, у бундай таъсирчанликнинг 3 жиҳатини алоҳида ажратади:

16 турли стрессларга нисбатан муносабат;

17 хиссиётларга берилувчанлик ва унинг оқибатлари – ижтимоий хатти-ҳаракат меъёрлари;

18 oilавий муносабатлар.

Пезешкиан ота-она oilасида кўрган-кечирганлари таъсирида турлича стрессларга ҳозиржавобликнинг тўрт хил типик усулларини, йўллариини ажратади: Аввало, бу – тана реакциялари ёки вужуд билан жавоб бериш бўлиб, у турли психосоматик касалликлар ёки ҳолатларга нисбатан инсон вужудининг жавоби (масалан, уйқу, кайф бўлиш, очлик ёки тўқлик каби) сифатида намоён бўлади. Бунда масалан, ота-она oilасида урф бўлган хазил-хузул, айтишувлар

орқали у ёки бу зарар етказувчи тангликларнинг олдини олиш тажрибаси назарда тутилади.

Фаолият ҳам стресснинг олдини олиш воситаси сифатида муаллиф томонидан икки йўналишда бўлиши мумкинлиги қайд этилади. Масалан, биринчиси – ишга муқаддам кетиш орқали стрессни ечиш бўлса, иккинчиси – у ёки бу соҳадаги ютуқлар ва қўлга киритилган натижалар орқали ўзини-ўзи тинчлантириш, тангликлардан “қочиш”ни англатади.

Мулоқот ёки бевосита муомала шаклида одам кўпроқ турли суҳбатдошларни топиб, улар билан киришиб кетиш орқали ёки аксинча, ўзини ёлғизликка маҳкум этиш орқали стрессни енгиллатиш усули бўлса, охириги йўл – хаёлга берилиш, яъни, реал ҳаракатларни рамзий таассуротдаги образлар билан алмаштириш ҳисобига тангликлардан узоқлашишдир.

Ҳиссиётларга берилиш ҳамда уни ижтимоий хатти-ҳаракат нормаларига мувофиқлаштириш – бу кўрган-кечирган ҳиссиётлар ва хулқ намуналари тўғрисидаги тасаввурлар. Пезешкиан бевосита ҳиссий-эмоционал нормаларга севги-муҳаббатни, ишонч, умид, сабр-қаноат, ўзгаларга эътиборли бўлиш, ўзгалар билан яқин самимий муносабатларга кириша олиш, эътиқодлилиқ, диний ҳиссиётларни киритади. Бундай ҳиссиётлар одатда ота-онаси, яқинлари, ака, опалар, ука-сингиллар билан ўзини идентификация қилиш, ўзини улар билан солиштириш, ўхшашликка интилиш жараёнида шаклланади. Айнан шу сабабли инсон кимгадир ишонишга, самимий муруват кўрсатишга ўрганади. Оила муҳотида бошдан кечирган ҳиссиётлар оқибати бўлмиш хатти-ҳаракатлар нормаларига эса бир сўзлилиқ, саранжом-саришталик, озодалиқ, самимият, адолатлилиқ, интилувчанлик, тежамкорлик, садоқат, ишонч, ҳалоллик қабилар қиради. Пезешкиан, айтимоғи эмоционал соҳаларда эр-хотин ўзаро муносабатларининг ўхшашмаслигини эр-хотин низоларида асосий низо келтириб чиқарувчи сабаб, деб ҳисоблайди. Хатти-ҳаракат нормаларидаги келишмовчиликлар ҳам муҳим, лекин улар психотерапевтик амалиётда бироз юмшоқроқ ҳисобланади.

Ижтимоий ва оилавий муносабатлар. Бола тажрибасининг асосларидан бири ундаги ота-она оиласи таъсирида шаклланидиган ижтимоий феъл-атвордир. Яъни, ўзаро ишонч, ўзини-ўзи баҳолаш, Мен-концепцияси ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари таъсирида бола онгида шаклланидиган ҳислатлардир. Бола ота-онасининг ўзаро мулоқотларига қараб, умри мобайнида кузатиб, билиб-билмай уларга

таклид қилиб, тинчлик – хотиржамликда, ўзаро ҳамжиҳатликда яшашга ўрганса, ака-ука, опа-сингилларига қараб, жамиятдаги мураккаб ўзаро муомала ҳолатларида ўзини қандай тутишга ўрганади, ҳаётнинг маъносини тушуниб боради, дунёқарашини, дунёвий ҳамда диний эътиқодларининг шаклланиши ҳам айна шу муносабатлар таъсирида рўй беради.

Эр-хотин муносабатлари аввало адаптация, яъни бир-бирига аста-секин кўникиб, мослашиб бориш жараёнидан бошланади, зеро, уларнинг ҳар бири янги муҳитга, янги рўзғорга ўз оиласида орттирган шахсий тажрибасини, оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларини билан кириб келади. Натижада ота-онаси оиласида олган тажрибанинг бир қисмидан воз кечгани ҳолда, янги муносабатлар учун янги фазилатларни ўзида тарбиялай бошлайди.

5-боб. Ёш оилаларнинг ижтимоий ва психологик муаммолари

5.1. Ёш оила: муносабатлар модели ва хусусиятлари

Ёш оила деб, аввало, эр ва хотиннинг иккаласи ҳам 30 ёшдан ошмаган ёки оилавий турмуш куриш тажрибаси 10 йилдан ошмаган ёшлар оиласи назарда тутилади. Биринчи ёндашув, яъни эр ва хотиннинг паспорт ёшени инобатга олиб, оилага мақом бериш тўғрироқ бўлиб, қачон турмуш қурганлигидан қатъий назар, албатта, шу муддат орасида ҳали йигит ҳам қиз ҳам том маънода катта меҳнат стажига эга бўлмайди, ва кўп ҳолларда аёл-она айнан шу даврда фарзандли бўлиб, уй бекаси бўлиб ўтириб қолиши эҳтимоли катта. Агар иккинчи ёндашув бўйича ёш оилани оилада яшаш муддатига кўра табақалаштирилса, унда у ёки бу жамиятда никоҳ ёшенинг ўртача кўрсаткичи ортиб ёки камайиб боришини назарда тутиш лозим. Чунки айрим давлатда ва айрим миллий-маданий муҳитда ёшларни жуда эрта турмуш куриши рағбатлантирилса, бошқаларида, айниқса, охириги йилларда аксинча, йигит ва қизларнинг касб-ҳунар орттириш бўйича профессионал малакага эришиш асосий қадрият ҳисобланган шароитларда 30 ёшдан ошган одам энди оила қурган ёки ҳали ҳам турмуш қурмаган бўлиши ҳам мумкин. Маълумотларга қараганда, Америка Қўшма Штатлари, Германия каби ривожланган Европа ва Америка давлатларида, Шарқий Осиёнинг ривожланган мамлакатларида (Япония, Корея каби) никоҳ ёши йил сайин ортиб, айрим мамлакатларда бу рақам 30 ёшдан ҳам ўтиб кетмоқда. Жуда эрта турмуш куриш қанчалик оила ва унинг барқарорлиги билан ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлса, кеч турмуш куриш ҳам қатор салбий асоратлар ва моддий-маънавий қийинчиликлар билан энг муҳим эр ва хотиннинг саломатлиги ҳолати, туғилажак зурриёднинг соғлом туғилиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Умуман, фанда ёш оилани тавсифлаганда қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

- жуда ёш оила – никоҳга кирган вақтдан токи 4 йилгача;
- ёш оила – 5 йилдан 9 йилгача;
- ўрта оилавий ҳаёт муддати – 10 йилдан 19 йилгача;

катта оилавий ҳаёт муддати – 20 йил ва ундан ортиқ муддат турмуш кечирганлар оиласи.

Кўплаб олимларнинг таъкидлашларича, ёш оиланинг мустаҳкамланиб, оёққа туриб кетиши, турли маиший муаммоларни ўзи мустақил ҳал қилиши учун зарур бўлган муддат аслида турмуш қурган икки шахснинг бир-бирига бўлган самимий муносабатига, оила ва унинг атрофидаги турли кадриятларга нисбатан уйғун қарашларига, ота-она оиласида ибрат сифатида кўрган-кечирганларини ўз оиласида қўллай билиш маҳоратига бевосита боғлиқдир. Лекин барибир ҳар бир оила айнан ёшлик даврида муайян қийинчиликларни бошдан кечирадими, бу муаммолар қуйидаги ҳолатларга боғлиқ тарзда намоён бўлади:

оилавий ҳаётни бир маромда кечишини таъминлаш, ишлаш, ўқиш ёки бошқа масалаларни ҳал қилиш учун вақтнинг етишмаслиги; вақтни яхши ўтказиш, кўнгилхушликларнинг чекланганлиги; янги шароитда эркакнинг ҳам аёлнинг жисмонан толиқиши, асабларнинг чарчаши; иқтисодий қийинчиликлар.

Охирги ҳолат бир томондан, айти пайтда ёшлардаги орзу-ҳаваснинг кўпайиб кетиши билан изоҳланса, бошқа томондан, ота-оналарнинг орзу-қавасларию, борди-келди билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ортиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда кундан-кунга ҳаёт ва яшаш шароитимиз яхшиланиб, оила фаровонлиги учун етарли шарт-шароитларнинг бўлишига қарамай, ташқаридан барча маиший муаммолари ҳал бўлган ёш оилада ҳам нималардир етишмаётгандай туюлаверади. Бу – ўша орзу-ҳаваслар, ижтимоий эҳтиёжларнинг тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шу боис ҳам юртимизда ёш оила манфаатларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг ёрқин исботи 2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинганлиги, ушбу йилда қабул қилинган давлат дастурида ёш оила манфаатини ҳимоя қилиш алоҳида бандда акс этганлиги ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 май куни имзолаган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони дур. Фармоннинг ижтимоий ҳамда тарихий аҳамияти шундаки, унда ёш оила мустаҳкам ва унда тарбияланаётган фарзандларнинг соғ-саломат уйлағишларига оид барча энг муҳим вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, кўп бўғинли ва кўп

фарзнадли оилалар сони нисбатан кўп бўлган бизнинг шароитимизда Президент Фармони бўйича ёш оилаларнинг маиший турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳдан ўтиши ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлаганлар учун, уй-жой қурилиши, таъмирлаш ва сотиб олиш учун, уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар учун ипотека, истеъмол кредитларининг имтиёзли тарзда берилиши каби тадбирлар оила мустаҳкам ва бахтли ҳаёт кечиришини кафолатловчи муўим масалалардир. Охири статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда йилига ўртача 175-180 мингдан ортиқ никоҳлар қайд этилади. Умумий оилалар миқдорига нисбатан қаралганда ёш оилалар салкам 40 фоизни ташкил этади. Демак, оила сонининг кўплиги улар орасида моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтожлари ҳам бўлиши табиий эканлигини кўратсади ва ҳукуратимиз ва шахсан Президентимизнинг бу борадаги сиёсати айнан ёш оиланинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги сайёх-ҳаракатлардан биридир.

Албатта, ёш оила борасидаги энг муҳим масалалардан бири – ёшларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг янги муносабатлар тизимига кўникиши масаласидир. Чунки романтик севги, бир-бирини ёқтириш босқичидан ўтган ёшларнинг энди янги оилавий ҳаёт тамойиллари асосида кундалик ҳаётни бошдан кечиришига муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Йигит-ку ўз уйида, ота-онаси яратиб берган шароитда яшайди. Мослашув жараёнидаги қийинчиликларнинг энг оғири келинчакнинг бўйнига тушади. У бошдан кечирадиган муаммолардан бири эса – янги оила аъзолари билан муомала маромларини тўғри ўрнатишдир. Тўғри, тўйдан кейин туркона, ўзбекоана урф-одатга кўра қизнинг онаси ва унинг яқин қариндошлари келинчакни “йўқлайди”, яъни пишир-куйдир қилиб, қиз ўз хонадонидан суйган таомини пишириб, янги келин тушган хонадонда дастурхон юборилади. Албатта, бу каби азалий урф-одатни асосида ётган муҳим сабаблар бўлиб, биринчиси, янги муҳитга тушиб қолган қиз бу ердаги иссиқ-совуққа тез кўникиб кетолмаслиги, таом танавул қилишда кескин ўзгариш бўлмаслиги учун то кўниккунча, бир неча кун ўз хонадонидан овқат юбориш ва шу орқали уни “юпатиш” бўлса, иккинчи маъноси – ота-она қизини унутмаганлиги, ҳануз унга меҳрли муносабатда эканликларини изҳор

қилишдир. Бу каби муносабатларнинг сақланиши қисман бизнинг ҳозирги шароитимизда ҳам ўзини оқлайди, лекин йўқлов баҳонасида тоғораларда овқат-озикнинг ҳадеб куёв уйига жўнатилиши, ортиқча дабдабаларга йўл кўйилишида умуман мантиқ йўқ. Чунки ҳозир кўпчилик оналар оила юмушидан ташқари давлат ва жамоат муассасаларида хизмат қиладилар. Улар учун бундай ташвишлар ортиқча, иккинчидан, қизлар илгаригидай жуда эрта турмуш қурмайдиган ва ўқиш, иш баҳонасида турли таомларни ейишга ёшлиқдан ўрганган шароитда уларнинг ошқозонлари янги хонадонда ҳам бирдай ишлайверади. Яъни, ёш оиланинг мустаҳкам бўлишига раҳна солувчи омиллардан бири ҳисобланмиш ортиқча оворагарчиликлар, дабдабали тушликларнинг иккинчи хонадонга юборилиши бугунги тараққиёт босқичида бироз эриш туюлиши табиий.

Ўтказилган тадқиқотлардан яна шу нарса маълум бўлмоқдаки, ёш оиланинг тинчлик-тотувчиликда яшашига ҳалақит бераётган сабаблардан бири – қайноналар билан янги келинчакнинг тез киришиб, тил топишиб кета олмаётганлиги. Бу ҳам оилавий муносабатлар борасидаги муаммолардир. Чунки айниқса, шаҳар шароитида битта ёки иккитагина ўғил ўстирган она кўпинча янги муносабатлар тизимига ўзи кўника олмайди ва келинчакни ҳам тезроқ кўникиб кетишига ёрдам бериш чораларини билмайди. Яъни, қайнона билан келин ўртасида ўзига хос рашкка ўхшаш муносабатлар пайдо бўладики, бу ҳолат қайнонанинг келинга нисбатан адолатли, бағрикенг инсон сифатида иш тутишига ҳалақит беради. Тошкент шаҳрида содир бўлаётган никоҳ ажримларининг сабаблари орасида айнан қайнона билан келин ўртасидаги низоларнинг қайд этилиши юқоридаги фикрларнинг далилидир. Шунинг учун бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг йўлларида биринчиси – бу ёшларни (йигит ва қизларни) оилавий муносабатларга психологик жиҳатдан тайёрлаш бўлса, иккинчи йўли – жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда маҳаллаларда “Оила сабоқлари”, “Ота-оналар университети” каби маърифий институтларни жорий этиш орқали ота-оналарни ҳам келин ва куёв билан муносабатга, мулоқотга ўргатишдир. Бунда ОАВ ва оммабоп нашр этилган рисоаларнинг ҳам аҳамияти катта.

5.2. Ёш оила ва соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш

Ёш оиланинг мустақамлиги, ундаги маънавий муҳитнинг барқарорлиги ёшларнинг саломатлигига, соғлом турмуш тарзи малакаларига эга эканлигига ҳам боғлиқ. Бунда ота-онанинг, яқин қариндош-уруғларнинг умуман соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурлари қанчалик аниқ ва уларнинг кундалик турмушда саломатликни асраш кўрикмаларига эга эканликлари катта аҳамият касб этади.

Гап энг катта бойлигимиз – саломатлик ҳақида борар экан, қулоғимизга тез-тез чалинаётган “соғлом турмуш тарзи” тушунчасининг ўзи хусусида олимлар фикрларини таҳлил этиш лозим. Олимлар ҳамда мутахассисларнинг таъкидлашларича, соғлом турмуш тарзининг бешта асосий шarti бўлиб, булар энг аввало тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан сақланиш, меҳнат қилиш ва фаол дам олишни тўғри ташкиллаштириш ҳамда гигиеник кўникмаларга амал қилишдир.

Мана шу шартларга риоя қилган кишининг саломатлиги шубҳасиз ўз қўлида бўлади. Лекин кўпинча бу шартларга амал қилиш ёшларга кўпинча эриш туюлади. Ҳозирги кунда кўпчилик ўртасида учраётган касалликлар ва бевақт ўлимнинг асосий сабабларидан бири оила аъзоларининг соғлом бўлиш учун ўзлари ҳаракат қилмаётганликлари, ҳали ҳам бирон бир мўъжизавий ҳаёт бахш этувчи дори ёки шифокор бўлишига ишониб, яшаётганликларидир. Албатта, замонавий тиббиёт фани Ўзбекистонда ҳам ривожланиш бормрқда, тиббиёт ходимлари орасида ўз касбининг устаси бўлган олийжаноб инсонлар ҳам кўп. Лекин агар инсон ўз турмуш тарзини онгли ташкил этиб, касал бўлиб қолганда ҳам унга қарши ўша шифокор билан тенгма-тенг онгли равишда турмаса, дардни енгиш мушукул бўлишини бугун кўпчилик яхши билади.

Лекин ёшлар ўртасида шу оддий ҳақиқатни билмаганлар ҳам кўп. Саломатликни ўз вақтида ўз уйимиз, ўзимиз ўрганиб қолган муҳитда сақлай олмаганлигимизнинг, фарзандларимизни илк ёшлигидан соғлом турмуш тарзи кўникмаларига ўргатмаганлигимизнинг сабаблари ҳам бор. Бунинг объектив сабабларидан бири собиқ совет даврида тиббий хизматнинг бепуллиги, тиббиёт ходимлари малакасига нисбатан талабчанликнинг паст бўлганлигидир. Бу сиёсат эски тузумнинг бошланғич даврларида аҳоли ўртасида учраган кўпгина касалликларни камайитиришга хизмат

қилган бўлса-да, шу билан бирга, бундай сиёсат кишиларда ўз соғлиқларига бепарқлик, боқимандалик кайфиятини ҳам шакллантирди. Яна битта сабабларидан бири касалликни сабаби билан эмас, унинг оқибати билан курашиб келинди. Натижада касалхоналар куриш, уларда урин сони оширишга кўпроқ эътибор берилиб, тарғибот соҳасига иккинчи даражали сифатида қаралди. Оқибатда аҳоли орасида тиббий маданиятнинг пастлиги туфайли касалланишнинг кўпайиб бориши давом этди. Бу ўз – ўзидан маълумки, ҳар бир оиланинг бюджетига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда бу нафақат бюджетга, балки оиланинг мустақкамлигига ҳам салбий таъсир кўрсатди ва хозир ҳам шундай.

Шуни алоҳида масъулият билан таъкидлаш жоизки, давлатимиз асосини ташкил этган ёш оилалар равнақи келажагимиз пойдеворини соғломлаштириш учун тарғиботни энг аввалло оиладан, қолаверса, барчамиз учун “ватан ичра ватан бўлган” маҳалладан бошлаш керак. Чунки, соғлом турмуши тарзини оилада тўғри йўлга кўйсак, шу оила азоси саломатлик энг биринчи даражали эканлигини тушуниб етади. Бир оила тушуниб етган нарсани шу оиланинг бошқа яқинлари – қариндош-уруғлар, кейинчалик ёру-биродарлар, ниҳоят кўни-кўшнилари тушуниб етади.

Олимларнинг фикрича, инсон саломатлигининг 51,6% соғлом турмуш тарзига, 20,5 % ирсиятга, 19,3 % ташки экологик муҳитга, 8,6% соғлиқни сақлаш тизимига боғлиқ экан. Кўришиб турибдики, саломатлик ҳар бир инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима ейиши, кимлар билан муомала қилиши, ўзи учун муносиб, қулай ҳаёт тарзини ишда ҳам, дам олишда ҳам ташкил эта олишига бевосита алоқадор экан.

Саломатлик – бу нафақат соғ-саломат юриш дегани, балки узок умр кўриш гарови ҳамдир. Туғилиш, ўсиб улғайиш, вояга етиб шахсий ва умуминсоний манфаатлар йўлида фаолият кўрсатиш, қариш-қартайиш ва ўлим – булар инсон ҳаёт йўлининг қонуний бекатларидир. Бу ҳаёт учун кураш – саломатлик учун кураш эканлигини англашни тақозо этади.

Демак, соғлом турмуш тарзи бу – ҳар бир инсоннинг маънавий, ақлий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга бўлишга ҳаракат қилишидир. Агар инсон ўз ҳаётини фаол ҳаракатланиш режимига сола олса, кун тартибини онгли белгилай олса, овқатланиш, меҳнат қилиш ёки дам олиш тартибларини тўғри ташкил эта олса, гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда зарарли одатлардан ўзини тия билса,

атроф-мухитга эҳтиётлик ва саришталик билан қараб, оилада ва ёнидаги кўни-кўшни, яқин қариндошлар билан тинч-тотув яшашга имкон берувчи муомала маданиятига эга бўлса ва соғлом фарзанднинг туғилишига энг аввало ўзи масъул эканлигини тушунса, унда соғлом турмуш тарзи ҳақида тасаввурлар мавжуд, дейиш мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёда саломатлик ва соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Масалан, америкалик олимлар бу нарсага панжа ортидан қараш нимага олиб келади, деган саволга кўпроқ уларни агрессив хулқ-атвор билан боғламоқдалар. Яъни одам урушқоқ, салга тажанг бўладиган, сабрсиз бўлиб қолади. Бу нарса охир оқибат гиёҳвандикка берилиш, ичкиликка ружу қўйиш, оилада эр-хотин ўртасида носоғлом муносабатларнинг келиб чиқиши, аёлга нисбатан зуғумнинг ортиши, спортга нисбатан бефарқлик, шахслараро зиддиятларни келтириб чиқаради.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази олимлари 2000 йилларнинг бошида Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқ оилалари аъзоларининг соғлом турмуш тарзи борасидаги саводхонлигини махсус тадқиқот доирасида ўрганди. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 600 дан зиёд хотин-қизлар билан суҳбат ва сўровлар ўтказилди. Сўралувчиларнинг аксарияти туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, уларнинг фикрларини умумлаштириб таҳлил қилинганда, оилали аёлларнинг 21%и ва эркакларнинг 9,9% сурункали касалликларга чалинган экан. Сўралувчилардан 53,3%и фақат касал бўлгандагина врачга мурожаат қилади, қолганлари вақти-вақти билан мурожаат қилувчилардир. Демак, кўпчилик бетоб бўлиб қолганлагина врачга мурожаат қилади, ҳаттоки, касал ўтиб кетгандан кейин вақт топадиганлар ҳам кам эмас. Демак, соғлом турмуш тарзига алоқадор тиббий маданиятимиз борасида ўйлашга арзийдиган муаммо бор.

Шу боис ҳам соғлом турмуш тарзи категорияси кўпроқ ижтимоий категория бўлгани Марказ олимлари сўралувчиларнинг тиббий-гигиеник маълумоти даражасини ўргандилар. Масалан, “Ўз фарзандларингиз билан тиббий-гигиеник мавзуда суҳбатлашиб турасизми?” деган саволга барча сўрлувчиларнинг 62,6% ижобий жавоб берган бўлсалар, умуман гаплашмайдиганлар 19,8%ни ташкил этди. Бу ўйлантирадиган ҳолат, албатта. Лекин тиббий билимнинг заруратини англайдиганлар қишлоқ аҳолиси ўртасида ортиб бормоқда. Масалан, сўраганларимизнинг 82% “Ҳар бир киши тиббий

билимга эга бўлиши керак” деб хисоблайди. Шуниси эътиборга моликки, ўрганилган гуруҳдагиларнинг 87,7 фоизда биринчи фарзандлари қолган кейингиларига нисбатан кўпроқ хасталанган. Демак, ёш она боласини парвариш этиш малакасига, тажрибасига эга бўлмаганидан тез-тез касал қилиб қўяди. Айнан ўшалар тиббий саводхонликка мухтождир.

Албатта, соғлом турмуш тарзи тушунчаси ҳар инсонда ўзига хос тарзда шаклланар экан. Респондентларга “Соғлом турмуш тарзини қандай тушунасиз?” деб савол билан мурожаат қилинганда, кўпчилик, яъни сўралганларнинг салкам 41%и уни “атроф-муҳит тозалиги” билан, 37,3% и “тўғри, рацион бўйича овқатланиш” билан, қолганлар – “ўз вақтида ухлаш”, “спорт билан шуғулланиш” (28,4%), “чекмаслик, ичмаслик” кабилар билан боғлашди.

Албатта, бу каби соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ тасавурлар шаклланади, керак бўлса, тарбияланади. Соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларни қаердан олиш мумкинлигини ўрганилганда, табиий, ОАВнинг ўрни ва роли катта эканлиги маълум бўлди. Айниқса, хотин-қизларнинг фикрича, телевидениенинг роли катта (72,6%), газеталар – иккинчи ўринда – 57,5%, журналлар – 46,3% ва радио – 31,2%. Демак, бу манбалардаги ахборот ва маълумотларнинг халқбоп, оммабоп бўлишига алоҳида эътибор бериш, маҳалла гузарларда радио эшиттиришлари ва даврий газета, журналларнинг вақтида берилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Демак, соғлом турмуш тарзи тўғрисида ҳар бир ёш авлодда шаклланидиган билимлар, тасавурлар ва уларнинг амалий турмуш таркибида онгли хатти-ҳаракатга айланиши кўплаб ижтимоий муаммоларни ечишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бугун халқ ўртасида амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, буни мафқуравий ва маънавий ишларнинг таркибий қисмига айлантириш лозим.

Мустақил юртимизда кенг қулоч ёзаётган болалар спортини ривожлантириш, оилавий спортни миллий менталитетимиз хусусиятларига мос тарзда ҳаётга жорий этиш, мустаҳкам оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимиз ислохотларимиз стратегиясига мос бўлиб, юртимизда тинчлик, тотувлик ҳамда ривожланишга, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигига хисса бўлади. Бунда мамлакатимизда амалга ошириляётган қатор хайрли тадбирлар, жумладан никоҳолди тиббий кўрикдан келин ва куёвларни ўтказиш амалиёти ўзининг жуда катта

ижобий самарасини бериши табиий.

5.3. Ёшларни никоҳолди тиббий кўриқдан утказиш ва никоҳнинг мустаҳкамлиги

Оила Кодексининг 17-моддасида ёш келин-куёвлар никоҳгача ихтиёрий тарзда тиббий кўриқдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Бу модда киритилишининг моҳияти шундаки, имонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила куриш, унинг мустаҳкам пойдеворда бўлишига қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса ёки ота-она бўлиш масъулияти кучли бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғ-саломат катта қилиб вояга етказиш, тўғри тарбия бериш шунчалик масъулиятли ва мажбурий ишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит ва қиз ёки уларнинг ота-оналари янги оила куриш ишини савоб ва масъулиятли деб англасалар, никоҳга кирувчиларнинг пушти ва насли нуқтаи назаридан соғ-саломатлигига ишонч ҳосил қилиш шунчалик зурурдир. Тиббий кўриқдан ўтган ҳар икки ёш энг аввало ўз виждони олдида тоза бўлиши масаланинг бир томони бўлса, ҳали оилани курмай туриб, унинг саломатлиги ҳақида қайғураётганлиги улардаги ана шу никоҳдай муқаддас нарсага бўлган жиддий ва масъулиятли муносабатининг намоён бўлишидир. Айниқса, бугунги бозор муносабатлари шароитида оила ҳар бир аъзосининг соғлом бўлиши, янги туғилган фарзанднинг соғ ва саломат катта бўлиши қанчалик муҳим иқтисодий ҳамда маънавий масала эканлигини бугун ҳамма тушуниб қолди.

Жамиятда соғлом оилалар сонини ошириш мақсадида қабул қилинган қарорлардан бири бу – “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низомдир. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилган 365 сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу Низомга кўра, барча барча фуқаролар никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишлари зарур. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешта асосий хасталик – сил, тери-таносил, гиёҳвандлик, ОИТС, руҳий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу бешта касаллик бевосита наслга таъсир қилади.

Кузатишлар ва амалиёт шуни тасдиқламоқдаки, никоҳолди тиббий кўриқдан онгли равишда ўтиш, саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга, оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, болалар

спортни, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом яшаш тарзи кўникмаларини шакллантириш миллатни жисплаштирувчи, наслини покловчи, давлатни кучли қилувчи омил сифатида баҳоланмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар юртдошларимизда “саломатлик” қадриятига муносабатлари ижобий томонга ўзгараётганлигини исботламоқда. Хусусан, Республика “Оила” илмий-амалий ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” Марказларининг тадқиқот натижаларига эътибор берадиган бўлсак, агар 2003 йилда аҳолининг фақат 42,7 фоизигина никоҳолди тиббий кўриқдан ўтишга онгли муносабатни ифода этган бўлса, 2005 йилда бундай ижобий кўрсаткич 84,4 фоизни ташкил этди. Охириги йилларда бу борада янада сезиларли ижобий ўзгаришларнинг сабаби ҳам энг аввало ёш онанинг, келинчакнинг саломатлигини муҳофаза қилиш истаги етакчи омил бўлаётганлигидир.

Олимларнинг кузатишлари ва тадқиқотлар юртдошларимизда, айниқса, ёш келин-куёвларда хасталикларни олдини олиш ёки бемор бўлиб қолганда дори-дармонларни истеъмол қилишга муносабати кескин ўзгариб бораётганлигини кўрсатмоқда. Юртдошларимиз бунда энг аввало профилактик тиббиёт, яъни хасталикни олдини олиш учун соғлом турмуш тарзи қонун-қоидаларига риоя этиш, бунда соғлом фикр ва руҳий қувватдан фойдаланиш, бўлган-бўлмаган дориларни истеъмол қилавермаслик кўникмаларини эгаллаб бораётганлиги тасдиқлади. Бу ҳам маълум маънода мамлакатимизда “Соғлом она – соғлом бола” ижтимоий ҳаракатининг, самарали тарғибот-ташвиқот ишларининг натижасидир. Қишлоқ хуудларидида аҳолининг тоза ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шарт-шароитларини яратиш, хусусан, ота-боболаримиздан қолган ҳар бир маҳаллада шарқона ювиниш масканлари бўлмиш ҳаммомлар қурилишига эътиборнинг ортаётганлиги ҳам юртдошларимиз психологиясининг муҳим ўзгаришларидандир.

Охириги йилларда оммавий спортга, оилавий ҳамда болалар, аёллар спортга эътибор янада кучайди. “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, “Универсиада”, “Умид ниҳоллари” мусобақалари, Республика аёллар спортакиадаси, бадий гимнастика бўйича халқаро беллашувлар ва бошқалар ўз кўлами ва халқчиллиги билан халқ эътирофини қозонди. Ушбу саъйи ҳаракатлар давлатимизнинг бу борадаги стратегик режаларни муваффақиятли амалга оширишда халқ билан ҳамжиҳат эканлигини исботламоқда. Юртимиз аёллари ва болалар спорт билан фақат ўзининг жисмоний қувватини тиклаш ва

бўш вақтини мароқли ўтказиш учун эмас, балки у орқали соғлом турмуш тарзи кенг тарғибот қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, турли салбий таъсирлар ва зарарли одатлардан ҳалос бўлиш, кучли характери шакллантириш учун шуғулланаётганликлари ҳар қандай тахсинга лойиқдир.

Буларнинг барчаси стратегик мақсадимиз – миллий генофондни яхшилаш, баркамол ва соғлом авлод тарбияси борасида амалга ошираётган ишларни янада такомиллаштириш орқали ёш оилаларнинг барқарорлигига эришишдан иборатдир.

6-боб. Оилавий муносабатларнинг бузилиши: никоҳ ажримлари

6.1. Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари

Афсуски, барча оила ҳам ота-она ва улар дунёга келтирган фарзандлар билан тўлиқ бўлавермайди. Тақдир тақозоси билан айрим оилаларда низолар келиб чиқади ва унинг оқибати сифатида никоҳ барбод бўлади. Олимлар никоҳнинг барбод бўлишини ўрганиб, унинг сабаблари турлича бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўз назарий қарашларини баён этганлар. Масалан, айрим психологлар ажримларни “туртки” концепцияси орқали тушунтиришга уринадилар. Яъни яхши тинч-тотув яшаётган оилада бирдан шундай ҳолат юз берадики, масалан, хиёнат, ўлим, хасталик, рашк ва шунга ўхшаш воқеалар турки бўлдию, оила устун кулайди. Аслида ҳаётда кўкқисдан шундай бир силкиниш ёки туртки билан оила бирдан бузилиб кетиши кам учрайди.

Яна бир ҳолат олимлар фикрича, “орқага кетиш” деб номланади. Бу шундай ҳолатки, унга кўра, эр ва хотинни яхши, илик муносабатлар боғлаб турган, лекин айнан муҳаббат бирдан совиб, эр-хотин бир-бирини кўрса ғаши келадиган, гаплари ёкмайдиган, низокаш бўлиб қолади. Бундай воқеалар ҳаётда тез-тез учрайди. Сабаби – бирдан ёнган олов, яъни, муҳаббат, маълум вақт ўтгач ўчиши, сўниб қолиши мумкин.

Шу каби ҳолатлар ва ундан бошқа сабаблар туфайли оила ажримларининг содир бўлиши барча замонлар ва даврларда ҳам кузатилган. Фақат никоҳнинг барбод бўлиши шакллари ва сабабларида ҳар бир даврда ўзига хос асослар бўлган дейиш мумкин. Масалан, Шарқ мамлакатларида қадимдан никоҳнинг барбод бўлиши энг кам учрайди, деб ҳисоблаб келинган. Чунки оила институтининг пойдевори мустаҳкам бўлишига аجدодларимиз қайғурганлар. Етти пуштини суриштириш, совчилик институти орқали бир-бирига мос келадиган ёшларнинг тақдирини боғлаш, ҳаттоки, узоқ қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, яъни, олдиндан бир-бирларини билган одамларнинг ўзаро келишуви, меҳр ва муҳаббат ришталари орқали оила қуриш ўзбекчиликка хос одатлар сифатида қадрланган ва таъкидлаб ўтилган никоҳ мотивларининг барчасида оқилона фикр

юритиш, ёшлар ва улар ота-оналарининг “етти ўлчаб бир кесиши” оиланинг мустаҳкам бўлиши учун замин ҳисобланган.

Никоҳ ажримларига келсак, бундай ҳолат Шарқ халқларида ҳам, бизда ҳам содир бўлган. Эски манбаларда никоҳ ажримига сабаб бўлган омиллар сифатида аввало, эр ёки хотинда тўйдан кейин аниқланган наслий хасталиклар, кўп ҳолатларда эркак кишининг, айрим ҳолатларда аёлнинг бошқа инсон билан “тил” топишиб кетиши, бообрў ва мансабдор шахснинг келинчакни ёктириб қолиши ва зўрлик билан эски оилани бузишга мажбур қилишлар, фарзандсизлик, аёлнинг бепуштлиги сабаб эркакнинг хотинни талок қилиши, иқтисодий ночор ёш оиланинг ўз рўзгорини юрита олмаганлигидан аёлнинг бошқа одамга турмушга чиқишга мажбур бўлиб қолиши каби сабаблар қайд этилган. Мухими шундаки, никоҳнинг барбод бўлишидаги ташаббус асосан эркак кишининг кўлида бўлган. Агар у хоҳласагина никоҳ барбод бўлган. Агар мабодо аёл ташаббус кўрсатса, у қаттиқ жазоланган, жамоатчилик уни қоралаган, ҳаттоки, тош бўрон қилинганлиги тўғрисида қадимги тарихдан, эски кинофильмлардан маълум.]

Бошқа халқларда ҳам ўзига хос анъаналар мавжуд бўлган. Масалан, қадимги Хитойда никоҳ ажримига олиб келадиган сабабларга эрнинг ота-онаси раъйига қарамаслик, уларга келиннинг гап қайтариши, бетга чопарлик, бепуштлик, маҳмадоналик, бедаво хасталик, рашк кабилар кирган. Лекин юқоридаги ҳолатлар бўлса-ю, аёл эрининг ота-онасига аза тутаётган бўлса ёки у чин етим бўлса, эри уни барибир уйдан ҳайдаб юбора олмаган.

Қадимги Грецияда эса никоҳ ажримини содир этиш анча енгил бўлган. Эр гувоҳлар олдида хотинига у билан ортиқ яшай олмаслигини, никоҳи бузилганлигини айтган, аёл барча сеп-суриқларини йиғиштириб, ўз ота-онасининг оиласига қайтиб кетаверган. Сарпо суриқлар, аёлга тегишли барча нарсаларнинг унга берилиши мажбур ҳисобланган, ҳаттоки, ажримнинг сабаби аёлнинг хиёнати бўлган. тақдирда ҳам мол-мулк, зийнатлар аёлга берилаверган. Лекин аёл эри билан яшашни хоҳламай қолган ҳолатларда унинг ажрим олиши мушкулроқ бўлган, бундай пайтларда хотин шаҳар ҳокимига ёзма равишда расмий мурожаат қилиши, ва улар қарор қабул қилиши лозим бўлган. Бундай ҳолларда ким айбдор деб топилишидан қатъий назар, болалар отаси билан қолдирилган.

Римликларда ҳам ажримлар илгаридан одатий ҳолдай қаралган. Тарихдан маълумки, шоир Овидий ва тарихчи Плиний уч марта

уйланганлар, Юлий Цезарь ва Антоний эса тўрттадан хотинга эга бўлганлар. Бу каби тарихий ходисалар манбаларда, тарихий фильмларда яхши акс эттирилган.

Қадимги Ҳиндистонда эса никоҳ оддийгина фуқаролар иттифоқи эмас, илоҳий иттифоқ сифатида қаралиб, никоҳ ришталарининг бузилиши ниҳоятда ғайритабиий ҳолат деб баҳоланган. Никоҳнинг бузилиши фақат эр ташаббуси ва аёлнинг катта гуноҳи туфайли рўй бериши мумкин бўлган. Эрамизгача бўлган икки мингликлардан қолган манбаларда кўрсатилишича, “сақкиз йил мобайнида бола туғмаган аёл бошқасига алмаштирилиши мумкин, ўлик бола туккан – ўнинчи йили, фақат киз болаларни туғадигани – ўн биринчи йили, урушқоқ, беадаби эса ўша заҳоти эр томонидан кўйиб юборилиши мумкин” бўлган. Кейинчалик ҳиндлар ҳам ажримлар сиёсатини қайта кўриб чиқиб, энди никоҳ куйидаги ҳолатларда ҳам барбод бўлиши қайд этилган: агар аёл эрининг барча бойликларини исроф қилиш, ноўрин ишлатган бўлса, аборт йўли билан фарзандини йўқотган бўлса ва эрининг ҳаётига суиқасд қилган бўлса. Аёл эса фақат икки ҳолатда эридан ажрим талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган: эри бепушт бўлиб, ўз эрлик вазифасидан бажара олмай қолган бўлса ва содир этган гуноҳи учун уни қавмдан чиқариб юборилган бўлса.

Шунга ўхшаш никоҳнинг барбод бўлиши шакллари ҳам, унинг мотивлари ҳам турфа хил. Кўпгина халқларда ажримларнинг мотиви сифатида эр-хотин хиёлати қайд этилади. Шуниси характерлики, эркакларнинг хиёлатидан кўра аёлнинг хиёлати барча маданиятларда ҳам қаттиқроқ қораланади, чунки бунинг асосий сабаби – хиёнаткор аёл бошқа эркак билан учрашиб юриб, ундан ҳомиладор бўлиб қолиши ва никоҳсиз бегона боланинг туғилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Яъни бунда нафақат оиланинг балки янги туғилган боланинг манфаати жиддий зарар кўради, чунки бу болада кимнинг ҳақи борлиги, кимнинг мол-мулкига у ворис бўла олиши масаласи ўйлантиради.

Лекин эр-хотиннинг хиёлатига бефарқ қарайдиган халқлар ҳам Ер юзиде топилади. Масалан, Африкадаги динка қабиласида эр агар хотини унинг назарида нодонроқ бўлса ҳам, бемазароқ овқат пиширса ҳам у билан ажрашиб кетаверади. Эркакнинг бегона аёл билан “дон олишиб юриши” ҳеч кимни қизиқтирмайди, ҳаттоки, қонуний хотини ҳам бунга унчалик аҳамият бермайди. Шу каби Ассама оролида яшайдиган қабила ҳам ажрашишда бир-бирининг қуйи ёки юқори

табақадан эканлигига қараб қарор чиқаради. Масалан, агар аёл юқори табақа оила вакиласи бўлса, у никоҳни бекор қилиш ва бошқа эркак билан яшаб кетавериш ҳуқуқига эга бўлади.

Албатта, мусулмон халқларида оила қанчалик қадрланса, талок ёки ажралиш ҳолатлари шунчалик таҳқирланган. Шу нуқтаи назардан мусулмон оламида ўзига хос шарият қонунлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асрлар оша оила-никоҳ муносабатларини тартибга солишда муҳим омил бўлган. Куръони-Каримнинг қатор сураларида, жумладан, унинг “Бақара” сурасида эр ва хотиннинг ўзаро инсоний ва мулкий муносабатлари, фарзандни дунёга келтириш ва уни вояга етказишда ота-оналик масъулияти ва бурчлари баён этилган. Унда “талок”нинг Аллоҳ томонидан буюрилган, лекин унинг ўзига энг номаъқул бўлган амалдан эканлиги таъкидланган. Демак, мусулмончиликда оиланинг бузилиши “куш инининг бузилиши” каби ёмон, нохуш оқибатларни келтириб чиқарувчи омил сифатида қаралади. Мусулмон қоидаларига кўра аёлнинг никоҳ ажримининг ташаббускори бўлишлик қораланади, лекин вазият талаб қилганда аёл ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмаган ҳолад эрининг уйдан кетиши мумкин. Эркак эса агар билмай “Талок” сўзини ишлатиб қўйган бўлса, ўз аёлига қайта учиничи мартагача уйланиши мумкин, лекин уч мартадан кейин унинг яна уйланиши қатъият ман этилади. Табиий, ҳозирги шароитда ҳуқуқий давлат куриш шароитида бундай шаръий қоидаларга эмас, амалдаги қонунларга кўра ажрим ҳолатларини мувофиқлаштирилади. Унинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Оила Кодекси”нинг “Никоҳнинг тугатилиши” деб номланган 7 бобнинг 37-48 моддалри ҳамда “Никоҳдан ажралишни қайд этиш” деб номланган 26 бобнинг 218-222 моддалари билан тартибга солинган.

Россияда ўтказилган охириги тадқиқотларда¹ никоҳ ажримларининг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар қайд этилмоқда (турли ёшли сўралувчиларнинг жами сонига нисбатан фоиз ҳисобида):

моддий, маиший муаммолар – 55;

эр ёки хотиннинг ичкиликка ружу қўйиши – 39;

ёшлар учун оилавий кадрятларнинг пастлаб кетиши – 27;

эр-хотин ҳиёнати – 19;

психологик мос келмаслик – 17;

оилавий ҳаётнинг мазмунсизлиги – 12;

¹Иванова Л.В. Ваша свадьба. – Смоленск: Русич, 1999. – С. 78-84.

бошқа бировни севиб қолиш – 11;

фарзандларнинг йўқлиги – 7;

бошқа сабаблар – 2;

жавоб беришга қийналганлар – 6.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан никоҳ ажримларининг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолатларда бу биринчи ўринда эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл-атворнинг бир-бирига мос келмасликлари, рашк, хиёнат, келин билан қайнона ва бошқа яқин қариндошларнинг чиқишмасликлари, эркакнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкиликка, гиёҳванд моддаларга ва шу каби), моддий қийинчиликлар (асосан эрнинг ишламаслиги, мустақил оилани бошқара олмаслиги), қудаларнинг тўйдан кейин ўзаро келишмай қолишлари, эрнинг дараксиз кетиб қолиши кабилар қайд этилади. Пойтахт бўйича ажримлар сабаблари ўрганилганда, иктисодий қийинчиликлар туфайли оиланинг бузилиши энг охириги ўринда қайд этилади, чунки аксарият ўзига тўқ, бой-бадавлат оилаларда ёшлар асосан уч сабаб туфайли ажришиб кетмоқда: рашк ва хиёнат, келин-қайнона муносабатларидаги келишмовчилик ва турмуш шароитидаги ноқулайликлар. Умуман олганда, никоҳ ажримларининг бош омили ёшларни маънавий жиҳатдан турмуш қуришга тайёр эмасликларидир.

6.2. Оилавий зиддиятларнинг эр-хотин ва фарзандлар тақдирига таъсири

Амалда эр ва хотин ажралишга аҳд қилганда, улар ўртасида фарзанд бўлмаса, ФХДЁ идораларига мурожаат қиладилар ва уларнинг никоҳи бекор қилинади. Агар ўртада фарзанд бўлса, бу ишни судлар ҳал қилади, лекин аксарият ҳолатларда ўз-ўзини бошқариш органи бўлмиш маҳалла ва ундаги яраштириш комиссиясининг аъзолари бўлмиш фаоллар бунга аралашадилар, арзимаган сабаб билан ажримгача бораётган ёшларга жамоатчилик монелик кўрсатади. Чунки миллий менталитетда фарзандни тирик етим қилиб қўйиш катта гуноҳ ҳисобланади, шунинг учун азалдан урф бўлган тамойил борки, ёш оиланинг кейинги тақдирига катталар аралашади ва оилавий нисонинг сабаблари ўрганилгач, бир қарорга келинади. Агар оилавий низо ёшларнинг, биринчи навбатда аёлнинг ва фарзандларнинг саломатлиги, тинчлиги ва биргаликда яшашларига жиддий хавф солган ҳолларда (хиёнат туфайли бир-бирини

кечиролмаслик, эрнинг тинимсиз алкоголь истеъмол қилиши туфайли аёлни мунтазам қийнаши, маиший зўравонлик, оила бюджетига эркак улушининг кўшилмаслиги каби) жамоатчилик аёлнинг ҳақ-хуқукларини ҳимоя қилади ва маҳалланинг ўзи аёл, унинг фарзандлари тақдирини белгилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бу ишга аралашади. Жойлардаги хотин-қизлар фаоллари охириги йилларда айнан шу масалаларда ўз-ўзини бошқарув органларининг одилона фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Маҳалладаги яраштириш комиссияларининг аъзолари билан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлдики, улар аксарият ҳолатларда айнан аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади, лекин аёлнинг айби ва унинг оилавий юмушларга тайёр эмаслиги, эри ва қариндошлар билан тўғри муносабатларни ўрнатишга нўноқлиги туфайли оила ажрим арафасида бўлган шароитда маҳалла маслаҳатчилари келин билан маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширади. Масалан, Самарқанд вилояти бўйича маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 2006 йилнинг 10 ойи мобайнида жами 20711 та никоҳ қайд қилинган, судлар орқали 59 та ва ФХДЁ идоралари бўйича 148 та никоҳ ажримлари қайд этилган. Жами яраштирилган оилалар сони 23 та ташкил этган бўлса, 2005 йил мобайнида Самарқанд шаҳри бўйича судга ажралиш ҳақида даъво аризаси берганлар сони 885 ни ташкил этган, катталарнинг ва маҳалланинг аралашуви билан 162 та оила сақлаб қолинган, барчасида аёллар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган.

ФХДЁ органларидан олинган рақамлардан маълум бўлмоқдаки, охириги йилларда ФХДЁ органлари орқали содир бўлаётган ажримлар сони ортмоқда, бунинг асосий сабаби – эр ёки хотиннинг, ёки иккаласининг бепуштлигидир. Миллий менталитет нуктаи назардан қаралганда, 1-2 йил ичида ўртада фарзанднинг бўлмаслиги, минг афсуски, ёш оиланинг бузилишига сабаб бўлмоқда, бунда оиланинг катталари кўпроқ салбий роль ўйнайди, яъни бу борада сабрли муносабат ҳали шаклланмаган.

Ўзбекистонда никоҳ ажримларининг имкон даражасида кам бўлиши йўлида олиб борилаётган ишлар ўзининг натижаларини бермоқда. Йил сайин судлар орқали никоҳ ажримлари сонининг камайиб бораётганлиги фикримз далилидир. Қуйидаги жадвалда охириги йилларда никоҳ ва ажримлар коэффициентлари келтирилган.

Рақамлардан кўриниб турибдики, 1000та қайд этилган никоҳга нисбатан олинганда, 1989 йилга нисбатан (14,6) 2006 йилда ажралишларнинг миқдори камайган ва 10,8 ни, 1000 нафар аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаганда ҳам 2006 йилда салкам 0,6 промиллини ташкил этди. Бу МХД орасидаги энг ижобий кўрсаткичдир. Лекин абсолют миқдорда ҳисоблаганда, расмий никоҳлар сонининг охириги 5 йил мобайнида ўсиб бораётганлигини, никоҳдан ажралганликнинг абсолют миқдори эса, аксинча, камайиб бораётганлигини (2004 йилда 17393 тани, 2005 йилда 16392 нафарни, 2006 йилда – салкам 15000 таъкидлаш мумкин.¹

Ўзбекистонда расман қайд этилаётган никоҳ ва ажрим ҳолатлари

6.1-жадвал

Йиллар	Никоҳ		Ажрим коэффиценти	
	умумий сони	коэффиценти	1000 кишига нисбатан	1000 та никоҳ сонига нисбатан
1989	15000	8,2	1,5	14,6
2002	165385	6,8	0,6	9,2
2004	155936	6,0	0,7	10,1
2005	183991	7,0	0,6	11,0
2006	208423	8,1	0,58	10,8

Оилалар миқдорининг ортиб бориши охириги йилларда асосан ёш оилалар ва нуклеар типли, яъни эр-хотин ва уларнинг фарзандлари алоҳида яшайдиган оилалар ҳисобига содир бўлмоқда. Мавжуд оилаларнинг салкам 50 фоизи – бу нуклеар оилалар, бир хонадонда бир неча алоҳида оилалар истиқомат қиладиган патриархал оилалар жами оилаларнинг салкам 23,5 фоизини ташкил этади. Нуклеар, ёш оилаларнинг аксарияти 9 йилдан кам бўлган турмуш тажрибасига эга бўлганлар бўлиб, содир бўлаётган никоҳнинг барбод бўлиши ҳолатлари айнан шу каби оилаларга тўғри келмоқда. Яъни илмий изланишлардан олинган маълумотларга кўра, 70 фоиздан ортиқ никоҳ ажримлари ёш оиллага тўғри келади.

¹Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотлари.

Нотўлик оила – ёлғиз онахон ёки отахонлар, эр ёки хотиннинг ўлими туфайли нотўлик бўлган оилалар, ёки ажрим туфайли пайдо бўладиган оила типидир. Афсуски, охирги сабаб бўйича нотўлик бўлган оилалар бошқа тоифага нисбатан кўп. Ажрим бўлган оилаларнинг салкам 1% дагина болалар отанинг кўлида қолади. Қолган ҳолатларда вояга етмаган болалар оналари билан қолади. Бу оналарнинг ўртача ёши 23-24 ёшни ташкил этади, уларнинг кўлида қолган болаларнинг ўртача сони 2,5 нафардир. Ёлғиз фарзанд тарбиялаётган ёш аёлларнинг маълумотлилиги ўрганилганда, уларнинг аксарияти ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли эканлиги эътироф этилган (20,5%). Ёш турмуш кураётган қизларимизнинг 12,3%и 15-19 ёш оралиғида она бўлишади. 15-16 ёшда она бўлиш ҳолатлари ҳам хануз мавжуд бўлиб, 2006 йилда улар сони 95 нафарни ёки жами туққанларнинг 0,01%ини ташкил этди (2005 йилда 117 нафар эди, ёки 0,02%), 17-19 ёшда она бўлган аёллар сони 19419 нафар бўлиб, бу жами туққанларнинг 3,6 фоизини (2005 йилда мос равишда 19147 ёки 3,7%) ташкил этди. Уларнинг ҳар 10 тасидан биттаси (10,6%) талаба қизлардир.

Психологик адабиётларда ажримларнинг табиатом, бу жараёнга оид қонуниятлар илмий нухтаи назардан берилади. Масалан, С.Краховтил ажрим жараёнининг куйидаги босқичларини ажратади:

1. Бош кўтариш босқичи: хўрланган ва норози аёл ўз фаоллигини ошириб, ажрим содир бўлмаслигининг олдини олиб учун муайян сайъи-ҳаракатларга киришади. Лекин барча ишларни хавотирлик ва ҳаяжон билан амалга оширгани сабабли, кўп хатоларга йўл қўяди ва номаъқул ишлар ҳам қилиб қўйиши мумкин;

2. Тушқунликка тушган босқичи: ажралишни хоҳламаган томон вазиятни бошқара олмаганлигини тан олиб, тушқунлик, депрессия ҳолатига тушади, ва энди ўзини ҳам айблай бошлайди;

3. Бўйинга олиш босқичи: ажралишни хоҳламаган томон энди мавжуд ҳолат билан келишиб, бундай никоҳнинг бўлганидан бўлмагани маъқуллиги фикрига келади.

Албатта, шуни таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда иккала томон онгли равишда, ўзаро келишиб, бир-бирларига тана-дашном бермайдилар ва бундай ажримлар юқорида кўрсатилган босқичларсиз содир бўлади. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти куриляётган давлатларда ажримлар масаласига ҳам демократик тарзда қаралади, яъни бу икки томоннинг ёки бирининг манфаатига мос келиши инобатга олиниб, ажрим содир этилади, лекин бундай

қолатларда, айниқса, ёш боласи билан қолган она ижтимоий-психологик ёрдамга, жамият томонидан кўрсатиладиган мададга муҳтож бўлади.

6.3. Инкирозли оилани ижтимоий-психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам кўрсатиш

Инкирозли оила ёки мушкул аҳволга тушиб қолган оналар, уларнинг фарзандлари билан психологик-педагогик ёрдам ишларини ташкил этиш асосан қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- диагностика;
- коррекцион;
- профилактик;
- маърифий.

Инкирозли оила билан ишлаш аввало шундай ҳолатга тушиб қолган оилаларнинг талаб-таклифлари асосида ёки у ёки бу ҳудуддаги оилаларнинг аҳволини ўрганиш натижаларига кўра амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон шароитида жами оилаларнинг салмоқли қисми ёш оилалар тоифасига кириши, уларда муайян муаммоларнинг, ижтимоий ҳамда психологик муҳофазага эҳтиёжни сезитиши табиий бўлгани учун ҳам бундай хизмат шаҳобчалари бир томондан, талаб ва таклиф асосида ташкил этилади, иккинчи томондан, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан оилани муҳофаза қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ёрдам бериш ўз-ўзини бошқариш органлари, “Оила” марказлари, ёшларнинг “Қамолот” ижтимоий ҳаракатига юкланганлиги учун тавсия ва кўрсатмалар асосида ҳам ташкил этилади. Қандай шаклда бўлмасин, бундай марказлар ёки хизмат турларига турли инкирозли шароитни бошдан кечирган оилага ёрдам кўрсатиш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Жамоатчилик ташаббуви билан ташкил этилган шундай хизмат турларидан бири мамлакатимизнинг турли туман ва шаҳарлари марказларида ташкил этилган Ёшлар ижтимоий кўмак марказлари бўлиб, унинг қошида ташкил этилган “Ёш оилага ижтимоий ва психологик хизмат кўрсатиш” бўлимлари, ундаги “Ишонч телефонлари” оила аъзоларига маърифий, маънавий, ахборот, психологик хизматларни амалга оширади.

Ойлага ижтимоий-психологик хизмат марказлари кимнинг буюртмаси билан фаолият бошлагани, унинг фаолияти самарасини ким мониторинг қилишидан қатъий назар, у қуйидаги тоифа

инсонларга хизмат кўрасатади:

болалар;
ота-оналар;
яхлит оила.

Оилада тарбияланаётган болалар муаммолари билан шуғулланадиган ижтимоий-психологик хизмат марказлари асосан улар билан диагностик ва психокоррекцион йўналишларда иш олиб боради.

Диагностик йўналишдаги ишлар ўз ичига қуйидаги вазифаларни қамраб олади:

1.Бола психик тараққиётида содир бўлаётган муаммолар, чекинишлар ва уларнинг асл сабабларини диагностика усуллари ёрдамида аниқлаш;

2. Бола нормал тараққиёти жараёнида аниқланган муаммолари жиҳатлар ва уларни бартаарф этиш билан боғлиқ ишлар;

3.Бола психик тараққиётидаги патологиялар ва уларни қисман бўлса-да бартаарф этиш, келиб чиқиш сабабларини ота-онага билдириш ҳамда ҳамкорликда болага ёрдам бериш чораларини белгилаш.

Бола саломатлиги ва унинг хасталиқларини психик ҳаётга алоқадорлиги бевосита эканлигини аниқлаган психолог – маслаҳатчи ота-она билан биргаликда муаммонинг ечимини излайди ва бу билан оила муҳитини яхшилашга ҳисса қўшади.

Болалар ўртасида олиб бориладиган *профилактик ишлар* асосан аввалдан белгиланган режа бўйича амалга оширилади. Профилактиканинг мақсади – болада аномал ҳолатларнинг олдини олишдир. Албатта бунда ҳам психолог мутахассис психодиагностик воситалардан фойдаланди, лекин унинг вазифаси энг аввало болада рўй бериши мумкин бўлган патологик жараёнларнинг олдини олишдир. Чунки оилавий низолар, оилавий муносабатларнинг издан чиқиши шу оила муҳитида тарбияланаётган боланинг асаб тизимига, психологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Оиласида муаммо бўлган болалар ўртасида олиб бориладиган *коррекцион-тузатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар* ҳам диагностик амалиёт билан биргаликда амалга оширилади. Бунда диагностика орқали аниқланган хулқдан чекиниш ҳолатлари боланинг ёши, оилавий шароити, қизиқиш ва иқтидори инobatга олинган ҳолад малакали амалиётчи психолог томонидан амалга оширилади. Бунда бевосита бола онги ва фикрлаш тарзига таъсир

кўрсатилади, шунинг учун бундай тадбирлар мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўртасида ўтказилади.

Ота-оналар билан психологик-педагогик профилактика ишлари оилада эр ёки хотин томонидан бир-бирларига нисбатан ноўрин, бешавқат муносабатлар содир этилганда амалга оширилади. Шунинг учун амалиётчи психолог энг аввало эр-хотинларнинг қай бири кўпроқ айбдор ва қайси бирининг инсоний шаъни ва ҳуқуқлари паймол этилганини аниқлаши даркор. С.Ковалевнинг фикрича, низоқаш эр-хотинларнинг дастлабки мулоқотда психологга берган маълумотлари ҳар доим ҳам ҳаққоний, объектив бўлавермайди. Психолог хизматидан фойдаланишни истаган шахснинг ўзи муаммони аниқ нимада эканлигини баён этолмайди. Масалан, эридан нолиган хотин эрнинг қай даражада ноҳақлиги ёки нима сабабдан ундан кўнгли қолганлигини аниқ айтиб беролмайди. Айниқса, бундай ҳолатларда низоли вазиятни келтириб чиқарган “айбдор” бола бўлиб чиқса, иккала томон ҳам ўзича ҳақ ва уларнинг иккисини жанжаллаштишга туртки бўлган омил уларнинг фарзандини севиши бўлиб чиқади.

Рус олими В.В.Столин психологик хизмат марқазларига норозилик билан мурожаат қилган ота-оналарнинг шикоятлари мазмунини ўрганган ва уларни тоифаларга бўлган:

1. Боласидан ташвишланган ота-онанинг мурожаати. Аслида баъзи мурожаатлар ўринсиз бўлиб, ота-онанинг ортиқча жонсарақлиги, хавотирчанлиги туфайли келиб чиқади, улар ҳар эҳтимолга қарши болсини парваришлаш, тарбиялашга адашиб кетмасликдан кўрқиб психолог қабулига келади.

2. Шикоятли мурожаат ота-онанинг болага муносабатининг ўзидан келиб чиқади. Чунки аслида бола ота-она ишора қилаётган ташвишлардан, нуқсонлардан холи бўлди. Масалан, онанинг фикрича, боласи уни ёқтирмайди, унинг айтганларини қилмаяпти, аслида унинг ўзи болага етарли ва ўринли меҳр беролмайди.

3. Шикоят қисман ёки мутлоқ асосли, чунки болада ҳақиқатан ҳам ота-онага, яқинларига, яхши кўрган нарсаларига нисбатан нотўғри муносабат шакллана бошлаган ёки анчадан буён намоён бўлмоқда. Бу нуқсонлар асосан ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларга алоқадорлиги психолог аниқлайди.

4. Бола хулқидаги оғишлар ва уларга боҳлиқ хатти-ҳаракатлар ота-онани жиддий ташвишга солади. Лекин бундай ҳолат умуман оилавий ўзаро муносабатларнинг дарз кетганлигини оқибати бўлиши

мумкин. Бу одатда боланинг ота-онаси билан нормал муносабатда эканлигини кўрсатади, лекин хулқдаги номувофиқликлар боланинг ўқиши, интизоми, мактабдаги бурчларини тўла бажармаётганлиги билан боғланади.

5. Боланинг ота-онаси билан муносабати ёмонлигининг сабаби – асосан катталарнинг болага нисбатан адолатсизлиги оқибати ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳақиқатан ҳам боланинг психологиясида жиддий ўзгаришлар ва муаммолар бўлади ва ота-онанинг шикоятли жиддий психологик тузатиш ишларини тақозо этади.

Юқоридаги каби шикоятлар ортиб борган сари охириги йилларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини тўғри тарбиялашлари, ўзаро муносабатларини тўғри маромда ташкил этишлари борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири “Ота-оналикнинг самарадорлиги тренинги” бўлиб, у рус олими *А. Аладьин* томонидан таклиф этилган. Бу тренинг ота-оналарда оилавий муносабатларда ўзини қандай тутиш, фарзандлар билан муносабатда қўлланиладиган энг самарали усуллар борасидаги билим, кўникма ва малакаларини оширишга йўлантирилган.

Ўзбекистон шароитида ҳам энди кенг қўлам ёзаётган хусусий ва давлат муассасалари таклиф этаётган “Оила сабоклари”, “Ижтимоий психологик тренинглари” айнан эр-хотинларни ота-оналикка ва ўзаро муносабатларнинг турли жиҳатларига қаратилгандир. Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан маҳаллаларда ташкил этилаётган “Ота-оналар университетлари”нинг асосий мақсади ва йўналиши ҳам айнан шу каби муаммоларни жойида, оила муҳитида ечишга катталарни ва ёшларни ўргатиш, уларда сохлом муносабатлар психологиясини шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

7-боб. Ота-она – бола муносабатлари психологияси

7.1. “Ота-она – бола” муносабатлари тизими

Оила ва никоҳнинг пайдо бўлишига сабабчи омиллардан бири, айниқса, бизнинг шароитимизда, фарзанд туғилишидир. Фарзандсиз эр-хотин алоқаларини, умуман оилавий муносабатларини тасаввур қилиш мушкул. Илмий манбалар тарихан инсоният ота-она ва фарзандлар муносабатлари ўзига хос босқичлар ва ривожланиш қонуниятларини бошидан кечирганлигидан гувоҳлик беради! Башар тарихи шундан далолат берадики, замонлар оша ота-онанинг болага нисбатан хусусий мулкдай қараб, унинг устидан ҳукмронлик қилиши борган сари фарзанд эҳтиёжлари билан ҳисоблашиш, унинг барча истакларини бажо келтириб, унга чексиз ғамхўрлик кўрсатишгача бўлган муносабатларга айланган. Ота-она – бола муносабатларини агар тарихий даврларга бўладиган бўлсак, ота-онанинг болага ёндошув усуллари бўйича қатор босқичларни бошдан кечирганлигини кўриш мумкин.

Олимларнинг тавсифлашича, антик даврларда эркак ва аёл алоқалари оқибатида фарзанд туғилса, унга деярли бефарқ қараш, яъни, инфантицид муносабат қузатилган, бундай муносабат моҳиятан шафқатсизликка асосланган бўлиб, болани дунёга келтирганлар учун унинг насл-насаби, тақдири унчалик аҳамиятли бўлмаган. Янги асрга келиб, бу муносабатлар тубдан ўзгарган, одам зотида эгоизм, ўзига тегишли нарсага нисбатан эгалик ҳиссининг такомиллашиб бориши ўзидан бўлган зурриёдга нисбатан муносабатларда ҳам ўз аксини топган.

Мулкчилик шаклларининг ўзгариши, турмуш тарзи қадриятларига монанд катталарнинг болага нисбатан ҳис-кечинмалари ҳам ўзгариб борган. Масалан, XIX асрнинг бошлари XX асрларнинг ўрталарига келиб, ота-оналар фарзандларининг жамиятда тутажақ ўринлари, уларнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор бера бошлаганлар. Кейинги даврлар эса катталарнинг кичиклар тақдирига бефарқ эмаслиги, уларни қўллаб-қувватлаш, ривожланишига кўмаклашишнинг аҳамиятини англаш даври бўлган. Бу анъана деярли бизнинг давримизда ҳам давом этиб келмоқдаки, эндиликда туғилган болага эътибор оиланинг барча қадриятларидан

устун ҳам келади. Лекин бундай ғамхўрлик психологияси ҳам маданий-тарихий ўзига хосликка эга. Масалан, айрим халқлар (аксарият Европа халқлари) болага у кичиклигида жуда катта меҳр ва ғамхўрлик кўрсатади, тахминан ўсмирлик давридан бошлаб, унинг эркинлиги тан олинади ва ота-она томонидан бериладиган тарбия услублари ўзгартирилиб, унга катталарча муносабатлар барқарорлашади. Бошқа бир маданий-этник ҳудудларда, аксинча, фарзанд балоғатга етгани сари ота-онанинг унга эътибори кучаяди. Масалан, Осие халқлари, хусусан, ўзбекларда ҳам оила катталиги ва серфарзандлиги боис, болаларнинг кичик ёшдаги ривожланиш хусусиятларига табиий ҳолатдай қараб, жуда катта қайғуриш билан унинг маънавий, руҳий ривожланишига эътибор қаратилмайди. Лекин қиз бола балоғатга етиб, кўркамлашиб боргани сари, ўғил боланинг кўлидан иш келиб, қаторга кўшилгани сари, ота-онада улардан ғурурланиш, тақдирига куюниш, ғамхўрлик кўрсатиш ҳам ортиб боради. Бундай ғамхўрлик шу қадарки, уйланган ўғилнинг қадам босишларини ҳам ҳамон ота-она назорат қилаверади, бу баъзан, қайнона-келин муносабатларида, ёки ота-ўғил муносабатларида тарангликларни, низоларни келтириб чиқаради.

Юқорида қайд этилган даврларда табиий, ота-она фарзандларини туғиш, тарбия қилиш ва жамиятга тайёрлашда ўзига хос методларни қўллаган. Бошида ўзидан ажратишни, ҳаётга тайёрлашни ҳам билмаган ота-она бора-бора болани жамиятда ижтимоийлашувига аҳамият берадиган, шу жараёнга ёрдам берадиган бўлиб борган, ота-онадаги эгоизм болалардагига айланиб борганки, ҳозирги даврда кўпгина ота-оналар фарзандларининг фақат ўзини ўйлаши, ота-онани тушунамаслигидан нолийдиган ҳам бўлиб қолган. Лекин аслида тарихий ривожланиш тенденцияларига эътибор берилса, бунга фақат ота-оналарнинг ўзлари айбдордирлар.

7.2. Репродуктив хулқ психологияси

Оилада фарзанд туғилиши, унинг сони ва тарбия бериш имкониятлари масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлган. Лекин айрим Ғарб давлатларида, жумладан, Россияда оилада бола сонининг кескин камайиб кетиши муносабати билан эр-хотиннинг репродуктив ҳуқуқи, маданияти ва хулқи масаласи айни даврда ўта долзарб масаладир. Рус олими *С.П.Капицанинг* (1999) пессимистик баҳоратига кўра, Россияда 1995–2025 йиллар оралиғида

туғилишнинг камайиши 2 млн.дан (оптимистик башорат) 32 млн.гача тушиб (пессимистик башорат) кетади, бу рақамга 1995 йилги 147,9 млн. аҳоли сони асос қилиб олинган. Шунинг учун жаҳон олимлари, Халқаро аҳолишунослик жамғармалари (жумладан, ЮНФПА, ЮНИСЕФ) оилада соғлом бола туғилиши сиёсати орқали Ер юзининг турли минтакаларида репродуктив хулқни мувофиқлаштириш масаласига алоҳида эътибор бериб, конкрет тадқиқотлар ўтказмоқда. Бундаги асосий муаммо – онанинг репродуктив хулқини бошқариш ва мувофиқлаштириш, унинг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом зурриёд туғилишини кафолатлашдир.

Репродуктив хулқ – бу оилада фарзанд туғилиши билан боғлиқ хулқдир. У оила аъзоларини ўз даврининг фуқароси сифатида ижтимоий келиб чиқиши, ёши, саломатлиги даражаси, маданиятига бевосита боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатидир. Бу ҳаракатларнинг асл мотиви аввало инсондаги ўзидан насл қолдириш, оилада эр-хотинлик бурчини адо этишга бўлган иштиёқ ва лаёқатга бориб тақалади. Россиялик аёллар ўртасида ўтказилган сўровларга кўра, улар хоҳлаган бола сони (2,8) реал болалар сонидан анча ортиқ. Шундан А.Антонов, айни даврда одамлар ўз репродуктив вазифаларини адо этмаяптилар, деб хулоса қилади. Кўпинча, репродуктив хулқнинг мотивлари одамнинг бошқа турдаги фаолият мотивлари таъсирида сўниб бормоқда, аввало бу ҳаракат оилада содир бўлса-да, у аёл кишининг шахсий ишидай тасаввур этилади ва аёлнинг бола туғиб бериш орқали ўзини намоён этиши, эрининг муносабатларини кескин ўзгартириш, унга таъсир (таъйик) кўрсатиш, устидан ҳукмрон бўлиш, кимнидир севиш ва унга ғамхўрлик қилиш эҳтиёжини қондиришга бориб тақалади. Қуйидаги 7.1-жадвалда А.Антонов ўтказган тадқиқотлар асосида репродуктив ота-оналик кўрсаткичлари келтирилган.

**Оилада эр-хотиннинг репродуктив кўрсаткичлари ҳақида
маълумот**

(А.И. Антонов тадқиқотлари бўйича)

7.1-жадвал

Репродуктив ота-оналик кўрсаткичлари	1935-1940 й.й.	1975-1979 й.й.	1995 йил
Репродуктив даврнинг давомийлиги	18,8	7,2	2,5
Никоҳга кирган аёлларнинг ўртача ёши	24,0	22,9	22,5
Никоҳга киргандан то бола туғилгунча бўлган давр	1,9	1,3	1,1
Биринчи фарзанд туғилган пайтда онанинг ўртача ёши	25,9	24,2	23,6
Фарзандлар туғилиши орасидаги давр	5,5	4,2	2,6
Охирги фарзандини туққанда онанинг ўртача ёши	44,7	31,4	26,1
Репродуктив даврнинг давомийлиги	20,7	6,7	3,6

Рақамлардан сўнгги 60 йилдан зиёд вақт оралиғида аёлларнинг эртароқ турмуш қуриши, репродуктив функцияларнинг ёмон бажарилиши, яъни ушбу даврнинг қисқариб бораётганлиги, оналик даврининг ҳам камлиги, эрта ёки ўта кеч она бўлиш ҳолатларининг кузатилаётганлиги аён бўлиб турибди. Демак, репродуктив хулқнинг асосий параметрларида жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Бу каби муаммолар Ўзбекистон учун ҳам хосдир. Лекин бизда хотин-қизларнинг репродуктив маданияти ва установакалари Европа мамлакатларидагидан фарқ қилади.

Мамлакатимиз аҳолисининг репродуктив установакаларини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, айти пайтдаги фарзандлар сони – реал бола сони сўралувчиларда шахар билан қишлоқда ўзига хосликка эга (7.2-жадвал). Масалан, 2002 йилда шахарлик респондентларнинг 34,9 фоизи 2 та фарзандга,

салкам 30 фоизи 3 та фарзандга эга бўлса, бу рақамлар 2004 йилда мос равишда 33,6 ва 25,2 ни ташкил этди.

Қишлоқ оиласидаги реал репродуктив установка 2002 йилда 37,7 фоизи 2 та, 24,0 фоизи 3 та, 19,2 фоизи 1 та болали бўлган бўлса, 2004 йилда 2 ва 3 нафар фарзандлилар камайган, негадир кўлболалилар ошган, бу рақамларни яна бир такрор текшириш керак. Чунки 2003 йилда Фарғона водийси, Самарқандда ўтказилган тадқиқотларида кўп болали оилалар сони кескин камайган.

“Нечта фарзандингиз бор?” саволига берилган жавоблар

7.2-жадвал

Фарзандлар сони	“Ижтимоий фикр”		“Оила”	
	шаҳар	қишлоқ	шаҳар	қишлоқ
1 та	16,4	9,8	17,4	19,2
2 та	33,6	20,6	34,9	37,7
3 та	25,2	21,2	29,4	24,0
4 та	12,7	27,9	10,2	16,2
5 ва ундан кўп	12,1	27,9	0	1,5

Идеал установкалар (7.3-жадвал) 2002 йилга нисбатан 2004 йилда 2 та фарзандли оила ҳисобига ўзгарган: масалан, “Ижтимоий фикр” маълумотларида ҳам 2002 йилги 31,6 фоиз, 2004 йилда 35,6%га кўтарилган. “Оила” марказининг маълумотларида ҳам 15,6 фоиз 26,5 фоизга ўзгарган. 4 нафар ва ундан ортиқ болали оилалар “Оила” маркази ҳисоботларида камайган: 42,4 дан 30,8 га, лекин “Ижтимоий фикр”да бироз ўсиш бор: 28,8 дан 30,8 гача ошган.

7.3-жадвал

“Сизнингча оилада нечта фарзанд бўлиши керак?” саволига олинган жавоблар (“Ижтимоий фикр” ва “Оила” маркази маълумотлари)

Йиллар	Ташкилотлар	1 та	2 та	3 та	4 ва ундан ортиқ	Бошқа жавоблар
2004	“Ижтимоий фикр”	2,7	35,6	27,5	24,4	4,9
	“Оила”	3,4	26,5	33,8	30,8	5,5
2002	“Ижтимоий фикр”	2,2	31,6	29,0	28,8	4,1
	“Оила”	0,7	15,6	33,2	42,4	8,1

Кўриб турганимиздек, репродуктив маданият ошгани сари реал ва идеал установакаларда ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мухими – юртдошларимиз бугунги кунга келиб, оилада фарзанднинг борлиги унинг мустақамлиги омили эканлигини чуқур англаган ҳолда, соғлом онадан туғилган соғлом бола унинг бахт-саодати эканлигини тўла англайдилар. Шу боис ҳам олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашиб бораётган ўрни уларнинг репродуктив хулқларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

7.3. Перинатал психология

Психология фанида ишлатиладиган “перинатал” тушунчаси билан тиббиётда ишлатиладиган тушунча ўртасида муайян фарқ бор. Тиббиётда перинатал давр ўз ичига ҳомиланинг она қорнидаги 28 ҳафталик тараққиёт даври билан бола туғилгандан кейинги 7-10 кунлик давр оралиғини назарда тутди. Перинатал психологияда эса ҳомила пайдо бўлган даврдан токи чақалоқнинг она билан биргаликда, эмоционал боғлиқликда кечадиган яхлит давригача бўлган вақт назарда тутилади. Психология учун боланинг эр ва хотин кўшилиши натижасида қандай конструктив ёки деструктив мотивлар асосида пайдо бўлиши ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, аёлнинг ҳомиладорлик давридаги хис-кечинмалари, боланинг қанчалик кутиши каби психологик омиллар кейинчалик у билан амалга ошириладиган психотерапевтик ишларда амалий аҳамият касб этади. И.В. Добряков (2003) ҳомиладор аёлларнинг шу давр мобайнидаги психологик кечинмаларининг шакллари шундай тафовутлайди:

- оптимал тип;
- гипогестагнозик тип, яъни, турли сабабларга кўра, ҳомиладор аёл ва уни ўраб турганларнинг унинг ҳолатига эътибори камлиги кўринишида (масалан, талаба бўлган ҳомиладор аёл ўқиши ташвишлари билан ҳомиласига етарли вақт ажратиб эътибор беролмайди);
- эйфорик тип, яъни ҳомиладор аёлнинг янги ҳолатидан ўта лаззатланиши, бутун вужуди билан “маза” қилиши ҳолати;
- хавотирли тип;
- депрессив тип.

Аёлнинг ҳомиладорлик даврини қандай бошидан кечириши унинг она бўлганидан кейинги хулқ-атворини белгилайди. Туғиш

билан боғлиқ ташвишлар психоаналитик йўл билан *О.Ранк* ва *С.Грофф*лар томонидан батафсил ўрганилган. Туғруқдан кейинги давр эса яна психологик жиҳатдан алоҳида давр бўлиб, у иккала томоннинг фарзанд туғилишига бўлган хиссий муносабати характеридан келиб чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади ва кадрланади. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, никоҳга киришнинг энг долзарб мотиви фарзанд кўриш бўлгани сабабли, аксарият оилаларда аёлнинг петенатал даврида унга алоҳида меҳр кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш ҳам миллий анъаналаримизга айланган.

7.4. Оналик ва оталик психологияси

Оилавий муносабатларнинг энг таъсирли, жозибали ва муҳим бўлаги – бу она-бола муносабатларидир. Уларнинг муҳимлиги шундаки, айна дастлабки мулоқот ва меҳрли муносабатлар боланинг кейинги психик ва ақлий тараққиётини ҳамда онанинг хулқ-атворини шакллантиради.

Бола туғилишининг дастлабки онларида она ва бола ўзаро хиссан ва психологик жиҳатдан боғланган бўлиб, иккаласи бир тан, бир вужуд ҳисобланади. Шу боис уларнинг муносабатларида симбиотиклик (бир хиллик, қўшилиб кетганлик, яхлитлик) бўлади. Бола улғайиб, катта бўлгани сари улар ўртасидаги масофа, психологик дистанция ортиб бораверади, симбиоз муносабатлар ақлий-когнитив муносабатлар шаклидаги психологик алоқаларга айланиб кетаверади.

Чақалокнинг жисмоний ўсиши ва ривожланиши табиийки, онанинг ғамхўрлигига бевосита боғлиқ. Шуниси муҳимки, бола учун ҳар қандай ғамхўр ва меҳрибон инсон унга она ўрнини босиши мумкин (бувиси, отаси, энагаси). Лекин кимнингдир доимий ғамхўрлиги, яъни, меҳрибон инсоннинг – “объект”нинг доимийлиги бола ривожланиши учун ўта муҳим ҳисобланади. Бола бир ёшга тўлгунча бўлган даври новербал мулоқот даври ҳисобланиб, ундаги барча ўзгаришлар онаси ёки яқинлари билан бўладиган эмоционал, бевосита муносабатларнинг натижаси бўлади ва бора-бора муомалага тил ва товушлар билан боғлиқ белгилар кириб кела бошлайди. Онанинг барча сайъи-ҳаракатлари бу даврда бола психик ривожланишининг муваффақиятини белгилайди.

Агар ота ва она томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик доимий ва самимийлик касб этса, бу Э.Эриксон таъбири билан айтганда, “мутлоқ ишонч” (базальное доверие)га асос бўлади. Яъни ҳақиқий, ғамхўр она боласининг айни пайтдаги барча эҳтиёжларини калбан ҳис этиб, ўша заҳоти қондиришга ҳаракат қилади, масалан, чанқаса сув, оч қолса – кўкрак сути, пешоб қистаганда, тўсиш каби ишларни ўз вақтида бажариб боради. Онанинг бола эҳтиёжларини шу каби аниқ билиб, ўз вақтида меҳр кўрсатиши баъзан интуитив тарзда кечса, баъзан она ўзини бола билан идентификация қилади, яъни, ўзини унинг ўрнига қўйиш орқали, унинг талаб-истакларини сезгандай бўлади, “вужуди билан ҳис этади”. Бундай ҳис қилишлар одатда она томонидан аниқ англамайди, лекин, табиийки, онанинг кечинмалари ва сезишлари тўғри чиқади. Лекин баъзан педиатр ёки бошқа мутахассис билан боланинг ҳолати ҳақида фикрлашганда айрим ҳолларда ўзининг интуитив қарорлари тўғри ёки нотўғри эканлигини англаб қолади.

Тан-вужуд билан она ва боланинг яхлитлиги ўзига хос ҳиссиёт бўлиб, у кўпинча “холдинг” (инглизча “тутиш”, “ушлаш” сўзидан олинган) тажрибасидан келиб чиқади. Яъни, она ўз боласини қўлида ушлаб, бадани баданига текканда ҳис қиладиган кечинмалари орқали боладаги ўзгаришларни туяди, ҳис қилади. Винникотт деган олимнинг фикрича, “холдинг” тажрибаси яхши бўлмаган оналарнинг шахсий муаммолари кўп бўлиб, улар болани қўлида ушлаганда ҳам деярли ҳеч нимани ҳис этмайдилар. Ана шундай чақалоқларда кейинчалик ихтиёрий психик функциялар ривожда муайян муаммолар бўлиши мумкин, масалан, ихтиёрий равишда диққатни бир нарсага тўплаш, ихтиёр ҳолда у ёки бу нарсани эслаб қолиш, гапириш, мантиқий фикрлаш ва шунга ўхшаш.

Гапириш, нутқ фаолияти билан боғлиқ психик функциялар кўпинча **синхронизация** жараёнида шаклланади. Боласини суйиб, унинг ҳис-кечинмаларини билиш қобилиятига эга бўлган она одатда фарзандининг психик ривожланишида барча қилиқларини, улардан қандай фойдаланиш малакаларини орттириб боради. Масалан, болада баъзан шундай ҳолат бўладики, унда онага бола билан фаол коммуникатив фаолиятни амалга ошириш ноқулай бўлади, гўдак инжиқлик қилиб, ҳеч нарсага кўнмай қолади, буни сезган она болага гапиравермай, жимгина тоза ҳавода сайр қилдираверса, маълум вақт ўтгач, фарзандидаги чарчоқ ёки бошқа сабабли пайдо бўлган ҳолат ўтиб кетади, у яна жонланиб, онага талпинади, у билан мулоқотни

давом эттиради. Шуни инобатга олмаган ҳолатларда коммуникатив омадсизлик (Винникотт) содир бўлади, бунинг оқибатлари психологияда яхши ўрганилган.

Боладаги когнитив ривожланиш, яъни фикрлар тарбияси, дунёқарашларнинг шаклланишига ҳам онанинг хулқ-атвори катта таъсир этади. Инглиз олимларининг кузатишларида (У.Р. Бион) онанинг ҳар бир ҳаракати, мимикалари боланинг тепасида туриб, унга қиладиган муомаласи, эркалалари бора-бора бола ўзлаштирадиган алоҳида иборалар, сўзларда намоён бўлади. Видео тасмаларда шу нарса намоён бўлганки, онанинг қилиқлари тобора боланинг нутқли-нутқсиз, мантикий-мантиксиз ҳаракатларига, ишораларига айланиб боради, кейинчалик бола алоҳида сўзларни талаффуз қила бошлаганда ҳам беихтиёр онанинг мимикалари, талаффуз услубларини қайтаради. Шу тариқа онанинг бевосита иштироки ва ёрдамида бола дунёни танийди, ўрганади.

Оламни она орқали билишга имкон берувчи психологик ҳолатлардан яна бири – бу ҳиссий-эмоционал боғланганликдир. Инглиз психиатри Жон Боулби томонидан ишлаб чиқилган, турли ҳаётий вазиятларда она-бола муносабатларида М.Эйнсворт деган олима томонидан текширилган эмоционал *боғланганлик назарияси* одатда етти ойликдан кейинги боланинг онага жуда боғланиб қолиши ва шу орқали бола учун муҳим психологик ривожланишлар рўй беришини исботлаган. Масалан, 12 ойликдан 18 ойликкагача бўлган боланинг онасидан 3 минутга айриб туриб қайд этилган хулқига қараб, олимлар ҳиссий боғланганликнинг 4 хил шаклини ажраттишган:¹

- Ишончли боғлиқлик. Бола бундай шароитда онасини ишонч билан кидиради, атрофни ўрганади; кетиб қолганини сеза бошлагач, тушкунликка тушади, хафа бўлади, онаси қайтгач, уни зўр хурсандчилик билан кулиб кутиб олади, онасига талпинади;

- Четлашувчи боғлиқлик. Онаси кетиб қолганлигини билгач, атрофга қарайди, кидиради, лекин она қайтгач, унга талпиниши минимал бўлиб, ҳаттоки, тескари қараб ҳам олади, ўйинчоқларини ўйнашда давом этаверади;

- Авбивалент боғлиқлик. Онаси кетгач, гўёки қотиб қолгандай депрессияга тушади, ўйнамайди ҳам атрофга қарамайди

¹Калмыкова Е. С., Падуи М.А. Ранняя привязанность и ее влияние на устойчивость к психической травме: Постановка проблемы (Сообщ. 1) // Психологический журнал. – Т. 23. – М.: 2002. – № 5. – С.

хам; онаси қайтгач, онасига талпинмайди ҳам, ундан қочмайди ҳам. Унинг хафалигини ҳам, хурсанд эканлигини ҳам англаш қийин бўлади;

- Тартибсиз боғлиқлик. Болада онага нисбатан боғлиқликни кузатиш қийин, гўёки болага барча нарса бепарқдай, қилиқларда мантиқни кузатиш мушкул.

Р.Ж. Мухамедрахимов (1998) ўз тадқиқотларида “хавфсиз боғлиқлик” атамасини ишлатади. Бунда она-бола муносабатлари жуда текис, равон, бир-бирига монанд, самимий кечади. Оила муҳитида, яхши ижобий муносабатлар доирасида кечган боғлиқлик билан ота-онасиз ўсган етимхонадаги болалардаги боғлиқлик ўрганилганда, айти хавфсиз боғлиқлик борасида улар ўртасида катта тафовут борлиги исботланган.¹

Шундай қилиб, онанинг болани нормал психик тараққиётида роли улкан. Бу таъсир боланинг чақалоқликдан кейинги даврларида ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Оналик хулқ-атвори-нинг шаклланиши

Олимлар онтогенетик тараққиёт даврида яхши она бўлишга сабаб бўлувчи қатор омиллар қаторида қиз боланинг ўз онаси билан ёшлигидан бошидан кечирган мулоқот тажрибасини, оиласида онага ва оналикка муносабат хусусиятларини, ўз оиласида кичкина болалар билан мулоқот тажрибаси борлигини инобатга оладилар (Филлипова Г.Г., 1999)².

Бу жараёнда қизчанинг она томонидан қандай тарбияланганлигидан ташқари, муайян маданий манбалар билан танишлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, онасидан қандай эртақлар эшитгани ёки қандай ўйинчоқлар ўйнагани бевосита унинг келажакда қандай она бўлишига таъсир этади. Масалан, ёшлигидан меҳрибон она ҳақида эшитганларини, эртақ ҳолида бўлса ҳам ёвуз кампирлар, ялмоғиз аёллар, ўғай оналар ҳақида эшитганлари билан тўғри солиштириш тажрибаси бор қиз ўзининг истиқболдаги ҳаракатининг йўналишини белгилаб олиши мумкин. Ёки кўғирчоқларни эркалатиши, онасидай ғамхўрлик қилиши ҳам ижобий

¹ Авдеева Н.Н., Хаймовская Н.А. Зависимость типа привязанности ребенка к взрослому от особенностей их взаимодействия (в семье и Доме ребенка) // Психологический журнал. – М.: 1999. – Т. 20. – № 1. – С.

² Филлипова Г.Г. Материнство: Сравнительно-психологический подход // Психологический журнал. – М.: 1999. – Т. 20. – № 5. – С.

тажриба, лекин минг афсуски, ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган “барби” каби кўғирчоқлар кизчаларда оналикни эмас, кўпроқ аёллик фазилатларини, олифтачиликни тарбиялайди. Замонавий эртақларнинг айримларида ҳам тарбияга зид келадиган сюжетлар кўп. Ўзбеклар суйиб кўрадиган мультфильмлар, масалан, “Зумрад ва Қиммат” эртақларини ҳам агар она тўғри шарҳламаса, бола онгида нотўғри тасаввурлар шаклланиб қолиши, ўгай онанинг албатта жохил, отанинг ҳамиша бўйсунувчанлиги тўғрисидаги чалқаш тушунчалар пайдо бўлиши мумкин.

Онадаги туғруқдан кейинги депрессия – чақалоқ туғилгандан кейиноқ айрим оналарда пайдо бўладиган руҳий ҳолат. Бу ўзига хос ҳасталик бўлиб, унинг олдини олиш учун кўп ҳаракатлар қилинмоқда, чунки бунда ҳам психологик омилларнинг роли катта. Кузатишларнинг кўрсатишича, агар оилада эр-хотин муносабатлари яхши бўлмаса, отанинг болага эътибори етарли бўлмаган вазиятларда, онага амалий ҳамда молиявий кўмак бериш йўлга қўйилмаган бўлса, шу каби қийинчиликлар онада депрессияни ҳосил қилади (*Rodrigues* ва бошқалар, 2003).

Оналик депривацияси. Оналик депривацияси *очик* (агар она ўз оналик бурчини бажармай, боладан айрилган бўлса) ва *яширин* (боладан яширин воз кечиш, уни ёқтирмаслик ёки бирор сабаб туфайли болага яқин кела олмаслик ҳолатларида) бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам бола тараққиёти учун ниҳоятда салбий, хавфли вазият юзага келадик, айрим ҳолларда бола ҳаттоки, нобуд ҳам бўлади. Масалан, чақалоқ туғилгач, ҳаста бўлгани учун унинг узок вақт мобайнида касалхонада қолиши ҳам оналик депривациясига сабаб бўлади. Бу орада унда оналик меҳри уйғонмайди, у янги чақалоққа бефарқ бўлиб қолади. Бунинг оқибатлари қанчалик оғир бўлиши онанинг ёшига ва айрилиқнинг муддатига боғлиқ. Агар шунга ўхшаш ҳолатни бошидан кечиган она жуда ёш бўлса, унда боланинг психик тараққиётида жиддий асоратлар қолади, у ўз хулқ-атворини назорат қила олмайдиган, жиззаки, одамови, жиноятга, ҳаттоки, ўз жонига қасд қилишга ҳам мойиллиги юқори бўлиб вояга етади.

Она боланинг ёнида бўла туриб, ундан яширин тарзда воз кечган ҳолатда ҳам болада невротик хусусиятлар ривожланади, айниқса, бола шаҳслараро муносабатларда нўноқ, урушқоқ бўлиб, қарорлар қабул қилишда қийналади, ижтимоийлашув жараёни ниҳоятда мураккаб кечади. Кўриб турганимиздек, онанинг болага психологик

яқинлиги унинг истикболини, шаклланажак ижобий фазилатлари, жамиятдаги ўрни ва нуфузини белгиловчи муҳим омилдир.

Оталик психологияси оналик психологиясига нисбатан кам ўрганилган соҳа. Оталар хулқини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар ҳам ғамхўрлик ва самимийлик жиҳатидан аёллардан кам эмас, керак бўлса, улардан ҳам меҳрибон бўлишлари мумкин. Дастлаб ота ҳам, она ҳам болага нисбатан бир хил меҳрибонлик тимсолида намоён бўлгани учун, улар ўртасидаги фарқни чақалок деярли ҳис этмайди. Бир ёшга тўлгач, бола отасини алоҳида мустақил шахс сифатида идрок эта бошлайди, ўзаро муносабатлар триада шаклига ўтади. Отаси ва онасининг ўзаро муносабатларини кузатиб, бола тобора айрим алоҳида олинган мустақил, дистанцион муносабатларнинг маъносини тушуна боради.

Годфруанинг олган натижаларига кўра, бир ёшлик бола отаси билан бўладиган ўзаро муносабатларни қадрлайдиган, хоҳлайдиган бўлиб боради. Онанинг муносабатларидан фарқли, ота боласининг жинсига қараб ўзига хос муносабатни ўрната олади; ўғил болага эркакларча, қиз болага бошқача. Шу тариқа боланинг ўз жинсини англаши, гендер тафовутлар тўғрисида тасаввурлар шаклланади. Умуман, оилада отанинг бўлиши боланинг ижтимоий кўникмалари шаклланишида катта аҳамият касб этади. Буни бизнинг кузатишларимиз ҳам тасдиқлаган. Отанинг меҳри қиз бола учун ҳам шу қадар муҳимки, у ота-она муносабатларини ҳаёти мобайнида кузатиб бориб, келажакда ўз турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлиш лозим, деган саволга жавоб топади. Она хулқига қараб эса, турмуш ўртоғи билан бахтиёр яшаш учун аёл қандай бўлиши керак, деган саволнинг маъзини чақади. Шунинг учун ҳам қиз бола учун ҳам, ўғил бола учун ҳам оиланинг бутлиги, ота-она муносабатларининг илик, самимий, гуманистик бўлиши катта ҳаётий аҳамият касб этади.

7.5. Ота-оналик установакалари ва тарбия шакллари

Оила, ундаги шахслараро муносабатлар, эр-хотин ва ота-она ҳамда болалар муносабатлари кўплаб тадқиқотларнинг объекти ва предмети бўлган. Бу борада Ўзбекистон олимларининг ишлари ҳам диққатга молик. Лекин бу ҳақда маҳаллий матбуотда, Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан чоп этилган қатор рисола ва қўлланмаларда батафсил баён этилганлиги сабабли, бу борада

жаҳон адабиётида келтирилган илмий изланишларнинг қонуниятларини баён этишга қарор қилдик.

Хусусан, ота-оналик установакалари ва уларнинг фарзанд тарбиялаш услублари муаммоси россиялик қатор изланувчиларнинг асарларида қайд этилган (А.Е. Личко, 1979; А.А. Бодалев, А.А. Столин, 1989; Э.Г. Эйдемиллер, В.В. Юстицкий, 1999). Ота-оналикнинг энг муҳим сифатларига аввало – *протекция* ёки фарзандларини тарбиялаш учун сарфланадиган куч, вақт ва эътиборнинг мезони, боланинг турли эҳтиёжларини қондириш даражаси, интизомга чақириш билан боғлиқ талаблар даражаси, таъқиқловлар ёки боланинг хулқи жиловлаш учун ишлатиладиган санкциялар тизими киради.

Ушбу мезонлар асосида турли оилаларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялаш услубларини фарқлаш мумкин. (7.4-жадвал).

Ота-оналик хулқ-атвориға кўра оилада бола тарбиясининг услублари

7.4-жадвал

Тарбия услуби	Протекция	Эҳтиёжларни қондириш	Талаб-чавлик	Таъқиқлаш	Санкция
Ҳаддан зиёд ғам-хўрлик кўрсатиш <i>Гиперпротекция</i>	+	+	-	-	-
<i>Ғамхўрликдан устун келувчи гиперпротекция</i>	+	±	±	+	+
<i>Ортиқча ахлоқий масъулия</i>	+	-	+	±	±
<i>Эмоционал раддия</i>	-	-	±	±	±
<i>Ўта қаттиқхўл-лик</i>	-	-	±	±	+
<i>Гипопротекция</i>	-	-	-	-	±

Гиперпротекция – ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан хаддан зиёд эътибори бўлиб, бу уларнинг бола тарбияси учун куч, вақт ва эътиборни аямасликларида намоён бўлади. Ота-она бу ишни ҳаёт тарзига айлантиради, яъни она учун ҳам, ота учун ҳам бола тарбияси ҳаётининг мазмун-муддаосига айланади.

Гиперпротекция – ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танқид ва мулоҳазасиз қондиришга интилиш; болани ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, унинг барча истакларини жойида бажо келтириш, эркалатиш, оддий ютуқларидан қувониш, хатоларини сезмасликка қаратилган ҳаракатлар. Боласи учун “жонини жабборга берувчилар” одатда ўзлари билмаган ҳолда фарзандларига ёмонлик қилаётганликларини сезмайдилар, натижада бола келажакда ишга тоқати йўқ, кўпчиликнинг ичида ўзини тута олмайдиган, ҳаётнинг паст-баландликларида ўзини ночор ҳис этадиган, тантиқ, эрка бўлиб қолади. Айниқса, бола ўсмирлик ёшига етганда, эрка, тантиқ бўлгани учун дўстлари ва тенгқурлари даврасида ҳам ҳамма айтганлари бўлишини истайдиган, лидерликка интилувчанлигини намоён этгиси келади, лекин иккинчи томондан, аслида унда бундай сифатлар бўлмайди. Гап шундаки, бундай ҳолатларда ота-она зурриёди тимсолида илгари ўз ҳаёт тажрибасида эришолмаган армонларини рўёбга чиқаргиси келади, уларнинг тарбия услублари айнан шунга қаратилган бўлади, лекин бола кўп жихатдан ночор эканлигини кейинчалик ижтимоий муҳитнинг турли вазиятларига тушганида ҳис эта бошлайди.

Ғамхўрликдан устун келадиган гиперпротекция – бунда эркалатишдан кўра ота-она томонидан боласининг ҳар бир юрган қадами ва хатти-ҳаракатини назоратга олиш орқали унга эътибор бериш назарда тутилади. Шунинг учун бу тарбия услубида турли хил таъқиқлар, чегаралашлар (“у мумкин эмас”, “бу мумкин эмас” қабалида) бисёр бўлади. Бундай шароитда катта бўлган бола одатда мустақил фикрли, мустақил қарорлар чиқарувчи бўлолмайди, лекин салга жаҳли чиқадиган, кўп нарсалардан норози ҳолда катта бўлади, чунки у доимий назоратга, бировларнинг ҳамма йўл-йўриқларни кўрсатиб, айтиб беришларига ўрганиб қолади: онасисиз дарс таёрлай олмайдиган, отасисиз кўчага чикмайдиган бўлади, барча ишларида катталарнинг аралашувига кўникиб кетади.

Ўта кучли ахлоқий масъулият – бунда ота-она томонидан болага нисбатан талаблар даражаси юкори бўлади, лекин унинг асл

хошиш-истаклари, эҳтиёжлари унчалик эътиборга олинмайди. Ота-она боласининг келажагини пухта қилишни ўйлаб, унинг юриштириши учун ўзларини масъул деб ҳис қилган ҳолда, шахсий тасаввуридаги инсонни яратишга, шахсни шакллантиришга уринадилар, баъзан назорат остида боланинг ёши, ақлий ёки жисмоний имкониятларига зид талаблар, топшириқлар ҳам берилаверади. Масалан, “сен тўнғичимизсан, укаларингга сен қарашинг керак”, деган маънода унга оиладаги кичик аъзоларга ёки касалликка чалинган оила аъзосини парвариш қилиш каби масъулиятли ва оғир ишлар ҳам юкланади.

Эмоционал раiddия – бунда ота-она боласини шундай тарбиялайдики, унинг ота-она ҳаётида у ўзига яраша ташвиш, ортиқча юк эканлиги, у бўлмаганида ота-онанинг ҳаёти бошқачи бўлиши мунтазам равишда эслатиб турилади. Агар бу фарзанд оилада ягона бўлмаса, бошқа арзандароқ, суюклироқ инсон бўлса, вазият янада оғирлашади, “сен бўлмаганингда...” ёки киз болага қараб: “Сенинг ўрнингда ўғил бўлганда эди...” қабилдаги кесатиклар тез-тез айтиб турилади.

Айрим ота-оналар бу каби эмоционал жиҳатдан боласини рад этаётганлигини яширишга уринади, “нега болани ёқтирмайсан?” каби саволларга аслида уни севиши, кераклигини таъкидлаган билан барибир бола ота-онаси учун ортиқча ташвиш эканлигини ҳис қилиб яшайди ва тезроқ мустақил бўлиб олиб, уларни ташлаб кетишни, алоҳида яшашни ихтиёр қилиб қолади. Она қанчалик ўз меҳрибонлигини сунъий равишда намоён этишга уринмасин, бола барибир уларнинг самимий эмаслигини қалби билан ҳис этади. Айниқса, отаси билан ажралишган ёки ота ташлаб кетган ҳолатларда онанинг бундай муносабати болага жуда оғир ботади.

Қаттиққўллик – бир қарашда эмоционал рад этишга ўхшайди, лекин ундан очикроқ ва оғирроқдир. Қаттиққўллик тўғридан-тўғри болани ёшлигидан қалтаклаш, ҳақорат қилиш, камситиш шаклида ёки бола эҳтиёжларига тўла бефарқлик, унинг бор-йўқлигини гўёки сезмаслик каби кўринишларда бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам бола ёшлигидан нима қилиб бўлса-да, тезроқ қатта бўлиш, ўзи амаллаб тирикчилигини қилиш, ота-она тазйиқидан қутулишни ўйлаб яшайди. Бундай оилада болани у ёки бу хулқи учун жазолаш одат тусига кириб қолади, бола кўрққанидан ота-она ҳукмига итоат этаётганлиги, бунинг истиқболда ёмон асоратлари борлигини қатталар билмайдилар, билсалар ҳам бу усул улар учун самарали

туюлади. Айбдорлик, айбга яраша жазо каби усуллар бола хулқ-атворини бошқарувчи психологик омилга айланади, у ҳам келажакда доимо айбдорларни кидиришга ўрганиб боради.

А. Фрейд назариясига кўра, ана шундай жазога ҳукм этилган бола тобора агрессив бўлиб бориб, ўзида аламни қайсидир бир объектдан (ўзидан кичиклардан, бегоналардан, хайвонлардан) олишга қасд қиладиган, қасоскор бўлиб ўсади. Маълумотларга кўра, Америкада кўча болаларининг камида 1%и оилада айни шундай тарбиянинг қурбонидирлар. Америкалик олим С.Д.Шерритс (2003) оиладаги ана шу каби қаттиққўлликларнинг бола ва ота-она хулқ-атворига салбий таъсирини ўрганиб, уларнинг характерида рўй берадиган ўзгаришларга тўхталиб ўтган. Жисмоний жиҳатдан болага зуғум қилиб, уни калтаклаш ҳолатлари деярли барча ижтимоий қатлам вакилларига хосдир. Ҳаётда, иш-фаолиятида омади келмаган ёки бахтсиз муҳаббат қурбони бўлган, лекин фарзанд кўрган аёлларнинг аксарияти аччиғини боласидан олишга мойиллик таркиб топади, бу тобора ҳаётини кўнукмага айланиб боради. Айниқса, стресс омиллар таъсирида ота-она (масалан, ишсизлар, уйи йўқлар, иш кидириб бошқа ерларга кетиб қолган мигрантлар, этник ёки молиявий зиддиятларнинг қурбонлари, камбағаллар) ўз ижтимоий муаммоларини ҳал қилаолмай, туғилган боласидан ўч ола бошлайди.

Турмушдаги муаммолар қанчалик ота ёки она учун мураккаб туюлса, уларнинг боласини калтаклаши, ундан ўч олиш эҳтимоли шунча юқори бўлишини олимлар ўрганишган. Шуниси характерлики, боласини тез-тез дўппослайдиган ота-она айрим ҳолатларга унга қаттиққўлликларининг сабабини айтиб, бу каби ҳаракатларни нима учун, нима сабабдан амалга ошираётганлигини тушунтиришга ҳам жазм қилади, болани уларни тушунишга, ҳаттоки, кўмак беришга чақиради. Масалан, топганини ўзи кўчада еб, алкогольга алмаштириб келиб, аччиғини яна боладан олади-да, пули асли кам эканлигини, ичмаса турулмаслигини болага тушунтиради. Бунда боланинг ёши унчалик аҳамиятли ҳам эмас, 2 ёшдан ўтган болага нисбатан жазо чоралари кўрилганлигини айрим ҳолатларда ОАВда акс эттирилади.

Гипопротекция – шундай ҳолатки, унда ота-онанинг бола билан шуғулланишга ё вақти етишмайди, ёки бу ишни бошқаларга юклаб кўяди. Айрим ота-оналар шу тарзда ҳаёт кечириб, фарзандларини умуман назорат ҳам қилмайди, унинг тақдирига бефарқ бўлади, ғамхўрлик кўрсатмайди, боласининг келажакига қайғурмайди. Гипопротекциянинг япирин шаклида ота-она бола

устидан номига нималардир қилгандай бўлади. Лекин аслида уларни фақат ўзларининг кундалик муаммолари қизиқтиради. Бола бу ҳолатларни таҳлил этиб, ўзининг керак эмаслигини, оилада ортиқча эканлигини англаб боради.

Ташлаб қўйилган болалар ёки ташландик болалар – одатда ёшлигидан на моддий, на маънавий эҳтиёжлари қондирилмаган болалардир. Улар масалан, қорни тўймаганидан жисмоний тараққиётдан орқада қолса, назорат ва эътиборнинг йўқлигидан турли жиноят йўлларига кириб қолади, яхши, самимий эътибор ва меҳрнинг йўқлигидан жамиятда, одамлар орасида ўз ўрнини топишга қийналадиган, одамови, саводсиз бўлиб ўсади. Буларнинг барчаси уларнинг келажақда жиноят йўлларига кириб қолишига ёки зарарли одатларга ўрганиши (ғиёҳванд моддалар истеъмол қилиш)га сабаб бўлади. “Меҳр таянчи” маркази Тошкент шаҳрида айнан шундай болалар тоифасини тўғри ҳаётга қайтарадиган, гипопротекциянинг қурбонларини оилавий муҳити шароитини ўрганганидан сўнг ота-онасини чақиртириб келиб, улар билан педагогик-коррекцион, психологик услубларда ишлайдиган муассаса ҳисобланади. Марказдаги болаларнинг барчаси оиладаги нотўғри таърибнинг қурбонларидир.

Гипопротекциянинг ҳам ҳаддан зиёд шакли борки, унда бола ота-она назоратидан атайлаб ташлаб қолдирилгани сабабли, унинг нотўғри йўлларга кириб кетаётганлигига ҳам қатталар бефарқ бўладилар. А.Е. Личко, А.А. Вдовиченколарнинг Россияда ўтказган тадқиқотларида ёмон йўлга кириб кетган, вояга етмаган жиноятчиларнинг ота-оналарида жиддий хатоликлар аниқланган. Улар боласининг нотўғри хатти-ҳаракатини оқламоқчи ҳам бўлади, ёки айбни бошқаларга, масалан, кўча болаларига, мактабдаги интизомсизликка, ўқитувчиларнинг бефарқлигига тўнқамоқчи бўлади, фақат ўзларининг айбини сезмайди ёки тан олмайди.

Оилавий тарбиянинг яна бир шакли – *зиддиятли тарбия*. Бунда оила аъзоларининг ҳар бири битта болага нисбатан турлича тарбия услубларини қўллайди, масалан, отаси ўта қаттиққўл, она ўта меҳрибон, ёки ота-она боланинг хулқини жуда қазорат қилиб, масъулият билан унинг ахлоқий тарбияси билан шуғуллаланади, бувилари эса аксинча, уни эркалатиб, издан чиқиб кетишини – “ҳали ёш, қатта бўлганда ўзи яхши бўлиб кетади”, қабилида маъқуллайверади. Бундай беқарор тарбия услубларини Э.Эйдемиллер, В.Юстицкий, Н.Ленгардлар ўрганиб, унинг оқибатида

болада салбий характер хусусиятлари, масалан, қайсарлик, обрўли шахсларнинг тазйқини нотўғри баҳолаш кабилар шаклланишини исботлаганлар. Ота-она тарбиядаги беқарорликнинг оқибатларини тасаввур қилсаларда, унинг олдини олишни билмайди. Кўпинча бу – болаликка хос сифатлар эканлиги фикри уларни тинчлантиради. Аксарият ота-оналар боласини йўқотиб қўйиш ёки унинг кўнгли қолишидан қўрқиб ҳам нотўғри тарбия йўллари тутади. Шунинг учун оилавий тарбия ўта мураккаб жараён бўлиб, унда ота-оналар олдиндан психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак.

Ёлғиз ота-оналар. Ота ёки онадан бири мавжуд бўлган оилаларнинг пайдо бўлишига турли сабаблар бор: ажрим туфайли биттаси қолади, никоҳсиз пайдо бўлган оила шароити, бунда онанинг ёши катта бўлиши ҳам (ёши ўтиб бораётганлигидан никоҳсиз бўлса ҳам битта фарзанд туғиб, уни ёлғиз ўзи катта қилади), жуда ёш бўлиши (тасодифан ёшлик қилиб қиз мактаб ёшидаёқ она бўлиб қолган ҳолатлар) ҳам мумкин.

Одатда турли сабабларга кўра ёлғизланиб қолган нотўлиқ оила аъзолари жамиятдан анча айри яшашга, ёлғизликка маҳкум бўлади, бундай оилалар молиявий инқирозларга ҳам учрайди. Айрим шундай оила фарзандлари жуда ёшлиқдан ота қилиши лозим бўлган юмушларнинг бир қисмини ўз елкасига олишга мажбур бўлади. Тенгқурлари орасида одамови, гапга ҳам, айрим ишларга ҳам нўнок бўлгани учун унинг дўстлари кам бўлади. Асосий мулоқот объекти она бўлиб, у ҳам кўпинча турмуш ташвишлари билан боласига етарли эътибор беролмайди. Айниқса, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги болалар ота-онанинг айрилигини жуда кўнгилларига яқин олади, асабийлападиган, салга жанжал кўтарадиган, онаси билан ҳам, бошқа яқинлари билан ҳам келишолмайдиган, агрессив бўлиб қолади.

Инжиқ болани ёлғиз ўзи тарбиялашга мажбур бўлган оналарда одатда депрессия ҳолати кузатилади. Кўпинча бундай она ўзини омадсиз, турмуш вазиятларининг қурбонидай ҳис қилади, кўпинча хафа бўлиб юради ва ич-ичидан ўзини болалари олдида гуноҳкор ҳис этади, истиқболда уни ва фарзандларини нима кутаётганлигини билмай ташвишланади. *М. Нистал* (2003)нинг ёзишича, ёлғиз ота-оналарнинг шахсига қўйилган талаблар уларнинг реал имкониятларидан ортиқ бўлиб, ундан катта эмоционал юкни ва ниҳоятда ишчанликни талаб этади. Бунга афсуски, ҳамма ҳам чидайвермайди.

7.6. Бола томонидан ота-оналарнинг ва ота-оналикнинг идрок этилиши

Боланинг келажаги, унинг шахс бўлиб камол топиши кўп жиҳатдан ота-она оиласи, у тўғрида фарзандда шаклланган тасаввурларга боғлиқ эканлиги психологлар томонидан анча батафсил ўрганилган. Тадқиқотларда аниқланишича, боланинг ўз оиласи тўғрисидаги тасаввурлари кўпинча ота-онанинг тасаввурлари ва асл ҳолат билан қисман мос келади. Одатда ота-она ўз фарзанди учун кўлидан келган барча чораларни кўраётгандай, буни бола англашини ва ундан ҳамиша миннатдор бўлиши кераклигини кутади, лекин болалар бу хусусда турлича тасаввурга эга бўладилар. Меҳрибон ота-она оғушида айрим болалар ўзларини барибир ёлғиз, кемтик, камситилган ҳис этади. Г.Т. Хоментаскас (1989) оилада ота-она хулқ-атвори ва боланинг бу хатти-ҳаракатларни идрок қилиши ва ота-онага муносабатининг 5 та асосий кўринишларини таҳлил қилган:

- Ота-она ва бола муносабатлари *демократик* тамойилларда амалга ошадиган оилада болада ўзи ва ота-онаси тўғрисида кўйидагича тасаввур шаклланади: “Мени севишади ва мен керакман, шунинг учун мен ҳам уларни жуда севаман”. Бундай бола психологияси ва характерида устувор фазилатлар сифатида адекват ўз-ўзини баҳолаш ва инсонларга ишонч, ҳар қандай яхши нарсалардан, жумладан, ота-она билан яқин, самимий муносабатлар қувониш, ўзига ишонч, хатоликлардан чўчимаслик, айб иш қилиб кўйганда ҳам унчалик қайғурмаслик, заруратга қараб илтимослар қилиш ва бунда реал кўмак олишга умидворлик, ота-онанинг ҳаётдаги ўрни ва ишончларини, умид ва истаклари билан ҳисоблашиш кабиларни санаш мумкин.

- Болага нисбатан ҳаддан зиёд меҳрибонлик (*гиперпротекция*), эътибор кўрсатилган оилада бола “Мени севишади ва мен керакман, улар мени деб яшашади”, деган тасаввур мавжуд бўлади. Бундай оилада болалар ўзининг борлигидан, туғилганлигидан мағрурланиб яшайди ва шунинг учун ҳар қандай тилак ва хоҳиш амалга ошишига ишонади. Одатда бундай боланинг туғилишини ота-она узок вақт кутган бўлади ва буни улар ҳадеб болага эслатаверади, шунинг учун ҳам бола жуда эгоист бўлиб улғаяди, ота-онасининг ночорлиги тўғрисидаги тасаввур ўзининг кўп нарсаларга қодирлиги билан уйғунлашади. Тантиқ болада ўзи тўғрисида гўёки ўта иқтидорли эканлиги фикри устувор бўлади,

чунки ота-она унинг айрим, аҳамиятсиз ютуқларини ҳам осмонга кўтаради.

- Юқоридаги ҳолатнинг акси, яъни, болага нисбатан *эътиборсизлик*, *меҳрсизлик* бўлган оилада боланинг тасаввури куйидагича бўлади: “Мени ёқтиришмайди, лекин мен ўзим ҳаракат қилиб, уларга яқинлашишим керак”. “Мен яхши бола эмасман”, деган тасаввур одатда болада қатор жиддий салбий сифатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги, ўзини айбдор деб ҳисоблашнинг юқорилиги, кўп нарсалардан ҳадиксираш, айб иш қилиб кўйишдан чўчиш, кайфиятнинг - бекарорлиги ва шунга ўхшаш. Бундай оилада маънавий муҳит яхши бўлмаганлиги сабабли бола салга йиғлайдиган, “қўрққан олдин мушт кўтаради”, деганларидай, ҳар бир яхши ёки ёмон ишни қилиб кўйиб, ўзини оқлашга интилиш психологияси пайдо бўлади. Аслида бола ўзининг қутилмаган эканлигини, ота-оналари уни вазият тақозоси, тасодиф туфайли дунёга келтиришганлигини яхши билади. Чунки бу ҳақда ота-оналар унинг олдида гапираверадилар.

- Ота-она меҳрига тўймаган, унга эришолмаган бола салбий хиссий кечинмаларнинг кейинги босқичига ўтади: “Сизлар мени хафа қиляпсизлар, мен ҳам шунга муносиб жавоб бераман”. Бундай шароитда бола атайлаб, ота-онасига ёқмайдиган қилиқлар қилади, айтганларининг тескарисини бажаради, тобора ота-она учун ҳам у билан бўладиган мулоқотлар оғир ботадиган бўлиб боради. Қасоскор бола кўпинча ота-она талабларининг тескарини қилиб, уларнинг асабига тегадиган, бошқариб бўлмайдиган қайсар ва кўпинча жиноят йўлига ҳам кириб кетадиган инсонга айланади.

- Баъзан ота-она меҳрсизлигидан азият чеккан бола курашиб чарчайди: “Мени севишмайди, керак эмасман, мени тинч қўйинглар”, деган маънода бола ўз ночорлигини ифодалай бошлайди. Бундай оиладаги вазият жуда оғир бўлиб, бола ўзини ёлғизликка маҳкум этади, ҳаммадан қочади, ўсмирлар ўртасида содир бўладиган суицид ҳолатларининг аксарияти ана шу психологик вазиятдан келиб чиқади.

Болани асраб олиш. Айрим ҳолатларда бола бегона шахслар томонидан асраб олинади ва қонуний рўйхатдан ўтказилади. Бундай ҳолатларда ота-она – бола муносабатларида сунъийлик элементлари кўп бўлади, чунки агар болани чақалоқлигидан асраб олган бўлса, бола уларни табиий идрок этаверади. Лекин ота-она учун унга кўникиш муаммоси юзага келади. Шу сабабли ҳам бундай оилалардаги шахслараро муносабатлар⁴ кўп ҳолларда яширин ёки

очик равишда таранг бўлади.

Болани сақлаб олган эр-хотиндаги ота-оналик мотивацияси аслида бошқа тоифалардан қолишмайди. Баъзан ҳаттоки, кучли ҳам бўлади. Чунки асраб олишга мажбур қилган мотивлар бепуштлиқ, кеч турмуш қуриш ёки ўз фарзандининг нобуд бўлганлиги бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай оилалардаги ота-онанинг тарбия услуби гиперпротекцияга, ҳаттоки, ҳаддан зиёд гиперпротекцияга ўхшайди ва шунга яраша салбий оқибатларга эга.

Яна бир сабаб – одатда бола асраб олишга аҳд қилган эр-хотинлар болани кутадилар, кутишлар мутивацияси қанчалик кучли бўлса, болани эркалатиб юбориш ёки унга нисбатан талабалар қўйиш шунчалик катта бўлади.

Учинчидан, бола бошқа инсонлардан дунёга келгани учун унинг генларида ўша ҳақиқий, табиий ота-онанинг сифатлари бўлиб, у баъзан асраб олган ота-онага ўхшамайди. Техасс штатида 10 йил мобайнида ўтказилган тадқиқотлар натижасини таҳлил қилган рус олимаси Равич-Шербо И.В. (2002) бундай болалардаги шахсий ва интеллектуал кўрсаткичлар табиий ота-оналар сифатларига асраб олган ижтимоий ота-оналарникига нисбатан анча яқин бўлишини исботлади. Яъни, қанчалик уринмасин, асранди болада ўша тукқан онаси ва отанинг сифатлари кўринаверади. Айрим кўникмалар, одатлар, характер хусусиятлари асраб олганларга яқин бўлиши мумкин. Шу боис ҳам баъзи асраб олувчи ота-оналар муайян муддатдан кейин асрандини етимхоналарга қайтарадилар, бу билан улар боланинг келгуси тақдирига янада мураккаб чизгиларни белгилайди, дилини оғритадилар.

Асранди болалар муаммоси Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Бизда ҳозирги пайтда 7 мингдан зиёд бола яқин қариндошлар ёки маҳалладаги олийжаноб инсонлар тарбиясидадир. Улар сони Меҳрибонлик уйларидаги чин етимлар сонидан ортиқлиги халқимизнинг асл табиатидаги одамийлик, олийжаноблик хислатлари билан боғлиқ. Лекин нима бўлганда ҳам бизда болани ўз ота-онаси тарбиясига бериш анъанага айланган. Оилавий етимхоналарда ҳам яқинларнинг етим болалари ва турли сабабларга кўра ота-онадан жудо бўлган қўшни болалар тарбияланадилар.

8-боб. Ака-укалик ва опа-сингиллик муносабатлари психологияси

8.1. Сиблинг мақомининг бола ва катталар муносабатига таъсири

А.Адлер оилашунослик фанида илк маротаба бола шахсининг шаклланиши ва ривожланиши унинг оиласидаги ака-укалар ва опа-сингилларнинг борлигига боғлиқлиги ғоясини илгари сурган. Афсуски, бу омил Шарқ халқлари, хусусан, Ўзбекистон учун ўта муҳим бўлишига қарамай, бизда ҳам, кичик оилалар хос бўлган Ғарбда ҳам жуда кам ўрганилган.

Психологик адабиётда сиблинг мақоми аслида (инглизча *sibling*, *sibs* – бир оиладаги акалар ва опалар маъносини билдиради) – муайян инсоннинг муайян оилада туғилиши, жинси ва туғруқлар орасидаги расмий фарқни ифодаловчи тушунчани билдиради. Боланинг сиблинг мақоми ва унинг шахсий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги масаласига ҳали аниқлик киритилмаган, яъни аниқ илмий далиллар етарли эмас. Шунга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар (Ричардсон Р., 1994; Дрисколл Р., Икстейн Д., 2003; Бразингтон Р., 2003 ва бошқалар) шахснинг сиблинг мақоми унинг шахсига, эр-хотинлик ва ота-оналик мақомларига, дўстлар билан муомаласига, ишда раҳбарият ва ҳамкасблар билан ўрнатадиган мулоқотларининг характериға таъсир этишини ўрганишган. Эмпирик маълумотлар бундай боғлиқликларнинг тўрт тури мавжудлигини таъкидлайди.

- *Тўнғич бола*, оиладаги фарзандларнинг каттаси, одатда ота-онасининг умиди бўлиб, ота-оналар ундан кўп нарсаларни кутади ва одатда у бу умидларни оқлайди ҳам. Ундаги муваффақиятларға бўлган интилиш, ўқиш ва касб-ҳунар эгаллаш йўналишидаги ютуқлари ва унга эришиш имкониятлари ҳам одатда юқори бўлади. Унинг муваффақиятлари нафақат ота-онанинг кутишларига боғлиқ, балки маълум вақт эркатилган боланинг, кейинчалик “тахтдан тушиши”, мавқенинг бирдан ўзгариши ва кутишлар тизимининг ҳам шунга яраша бошқача бўлиб қолиши билан боғлиқдир. Буни Адлер ибораси билан айтганда, “детронизация”, яъни тахтдан айрилиши деб аташ мумкин. Чунки укаси ёки синглиси пайдо бўлгандан сўнг, ота-онасининг эътибори бирдан бошқа болага қаратилиб, унга муносабат

ўзгариб қолганлигини бола ўзига хос қайғуриш билан ҳис қилади. Лекин ота-онанинг эътибори ва меҳрига қайтадан эришиш мақсадида у ҳаракат қила бошлайди.

Агар тўнғич фарзанднинг ука кўргандан сўнг пайдо бўладиган депривацияси кучли бўлса-да, ўзини кўрсатиш учун ички имкониятлари, лаёқати етарли бўлмаса (баъзан тўнғич фарзанд нимжонроқ бўлади), унда боланинг хулқида кескин салбий ўзгаришлар рўй бера бошлайди, масалан, укасини ёмон кўриб, унга зиён етказишга ҳаракат қилади, инжиқлиги билан ота-онасини хафа қилади, овқат емайдиган, ўзи мустақил равишда ухламайдиган, ҳатто, ҳожатга чиқмайдиган, айтилганларни бажармайдиган ўжар бўлиб боради. Ҳаётда шундай воқеалар ҳам кузатилганки, энди тетапоя бўлиб, мустақил ҳаракатлар қила бошлаган тўнғич фарзанд укасини итариб юбориши, оғзига ёмон нарсаларни солиб қўйиши, бешиқда ухлаб ётган болани йикитиш ҳолатлари бўлган. Яъни, ота-онанинг домимий меҳри етишмаётганлигини ҳис қилган болада рашк ҳисси уйғонади, унинг сабабчиси эса янги дунёга келган укасидир.

Шунга қарамай, аксарият тўнғич фарзандлар ота-онасининг зийраклиги, ўзида пайдо бўлган кўникма туфайли янги шароитга мослашади, секин-аста укасига меҳр қўяди, унга ғамхўрлик қилишдан роҳатланадиган ҳам бўлиб қолади. Бу унга фойда келтиради ҳам: келажакда у турли тоифа инсонлар, жумладан, катталар, обрўли инсонлар билан келишиб ишлашга ҳаракат қиладиган, уларнинг кўнглига қарайдиган, уйда кўрганлари кўчада қайтарилмаслигига ҳаракат қиладиган, мослашувчан бўлиб ўсади. Одатда бундай боланинг тенгқурлари орасида ўзига хос мавқеи бўлади. Ёшлигидан ота-онанинг юзи-кўзига қараб, уларнинг муносабатини ҳис қилишга ўрганган бола келажакда ўқитувчиси ёки раҳбарининг ҳам юзи-кўзига қараб, муомала қилишга ўрганади. Ота-оналик мақомига алоқадор муносабатларни ташқарида бошқаларга ҳам қўллашга кўникиб боради. Шунинг учун тўнғичларда киришимлилик, кичикларга ғамхўрлик, мустақил қарорлар қабул қилишга, масъулиятни бўйнига олиш ва лидерликка мойиллик ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам жамиятда раҳбар лавозимларда ишлаётган, сиёсий ва жамоатчилик идораларини бошқараётганларнинг аксарияти оилада тўнғич фарзанд эканлиги ўрганилган. Масалан, Америка Президентларининг ярми, 20 нафардан ортиқ австронавтлар оилада тўнғич фарзандлар бўлишган. Одатда оилада ўсаётган ўғил болаларнинг тўнғичи эркаклар жамоасини (масалан, ҳарбий, халқаро,

сиёсий ташкилотлар), сингиллари бўлган акалар хотин-қизлар жамоасини (мактаб, шифохона), ва шунга ўхшаш опалар ҳам мангикан мос равишда жамоаларни муваффақиятли бошқарадиган раҳбарлар бўлиб етишади. Никоҳ борасида эса ўртанча фарзанд анча келишиб, бахтли яшашга мойил бўлади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, айрим ҳолатларда айнан тўнғич фарзандлар баъзан жамиятда муаммоли, тарбияси оғирлар категориясига тушиб қолади. Бунга ё ота-онанинг катта фарзандидан умидларининг ҳаддан зиёд оғирлиги ёки “детронизация” жараёнининг бола томонидан салбий идрок этилиши сабаб бўлади.

- **Иккинчи фарзанд (ёки ўртанча)** одатда катталарга тобе, ўзгалар кўмагига муҳтож, адолатсизлик, ҳақсизликлар ва қаттиқликка чидамсиз, бошқаларнинг муносабатларини инжиқлик билан қабул қиладиган бўлиб ўсади. У акаси ёки опасига қараб, унинг соясида айёроқ, эпсизроқ бўлиб кўринади, чунки туғилганидан ёнида ундан катталар борлигига у кўникиб боради. Ўртанча фарзандлардан яхши санъаткорлар, спортчилар, дипломатлар, одамлар билан ишлашга устаси фаранг раҳбарлар етишиб чиқиши ҳам мумкин.

- **Кичик фарзанд** умрининг охиригача ўзини кичикман, деб ҳис қилишга мойил бўлади, уни ҳеч ким ҳафа қилиши мумкин эмас. Ҳамиша ғамхўрлик оғушида бўлган кичкинтой, келажакда ҳам ҳамма ерда ўзини муҳофазада, хавфсизликда ҳис этишга мойил бўлади ва бунини ўзгалардан талаб ҳам қилади. Уларнинг кайфияти кўпинча яхши бўлиб, ён-атрофидагилар билан яхши муомалага кириша олади. Одатда кичик фарзандда муваффақиятга эришиш мотивацияси кучли, рақобатбардошлик талаб этилган шароитда у чидамлироқ бўлади. Афсуски, уларнинг никоҳ борасида омадлари камроқ бўлиши кузатилган, оилада кичик фарзанд бўлганлар салга ажралишни ўйлайди, чунки улардан яхши вафодор, чидамли эр ёки хотин чиқмайди. Шу боис, турмуш қуришга ҳам унчалик шошмайди, чунки ўзига масъулиятни олишни ёқтирмайди.

- **Ягона фарзанднинг** сиблинг мақоми тўнғиччиликка яқин. Ота-онанинг умидлари ва орзу-ҳавасларини билиб катта бўлган бола кўп соҳада, айниқса, интеллектуал соҳада катта муваффақиятларга эришиши мумкин, лекин одатда жуда ўзини яхши кўрадиган, эгоист бўлиб қолишади. Улар жамиятда ҳам хато қилиб қўйишдан кўркмайди, муваффақият сари далил юради, лекин ҳар доим ҳам унга эришолмайди, чунки одамлар билан киришимли эмас. Шунинг учун ўзбекларда “ягона фарзанд – фарзанд эмас”, деган гаплар бор, улар

ота-онанинг куйиб-пишиб, унга барча имкониятларни яратиб, яхши кўраётганлигининг кадрига етмайди. Бу келгусида ҳам бошқа инсонларга нисбатан муносабатда ўз аксини топади, кексайиб қолган ота-онага тўнғич фарзанд қанчалик меҳрибон бўлса, ягона фарзанд бунинг акси бўлиб, отаси ва онаси вафотидан кейин ҳам улардан хафа бўлиб юради, “нега мени ташлаб кетишди?”, деб. Шунинг учун яхши оила учун камида иккита фарзанднинг бўлиши ва улар ўртасида яхши ўзаро муносабатларнинг қарор топиши шахс учун ҳам, оила ва жамият учун ҳам фойдалидир.

• *Сиблинглар рақобати* ҳодисаси *Г.Т. Хоментausкас* томонидан фанга киритилган ва ўрганилган. Бунда болаларнинг ўзаро муносабатлари, қачон бир-бирига рақиб, қачон бирлашишлари ўрганилган. Масалан, оилавий инқирозлар пайтида, ота-она қазо қилганда ёки хасталаниб қолганда улар албатта бир-бирига мурувват қилади, жипслашади. Аксарият ҳолларда эса айниқса, ривожланган мамлакатларда кўпинча битта ота-онанинг фарзандлари ўртасида ўзига хос таранг муносабатлар кузатилган. Бу нарса ўша жамиятлардаги шахсий автономия феномени билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон илк ёшлиқдан фақат ўз манфаати учун яшайди ва курашади. Бундай шароитда сиблинг муносабатларининг фақат ижобий бўлишига эришиш анча мушкул.

Ўзига хос демократия муҳити оилаларда барқарор бўлган ўзбекистонликлар миллати, ирки, келиб чиқиши ва иқтисодий мақомидан қатъий назар, албатта, оилада икки ва ундан ортиқ фарзанд бўлишига интилади ва болалар ўртасидаги муносабатларни ижобий тарзда йўлга қўйиш, оилавий роллар тақсмоти борасидаги ишларга алоҳида масъулият билан қарайди. Бунда эр-хотин момолар ва боболар ўғитларидан, асрий анъаналар самарасидан ўринли фойдаланишга интилади. Ҳукуматнинг бу борадаги демографик сиёсати ҳам оилалар манфаатига ҳамоҳанг, ягона фарзанд мамлакат иқтисоди ва унинг истиқболи учун етарли эмас эканлигини бизда ҳамма тушунади.

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш, миллий генофондни яхшилаш сиёсатининг туб маъноси мамлакатмизда дунёга келган ва келаётган фарзандлар, аввало, тўрт муччаси соғ туғилсин, соғ-саломат катта бўлсин ва уларни дунёга келтирган она оналик бахтидан тўла бахраманд бўлиб, турмуш ўртоғи билан биргаликда бахтиёр соғлом турмуш тарзини оиласида барқарор этсин. Юртимизнинг барча йирик

шаҳарларида ташкил этилган скрининг марказлари, петенатал шифо масканларининг асосий вазифаси соғлом фарзандлар туғилишини олдиндан аниқлаш ва ногиронликнинг олдини олишдир. Зеро, “Соғлом она – соғлом насл” шиори ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбига сингиб кетган нақлдир.

8.2. Кўп болали оилада шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола психик тараққиётига таъсири

Одатда кўп болали деб, 5 ва ундан ортиқ болага эга бўлган оилани тушуниш анъанага айланган. Лекин ҳозирда бу ҳолат жуда кам учрайди, айниқса, Ғарбий Европа мамлакатлари, жумладан, Россияда деярли саноклидир. Республика “Оила” илмий-амалий марказининг 90 йиллар охирида ўтказган тадқиқотларида қишлоқ аҳолисининг ҳар учтасидан биттаси кўп болали, яъни 5 ва ундан ортиқ бола бўлишига тарафдор бўлиб, маълумот берган бўлса, бугунги кунга келиб, атиги 0,6-0,7 % аҳолигина оилада болалар сони кўп бўлишига қарши эмас, лекин реал турмушда ҳам 5 ва ундан зиёд фарзанд кўраётган оилалар сони кескин қисқарган.

Илгари, яъни собиқ шўролар давригача бўлган пайтларда аёлларнинг бола туғиши сони ҳақиқатан ҳам кўп бўлган, лекин у болаларнинг аксарияти перенатал даврдаёқ нобуд бўлган, буни ҳеч бир расмий органлар қайд этмаган. Муаллифнинг шахсий изланишларига кўра, архивларда бундай статистика юритилмаганлиги ҳам аниқланган. Чунки шароитнинг оғирлиги, оналарнинг тиббий саводсизлиги туфайли оналар ўлими ҳам чақалоқлар ва кичик ёшли болалар ўлими кўрсаткичлари ҳам аслида жуда юқори бўлган.

Шўролар даврида бу масалага ёндошув ўзгарган. Мустамлака мамлакатларнинг серфарзандлиги ва болажонлигидан фойдаланиб, қўшимча ишчи кучи ва ресурсларни кўпайтириш мақсадида кўп болали оила ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган бўлиб қолди. Ҳаттоки, 6 тадан ортиқ фарзанд кўрган онага “Қаҳрамон она” нишони ҳам берилар эди. Лекин оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича деярли ҳеч қандай чоралар кўрилмаганлиги оқибатида, барибир, оналар ўлими кўрсаткичи ҳам болалар ўлими кўрсаткичи ҳам юқори бўлган. Фақат бу ҳақда расман гапирилмас, статистика ўта махфий эди. ЮНИСЕФ ташкилоти мониторинги натижаларига эътибор берсак, 1989 йилдан 2002 йилгача бўлган муддат оралиғида

мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати туфайли чақалоқлар ўлими 2,5 баробарга (1000 та тирик туғилган чақалоқ ҳисобидан 1989 йилда 38,1 ва 2002 йилга келиб, 16,7 миқдорга камайди, 2005 йилда бу кўрсаткич янада пастлади), оналар ўлими ҳам қарийб икки баробардан зиёдга камайди (мос равишда 100000 тирик туғилган болага нисбатан 42,8 – 1989 й.; 26,9 – 2002 й.)¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий оила аъзолари ҳеч нимага қарамай, оилада кам сонли (бизда ўртача 2-3 та) болани тарбиялашга боғлиқ установакаларга эга. Психологик тадқиқотлар кўп болали оила аъзоларининг психодиагностик тестлардаги кўрсаткичлари бошқаларникига нисбатан паст эканлигини кўрсатди. Бу уларнинг интеллектуал ва ижобий ривожланиши кўрсаткичларига, ижтимоий адаптацияси ва саломатлигига кўпроқ тааллуқлидир. Америкалик тадқиқотчилар (*Р.Зайонц, Х.Маркус* ва бошқалар) кўп фарзандли оиланинг салбий оқибатларига кўпроқ эътиборни қаратади, лекин уларнинг кўпгина хулосалари бизнинг муҳитимиз, бола тарбиялаш анъаналаримизга мос эмас. Бизда неклур оилада кўп фарзандни тарбиялаш мушкуллиги тўғрисидаги тасаввур бор, лекин катта бўлмаган оила шароитида 3-4 та ва ундан ортиқ болани тарбиялашдаги қатор ижобий тажриба ва хулосалар ҳам йўқ эмас.

Нима бўлганда ҳам шуни таъкидлаш жоизки, замонавий ўзбек оилаларида ҳам репродуктив установакалар ўзгарган ва ёшлар, ҳаттоки, ота-оналар ҳам катта оиланинг ташвишларини яхши тасаввур этадилар. Оила тарбиясида умуминсоний кадриятлар билан миллий кадриятларни уйғунлаштириш оиланинг барча аъзолари тарбияланганлик даражасини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

8.3. Оилапарварлик фазилатлари: миллий ва умуминсоний кадриятлар

Мустақиллик урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш учун йўл очди. Жамият ҳаётидаги улкан ўзгаришлар, телевидиния, радио ва матбуотнинг мавқеи кун сайин ортиб бораётгани, бир қарашда урф-одат ва анъаналарни ўрганиш масалалари замонавийлаштиш жараёнлари комида қолаётгандан туюлса-да, уларнинг жамият

¹Социальный мониторинг. – М.: “Инноченти”, 2004. – С. 67.

хаётидаги, шахс маънавияти ва мафкурасининг шаклланишидаги аҳамияти камаяётгани йўқ. Албатта, урф-одат ва анъаналар ҳамда маросимлар ўз вазифасини тўғри ўташи учун улар бевосита халқ томонидан тўла эътироф этилиши, кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган бўлиши керак. Шу сабабли ҳар бир жамият урфодатларнинг халқ орасига яхши сингиб кетишидан манфаатдордир.

Анъана ва урф-одатлар тарихий мазмунга эга, яъни моддий турмуш шароити таъсирида юзага келади, вақт ўтган сари улар барқарорлаша бориб, аждодлардан авлодларга меърос бўлиб қолади. Бунинг учун улар инсоният ҳаётида кадриятга айланиши керак.

Зеро, урф-одат, анъаналар ва маросимлар инсон учун кадриятга айланганда, унинг ҳаётини бойитади. Шу боис ҳар қандай жамият, ҳар қандай ижтимоий тузум уларга эҳтиёж сезади, улар ёрдамида одамлар орасида ўзаро муносабатлар кенг тус олади, ахлоқнинг муайян қоида ва мезонлари вужудга келади.

Кишиларни анъана, маросим ва урф-одатларга жалб этишда энг аввало оиланинг, маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари ва улугларининг ўрни каттадир. Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараён халқнинг маънавиятига таъсир этиб, бу жуда кўп урф-одат ва расм-русмларда ўзгаришларга сабаб бўлиб, янги удум ва маросимлар шаклланишида ўз ифодасини топмоқда.

Мустақиллик йиллари давомида давлат ва мамлакат миқёсида 9 та расмий умумхалқ байрамлари қарор топди. Улар халқ ва мамлакат тарихи, миллий менталитет ва маънавият, шунингдек, умумжаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, пухта ўйлаб жорий этилган. Ушбу байрамларни нишонлаш ёш авлод тарбиясида она Ватанга бўлган меҳрни мустаҳкамлайди. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган **урф-одат, маросим ва байрамлар** миллий мафкуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва Мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби янги байрам ва маросимларимиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Катталарга ҳурмат, ўзаро ҳамкорлик, фарзандларнинг тақдири ва келажаги учун қайғуриш, уларга ғамхўрлик қилиш ҳамиша оилавий кадриятларнинг ва удумларнинг асосий қоидалари бўлиб келган. Афсуски, ўтган тоталитар тузум даврида бу кадриятларга жиддий путур етди. Шажаралар унут бўлди, оилавий

хунармандчилик ва касб-корни авлоддан-авлодга узатиш, оилавий касбий кўникмалар унут бўлиши учун барча чоралар кўрилди. Қариндош-уруғнинг бир хил касбга ихлос қўйиши “қариндош-уруғчилик” тамғаси остида қораланди. Шу тарзда жамиятда оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий “ўрни” батамом йўқолиб кетишига сал қолди. Унинг ўрнига уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузуқ шакллари юзага кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган тайёрга айёрликка ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Истиклол йилларида оила кадрятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини яратди. Яъни, истиклолнинг ҳар бир оиланинг мустақил мамлакат ичидаги мустақил “жамият, давлат” сифатида эркин фаолияти, оилавий бизнесни ривожлантириш, ўз аъзоларининг барча фазилатлари яққолроқ намоён бўлишига очган чексиз имкониятлари туфайли ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ўсди, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла-тўқис рўёбга чиқа бошлади. Бунини юртимизга меҳмон бўлиб келаётган хорижлик туристлар, расмий арбоблар эътироф этишлари боис миллий меҳмоннавозлик ва саҳоват анъаналари янада ривожланди. Ўзбекнинг қадди росмана тикланди, миллий гуруҳ ўсди.

Энди биз Ғарбнинг ёки дунёнинг бошқа бурчидаги халқларнинг у ёки бу анъаналари, расм-русмларига кўр-кўрона тақлид қилишдан кўра, ўзининг ноёб удумларини кўз-кўз қилишга ҳозир бўлган халққа айландик. Ваҳоланки, оила ва никоҳ, фарзанд тарбияси, жамиятнинг катта ва кичиги ўртасидаги самимий, инсоний муносабатларга ривожланган мамлакатлардан келган минглаб хорижликлар ҳавас қилаётганлари ҳам айна ҳақиқатдир. Ўз асрий кадрятларининг эгаси бўлган халқимиз мустақиллик йилларида шарқона демократиянинг ўз менталитетига мос шаклини қарор топтиришда ташаббусни тобора ўз қўлига олмақдаки, бунда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини кадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда, бу ҳақиқатга халқ ўз заковати ва фаҳм-фаросати билан етиб бормоқда.

Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бунда оила ҳамда маҳалла институтларининг кенг имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарур. Бу борада амалга ошираётган ишларимиз охир оқибат нақфаҳат мамлакат манфаатига, балки ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатига хизмат қилиши муқаррар.

9.1. Давлатнинг оилани мустаҳкамлаш сиёсати ва уни асосий тамойиллари

Мустақиллик йилларида жонажон юртимиз Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида эътибор этилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 65-моддасида эътироф этилганидек, бизда “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилади”. Шунингдек, Бош қомусимизнинг 64-моддасида “ давлат ва жамият егим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради”.

Демак, Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун шарт-шароитлар яратиш давлат томонидан кафолатланади. Шу ўринда оила борасида давлат сиёсатининг шу тарзда қонуни кафолатланган, мақсадга йўналтирилган тарзда олиб борилиши зарурати нималарга асосланади, деган ўринли савол пайдо бўлади.

Давлат томонидан оила сиёсати, унинг базасини мустаҳкамлаш сиёсатининг олиб борилмаслиги ушбу ноёб ижтимоий институтнинг бошқа ижтимоий институтлар қаторидан муносиб ўрин ололмаслигига олиб келиши ва бунинг оқибатисифатида оила ва никоҳ муносабатлари бўҳронга учраши, инсонлар ўртасидаги муносабатларга зарба берилиш, турли муаммолар кўпайиб, ёш авлод тарбиясининг дастлабки ўчоғида маънавий инқирозлар кузатилиши мумкин. Шунинг учун муттасил тараққиёт ва халқ фаровонлигига эришиш йўлидан собит қадамлик билан борадиган жамият ва ундаги давлат тизимлари оиланинг мустаҳкам ва барқарор бўлишидан, авлодлараро ворислик йўқолиб кетмаслигидан манфаатдордир.

Шундай қилиб, *Оила сиёсати* – бу давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ННТ ларининг шахс ва жамият манфаатига мос келадиган оила деб аталмиш эр-хотин ва уларнинг икки ва ундан ортиқ фарзандларидан иборат ижтимоий тузилмани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган

фаолиятидир. Бу оилавий турмуш тарзини барқарорлаштириш, ҳар бир инсоннинг ўз оиласи ва шажараси бўлиши истагини рўёбга чиқариш учун аҳолини қўллаб-қувватлаш сиёсатидир. Унинг том маъноси шундаки, давлат ва жамият тўлиқ оилаларнинг имкон даражасида кўп бўлишидан, унда авлолараро ворислик, шажараларнинг бардавомлиги, ёшларнинг оила ва никоҳни қадрият сифатида эътироф этишидан юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги таъминланишига ишончини билдиради.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила институтини амалда мустаҳкамлаш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг қонуний базаси яратилди. 1998 йилда қабул қилинган “Оила Кодекси”да ушбу муносабатларнинг барча жабҳалари регламентация қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бошқа қатор Кодекс ва қонунларда ҳам бевосита оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидида оила аъзоларининг мулкый муносабатлари, уларнинг улушлари, меросхўрлик, ворислик ҳуқуқлари;

- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексидида фарзанди бор аёлларга тадбиқ этиладиган имтиёзлар, фуқаро сифатида барча оила аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқлари;

- Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексидида мулк сифатида уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқлари;

- “Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида”ги қонунда оиланинг катталари ҳамда меҳнат ёки саломатлиги туфайли нафақахўр бўлганларнинг ижтимоий ҳимояси;

- “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун (1998) да кўп болали, ногирон боласи бор бўлган оилаларга бериладиган имтиёзлар, квоталарни тақдим этиш тартиблари ва ҳ-зо;

- “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунда (1995 й.) оилада хотин-қизларнинг саломатлиги, жумладан, репродуктив саломатликнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши тартиблари;

- “Хотин-қизларга бериладиган кўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонунда фарзанди бор ҳамда оғир меҳнат шароитида ишлайдиган аёлларга бериладиган имтиёз ва кўшимча имкониятлар

борасидаги қондалар ўз ифодасини топган.

Қонунларнинг амалдаги ижроси мустақиллик йилларида қабул қилинган ва амалиётга жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўнлаб қарорлари асосида таъминланади, уларда айнан оиланинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар сонининг оила аъзолари бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланиши орқали камайтириш чоралари белгиланган. 1994 йилдан буён қабул қилинаётган ва амалда муваффақият билан ижроси таъминланаётган Давлат дастурларида кўп болали ва кам таъминланган оилалар, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши ўз аксини топмоқда. Буларнинг энг муҳимлари:

- Президентимизнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (25 май 2004 й.) ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ижросини таъминлаш бўйича 299-чи сонли қарори;

- “Фуқароларга хизмат кўрсатиш учун бирвақтлик ёрдам пуллари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори(2002 йил);

- “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун умумтаълим кредитларини тақдим этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2001 йил);

- “Болалик оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1996 йил);

- “Ишлаётган нафақахўрларга нафақаларни тўлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (1995);

- “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил қилиш масалалари ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1994 йил);

- “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика Президентининг 2007 йил 18 майдаги Фармони ва бошқа ўнлаб Фармон, норматив ҳужжатлар ва қарорларни келтириш мумкин.

Юртимизда оилани мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсатининг афзаллиги шундаки, давлат оиланинг ўзига хос суверен тузилма сифатида қадрлайди, унинг ички ишларига аралашмайди, лекин у ёки бу сабабларга кўра, оилада баъзи қийинчиликлар пайдо бўлган бўлса, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла

қўмиталари, унда фаолият юритаётган жамоатчилик комиссияларига муружаат қилиб орқали фуқаролар ўз манқаатларини ҳимоя қилишлари ва давлатнинг мададига эришишлари мумкин.

Иккинчи томондан, оила икки оиланинг, унда тарбияланаётган икки ёшнинг ихтиёрий келишуви, танловидан ҳосил бўлган иттифок бўлгани учун ҳам ушбу жараёнларга ҳам аралашмайди, чунки бу шахсий муаммо. Лекин давлат фуқароларнинг “эркин никоҳлари”га, хоҳлаган пайтда хоҳлаган инсон билан ўзи билганича никоҳга кириб ёки кирмай яшашига бефарқ бўла олмайди. Чунки бу жамиятнинг ахлоқий томирларини кесиши мумкин. Шунинг учун турли хил оилани қўллаб-қувватловчи тузилмалар борки, улар оила-никоҳ борасидаги ноҳақликлар бўлган шароитда, оилада бир ёки бир неча аъзонинг инсоний манфаатлари таҳқирланган шароитда, фарзандлар ота-онасининг ноҳўя ҳаракатлари туфайли кўчада қолиб хавфи пайдо бўлганда ўзининг жамоатчилик ташкилотлар, жумладан, хотин-қизлар комиссиялари, яраштириш комиссиялари, “Оила” марказлари, оқсоқоллар орқали бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўради, керак бўлса, уларни ҳукумат дастурлари ёки қарорлари асосида мустаҳкамлайди.

Оиланинг мутаҳкам ва барқарор бўлиши унинг аъзолари саломатлигига, ота-оналикка психологик жихатдан тайёрлигига бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам мамлакатимизда бу борада аниқ механизмлар ишга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги 365-сонли қарорининг амалда жорий этилиши, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитилаётган “Оила психологияси” курсларининг узлуксиз таълим тизимига киритилганлиги кабиларнинг давлат томонидан молиялаштирилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

9.2. Ўзбекистонда оилаларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар

Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти – жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш даражаси юқори ва энг муҳими, оилаларнинг бузилиши дунё бўйича энг паст даражада. Оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик аънаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада

мавжуд оилалар сони бугунги кунда 5 миллиондан зиёд бўлиб, уларнинг аксарияти бўлинмаган, кўп авлодли, турли авлод вакиллари бирга яшайдиган ва бирга хўжалик юритадиган хонадонлардир. Оиланинг бундай ўзимизга хос бўлган шакли болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий қадриятлардан, анъаналардан баҳраманд қилиш, шу билан бирга миллий анъаналаримизнинг сақланиши, билим даражасини ошириш учун кулай шароитлар яратди. Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни, туғилиб ўсган юрти, қишлоғи, шаҳри, яхлит Ватанини севишни ўрганадилар.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий истиқболига бевосита алоқадор илмий тадқиқотларни ўтказишдан кўзланган *асосий мақсад* – Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида жамиятнинг негизи ҳисобланган оилалар борасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади, йўналишлари ва тамойилларини белгилаш орқали оилага йўналтирилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, иқтисодий фаолиятнинг дастурини ва оила институтини миёлий ва умуминсоний қадриятлар мувофиқлигида мустаққамлашнинг илмий асосланган стратегиясини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Республикамызда 90 йиллардаёқ оилаларнинг кўп болалик шаклидан ўртача болалик шаклига ўтиш рўй бераётганлиги башорат қилинган эди. Чунки 1998-1999 йилларда ўтказилган тадқиқотларда шаҳар оилаларининг 75-76, қишлоқ оилаларининг 53-54 фоизи оилада фарзанд туғилишини режалаштираётганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлинган эди. Лекин муҳтарам Президентимизнинг “Соғлом авлод йили” давлат дастури асосида “Соғлом она – соғлом бола” ижтимоий ҳаракатини такмомиллаштиришга қаратилган Давлат дастуридаги чора-тадбирларнинг белгиланганлиги туфайли, айни пайтда оила ва саломатлик сифатлари соғлом туғилган бола ва уни дунёга келтирган онанинг ҳолатига боғлиқ эканлигини аҳоли тобора теранроқ тушуниб бормоқда ва бу тушунча аҳолининг фарзанд кўришга нисбатан репродуктив установакаларида акс этмоқда.

Оилалар миқдорининг ортиб бориши охириги йилларда асосан ёш оилалар ва нуклеар типли, яъни эр-хотин ва уларнинг фарзандлари алоҳида яшайдиган оилалар ҳисобига содир бўлмоқда. Мавжуд оилаларнинг салкам 50 фоизи – бу нуклеар оилалар, бир хонадонда бир неча алоҳида оилалар истиқомат қиладиган

патриархал оилалар жами оилаларнинг салкам 23,5 фоизини ташкил этади. Нуклеар, ёш оилаларнинг аксарияти 9 йилдан кам бўлган турмуш тажрибасига эга бўлганлар бўлиб, содир бўлаётган никоҳнинг барбод бўлиши ҳолатлари айнан шу каби оилаларга тўғри келмоқда. Яъни илмий изланишлардан олинган маълумотларга кўра, 70 фоиздан ортиқ никоҳ ажримлари ёш оилага тўғри келади.

Бундан ташқари, оила борасидаги янги ҳолат шуки, агар 90 йилларда мигрантлар орасида аёллар кўпчиликни ташкил этган бўлиб, улар асосан турмушга чиқиш оқибатида турар манзилени ўзгартириган бўлса (жами мигрантларнинг 53%), охириги йилларда аксинча эркакларнинг меҳнат миграцияси кўлами ортиб бормоқда ва бу ҳам оиланинг ҳолати ва сифатига кучли таъсир этмоқда. Ушбу ҳолат ҳам жиддий тадқиқотларни талаб этади.

Яъни Ўзбекистон аҳолиси катта демографик салоҳиятга ва қулай таркибга эга. Ўтган ўн йилликларда туғилиш даражаси нисбатан камайди, аммо мавжуд кўрсаткичлар ҳам бу салоҳият ва таркиб муайян давр оралиғидагина сақланиб қолишини кўрсатади. Ўзбекистон аҳолисининг 37 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, аҳолининг умумий таркибида меҳнатга яроқли аҳоли улушининг нисбатан пастлиги ва Ўзбекистондаги демографик вазиятнинг бошқа хусусиятлари бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини фаол ижтимоий муҳофаза қилишни тақозо этади. Шу боис, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси Ўзбекистон сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир ва бу тизим изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Бугунги кунда давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим жабҳаларидан бири аҳоли пуфузи, сифати масаласидир. Аҳоли сифати деганда, асосан аҳоли саломатлиги даражаси, болалар ва оналар саломатлиги даражаси, ўртача умр кўриш даражаси, репродуктив установакалари, аҳоли маълумоти ва иш билан бандлиги даражаси, миллий кадриятлар ва анъаналар сақланганлиги каби қатор тавсифлар тушунилади. Яъни таъкидлаш жоизки мамлакатимиз ижтимоий–иқтисодий ривожланишшини жадаллаштиришнинг муҳим шarti аҳоли сифатини оширишдир. Бунга эришиш учун давлатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, лекин уларнинг самарадорлигини ошириш илмий асосланган миллий сиёсат асосидагина таъминланиши мумкин. Бунда аниқ илмий маълумотлар, жумладан, аҳолининг таркиби, стратификацион хусусиятлари, миллий таркиб албатта инобатга олинishi лозим.

Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби аҳоли ўртасида амалга ошириладиган сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, давлатимиздаги демографик вазиятни илмий – асосли баҳолаш ва унинг мониторингини олиб боришга асосланади.

Шундай қилиб, мамлакат мустақиллигининг 16 йили мобайнида амалга оширилган ишлар ана шу халқнинг яратувчанлик йўлида ягона ғоя атрофида бирлашаётганлигининг исботи бўлиб, бу ишларнинг кўлами Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги эътирофига сабаб бўлди. Олий Мажлиснинг 9 сессиясида юртбошимиз таъкидлаганларидек: “..юртимиздаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб борган сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора кўпроқ сезилмоқда”.¹ Демократик кўникма ва фуқаролик фазилатлари тарбияланадиган муҳим масканлардан бири – оиладир.

Оилага доир бундай муаммоларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш ўта долзарб ҳисобланади. Айниқса, муаммолар ечимини топишда юртимиздаги демографик вазият билан боғлиқ ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки мустақиллик йўлидаги мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида оила тараққиётининг барча жабҳаларида ўзгаришлар кузатилмоқда ва ўз-ўзидан янгича демографик вазият юзага келмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек “Республикадаги алоҳида демографик вазият ўз ижтимоий – иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиш зарурлигини белгилаб берувчи ғоят муҳим хусусиятлардан биридир”.

Оила сиёсатининг узокни кўзлаган, истиқболли йўналиши жамиятда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бундай сиёсатнинг фуқаролар томонидан англаниши уларда оила-никоҳ муносабатларига нисбатан чексиз масъулият ҳиссини, ўзи курган оилага нисбатан ғурур ва уни кадрлаш психологиясини шакллантиради, албатта.

¹Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Туркистон газетаси. – Т.: 31.08.2002. – №.

9.3. Оилага йўналтирилган сиёсат дастури: XXI аср оиласи концепцияси

XXI аср концепциясини яратиш ва уни ҳаётга жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти истиқболларини ҳисобга олган оила ва унинг ижтимоий муҳофазасига алоқадор ташкилот ва жамоатчилик муассасалари учун, оила борасида илмий изланишлар олиб боровчи олимлар ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга масъул бўлган таълим ва тарбия масаканлари, ота-оналар учун ўзбек менталитети, халқимизнинг ўлмас маданий мерослари, миллий қадриятларни инobatга олган ва унинг эртасини белгиловчи методологик ҳамда назарий-амалий қарашлар мажмуини яратишдан иборатдир. Бу иш Республика “Оила” илмий-амалий марказида “Она ва бола йили” давлат дастури доирасида ишлаб чиқилди.

XXI аср оиласи концепциясини яратишдан кўзланган асосий мақсад – Ўзбекистон Республикасининг асрий анъаналари, оилавий урф-одатлари, миллий қадриятларини тарихий-этнографик асосда ўрганган ҳолда Ўзбекистон оилаларининг истиқболлини белгиловчи устивор вазифаларни ва фаолият стратегияларини белгилашдан иборатдир.

Ўзбекистон оилаларига хос бўлган устивор хусусиятлар, миллий қадриятлар даражасига кўтарилган оилавий удумлар, расм-русмлар ва анъаналарнинг шахсга тарбияловчи таъсир кўрсатувчи жиҳатлари илмий жиҳатларини очишга йўналтирилган ушбу ҳужжат Республикамизда истиқлол йилларида оилани ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ота-оналарга берилган имтиёзлар ва бола тарбияси учун яратилган шарт-шароитлар ва уларнинг комил инсон тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларини инбатга олган ҳолда мавжуд бўлган муаммолар доирасида оиланинг истиқболи, ривожланиш тенденцияларини белгилайди. «XXI аср оиласи» концепцияси асосида оилани комплекс ўрганиш дастури таклиф этилган.

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган оила сиёсатининг том маъноси XXI аср оиласининг истиқболдаги ривожланиши ва тараққиётининг устивор йўналишлари жамият тараққиётининг кафолатлари тўғрисидаги эзгу ғояларимизга ҳамоҳангдир. Шунга таянган ҳолда XXI асрда оилалар ривожланишига асос бўлувчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий омиллар ва тамойиллар қуйидагича

ифодаланиши мумкин:

— **XXI аср оиласи** жамиятда устивор бўлган демократик тамойилларга асосланган, ҳеч қандай Ҷиёсий кучларнинг субъектив хохиш-иродасига қарам бўлмайдиган, жамиятни олға ривожланишига тўсиқ бўлувчи иллат ва асоратларни бартараф этишга кодир бўлган маскан ролини ўйнайди;

— **Янги аср оиласи** миллий урф-одатлар, миллий қадриятлар, анъаналар ва удумларнинг жамият ривожини ва оила барқарорлигига хизмат қилувчи жиҳатларини илғор, инсоният тараққиётига алоқадор анъаналар билан уйғунлаштирувчи табиий макондир;

— **XXI аср оиласи** инсонпарварлик ва демократия тамойилларининг том маънода жамиятда устивор бўлиши ва ҳар бир жамият аъзоси бўлган фуқаро томонидан онгли тарзда идрок қилиниши учун маърифат мактабини ўйнайди;

— **XXI аср оиласи** умуминсоний қадриятларга содиқлик, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминланиши учун маънавий кўрғон ролини ўйнайдиган ижтимоий институтдир;

— **XXI аср оиласи** “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”, “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан удуғ” деган тамойилларни ўз аъзолари онгига сингдириш учун қулай бўлган мафкуравий муҳитдир;

— **XXI аср оиласи** халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизациясининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштирадиган ва шу аснода ҳар томонлама баркамол соғлом авлодни тарбияловчи маскандир;

— **XXI аср оиласи** ҳар бир фуқаронинг куч ва иқтидорини ўз ҳалол ва сафарбар меҳнати орқали рўзғорнинг иқтисодий такомилини таъминлаш, шу орқали жамият ишлаб чиқариш кучларининг самарадорлигини ва қудратини таъминловчи ижтимоий муносабатлар маконидир. Оила иқтисодини барқарорлаштиришда оилавий тадбиркорлик, ижара, оилавий ишлаб чиқариш, касаначилик шаклларида оқилона фойдаланади ва оила бюджетини яхшилаш, турмуш тарзини фаровонлаштириш учун замонавий техника ва технологиялардан, маиший хизмат шаҳобчалари хизматидан унумли ва ўринди фойдаланади;

— **XXI аср оиласи** ўз фуқароларида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш орқали инсонларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатини таъминловчи, бунда миллий, умуминсоний ва демократик тамойиллар маъно-моҳиятини етказувчи

ижтимоий институтдир;

– **XXI аср оиласи** ўзининг интеллектуал салоҳияти, ақл-заковати ва иқтидори билан илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланиш орқали инновацион кашфиётлар ва юксак технологияларни оила барқарорлигига йўналтирувчи, соғлом ижодий муҳитни таъминловчи макондир.

9.4. Миллий ғоя ва шахс тарбиясида оиланинг роли

Миллий ғояни омма онгига сингдиришни энг аввало оиладан бошлаш, оиланинг этнопсихологик хусусиятларини, оила аъзолари онгига соғлом фикрларни сингдиришнинг педагогик тамойилларини, психологик механизмларини, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маънавий-маданий жиҳатларини инobatга олиш мақсадга мувофиқдир. Бугун барчамизга истиқлол мафқураси ва миллий ғоя мамлакатимиз эришаётган ва эришажак ютуқларнинг асосларидан бирини ташкил қилиши, миллатни миллат, халқни халқ қилиб бирлаштирувчи, жамият ижтимоий тараққиётининг зарурий мезони эканлиги тарихий ҳақиқатдир. “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор”¹.

Маълумки, иймонлилик, инсонпарварлик, диёнат, эътиқодлилик каби шахс мафқуравий тасаввурларининг асосида ётган фазилатлар ўсмирнинг энг аввало оилавий муносабатлар тизимида тутган ўрнидан, ота ва она, оиладаги бошқа катта авлод вакиллариининг ижтимоий мавқелари ва роли мазмунидан келиб чиқади. Зеро, мафқуравий тасаввурлар ҳамда улар асосида шаклланувчи инсоний фазилатлар шахснинг яхлит структурасидаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Миллий ғояни оила муҳитида боланинг онги, қалбига сингдиришнинг муҳим воситаси – бу оилавий кадриятларни сақлаш ва илғор оилавий анъаналарни кундалик тарбия тизимида жорий

¹Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган мажлисидаги табрик сўзи. // Халқ сўзи газетаси. – 1997. – Б. 8.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 400 б.

этиш, турмуш тарзининг бир бўлагига айлантиришдир. Бунда ота-онанинг ўрни ва роли бевосита характерга эга бўлиб, фақат соғлом муомала ва самимият муҳитигина ўсмирнинг дунёкараши шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

Шу нуктаи назардан, оилавий анъаналар, расм-русмлар ва одатлар орқали болаларимиз онгига миллий ғояни ва истиқлол мафқурасини сингдиришни таъминловчи психологик омиллар ва шарт-шароитларни аниқ билиш ўта долзарб ва муҳим вазифадир.

Халқ психологиясида мафқуравий таъсирчан омиллар моҳиятини билиш, янгича расм-русмлар маросимларнинг аҳамиятли томонларини кундалик турмуш тарзига айлантириш ёшлар эътиқодига самарали таъсир кўрсатувчи педагогик технологияларга кириди.

Таъкидлаш жоизки, оила ижтимоий институт сифатида ўзининг барча вазифаларини бажарган тақдирдагина, мафқуравий тарбиянинг кафолатли ўчоғига айланади. Зеро, ҳар бир оиланинг муқаддас вазифаси – қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий томондан етук қилиб, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Яъни, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол инсон фақат соғлом оилада шаклланиши мумкин. Оиладаги соғлом муҳит ва барқарорлик эса яхлит жамият маънавий такомиленинг асосидир.

Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда айрим Ғарб мамлакатларида бир йилда ўнта никоҳдан еттитаси бузилар экан. Шунинг ўзиёқ маънавий ҳаёт, ахлоқ-одоб масаласига бепарволик ва лоқайдлик, эркинликни ўзбошимчалик деб тушуниш қандай оғир ва аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асрлар давомида ўзбек оиласи мустаҳкам ва бахтли бўлиши учун ўзида яхши маънодаги патернализм тамойилини асраб келмоқда. *Патернализм* (лот. Pater – ота, paternus – оталарча,) – кишилар онгига “оталарча ғамхўрлик” ва

“ижтимоий шериклик” ғоясини сингдиришга қаратилган қараш ва фаолият мажмуи. Оила муҳотидаги патернализм – отанинг обрў-эътиборлилиги, фарзандлар тарбияси ва оила фаровонлигидаги ўз ўрни ва масъулиятини англаши ва бунинг оила аъзолари томонидан онгли эътироф этилишидир. Бундан ташқари, ушбу тушунча оиладаги кексалар, қариялар, ёшлар, ёрдамга муҳтожлар ёки иқтидорлиларга ҳамisha кўмаклашиш, улар учун етарли ҳаёт шароитини яратишни ҳам назарда тутади. Патернализм ғояси ўзида инсонпарварлик, ҳамкорлик ғояларини ифодалаб, халқнинг умумий қизиқиш ва интилишларини акс эттиргани учун кўп ҳолларда жамиятни бирлаштириб, унинг равнаки учун хизмат қиладиган омил ҳисобланади, бу том маънода моҳиятан ўзбек оилаларида ўз ифодасини сақлаб қолган. Бу қадрият “оилавий бурч”, “ҳамжихатлик руҳи”, “фидойилик”, “ватанпарварлик”, “оилавий қадриятларга садоқат”, “катталарга ҳурмат”, “кичikka ғамхўрлик” каби тушунчаларга асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган мажлисидаги табрик сўзи. // Халқ сўзи газетаси. – 1997. – Б. 8.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 429 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 432 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 49 б.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод обод Ватан қолсин. – Т.2. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 380 б.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 80 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат, 1998. – 302 б.
9. XXI аср оиласи концепцияси. Республика “Оила” илмий-амалий маркази. – Т.: НИСИМ, 2002. – 28 б.
10. Авдеева Н.Н., Хаймовская Н.А. Зависимость типа привязанности ребенка к взрослому от особенностей их взаимодействия (в семье и доме ребенка) // Психологический журнал. 1999. Т. 20, № 1.
11. Адлер А. Помощь родителям в воспитании детей. – М.: 1992.
12. Аёл, оила ва жамият / Илмий-амалий конференция материаллари / Масъул мух. Ф. Отахонов. – Т.: 2007 – 260 б.
13. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное консультирование. – М.: 1999.
14. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: 2004.
15. Антонов А.И. Микросоциология семьи. – М.: 1998.

16. Антонов А.И. Эволюция норм детности и типов демографического поведения// Детность семьи: вчера, сегодня, завтра. – М.: 1986. – С. 10-25.
17. Антонов А.И., Медков В.М. Второй ребенок. – М.: 1987.
18. Антонов А.И., Сорокин С.А. Судьба семьи в России XXI века. – М.: 2000 (гл.6 “Семья и здоровье”).
19. Антонов А.И., Борисов В.А. Кризис семьи и пути его преодоления. – М.: 1990.
20. Бейкер К. Теория семейных систем М. Боуэна // Вопросы психологии. 1991. № 6.
21. Бердников Т.В., Степашов Н.С., Сидоров Г.А. Юное материнство в современной семье. – Курск: Изд-во Курск. гос.мед.ин-та, 2000. – С. 164.
22. Бодалев А.А., Столин В.В. Семья в психологической консультации. – М.: 1989.
23. Борисов В.А. Демография. – М.: 2002
24. *Бразингтон Р.* Порядок рождения // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003.
25. Брутман В.И., Филиппова Г.Г., Хамитова И.Ю. Динамика психологического состояния женщин во время беременности и после родов // Вопросы психологии. 2002. № 1.
26. Брутман В.И., Филиппова Г.Г., Хамитова И.Ю. Методика изучения психологического состояния женщин во время беременности и после родов // Вопросы психологии. 2002. № 3.
27. Бўриев Очил. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
28. Видра Д.О., Фигдор Г. Помощь разведенным родителям и их детям: От трагедии к надежде. – М.: 2000.
29. Винникотт Д.В. Маленькие дети и их матери. – М.: 1998.
30. Волков А.Г., Сороко Е.Л. Типология семей и домохозяйств в России: Развитие и анализ (по данным микропереписи 1994г.) // Вопросы статистики. 1999. № 5.
31. Гозман Л.Я. Психология эмоциональных отношений. – М.: 1987.
32. Голод С.И. Семья и брак: Историко-социологический анализ. – СПб.: 1998.
33. Демоз Л. Психоистория. – Ростов-на-Дону: 2000.

34. Диксон Р. Колебания возраста вступления в брак и доли никогда не состоявших в браке в странах разных культур // Брак и семья: демографический аспект. – М.: 1975. – С. 45-59.
35. Дмитриева Е.В. Социология здоровья. – М.: 2002.
36. Добряков И.В. Перинатальные аспекты психологии и психотерапии семьи // Семейный диагноз и семейная психотерапия. – СПб.: 2003.
37. Дрисколл Р., Икстейн Д. Порядок рождения и личность // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003.
38. Дубровин Ю.В. Предисловие к книге Б. Рассела “Брак и мораль”. – М.: 2004.
39. Думитрашку Т.А. Влияние внутрисемейных факторов на формирование индивидуальности // Вопросы психологии. 1991. № 1.
40. Иномова С.Т. Эъззли аёл икболи – Т.: О’QITUVCHИ, 2005 – 96 б.
41. Иноятгов М. Оила, ижод, тарбия ва маънавият. – Т.: Шарқ, 2000. – 111 б.
42. Интеракция. Интервью. Интерпретация // INTER- – 2002. – № 1.
43. Калмыкова Е.С., Комисарова С.А., Падун М.А., Агарков В.А. Взаимосвязь типа привязанности и признаков посттравматического стресса (Сообщ. 2) // Психологический журнал. – М.: 2002. – Т. 23. – № 6.
44. Калмыкова Е.С., Падун М.А. Ранняя привязанность и ее влияние на устойчивость к психической травме: Постановка проблемы (Сообщ. 1) // Психологический журнал. – М.: 2002. – Т. 23. – № 5.
45. Камерон-Бендлер Л. С тех пор они жили счастливо. – Воронеж: 1993.
46. Капица С.П. Общая теория человечества: Сколько людей жило, живет и будет жить на Земле. – М.: 1999.
47. Каппенберг Р.П. Семейные кризисы // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 795-796.
48. Каримова В. Мехр ва мурувват оиладан бошланади. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 28 б.
49. Каримова В. Оила тафаккур ва саломатлик: (Оилада соғлом турмуш тарзини яратиш хусусида) //Бошланғич таълим. – 2005. – №

2. – Б.8-11.

50. Каримова В. Саломатлик психологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.

51. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув кўлланма. – Т.: 2006 – 142 б.

52. Каримов Х.К. Ўзбек оилаларида эр-хотин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Дис... психология фанлари номзоди. – Т.: 1994. – 142 б.

53. Карлсон А. Общество – семья – личность. – М.: 2003.

54. Кратохвил С. Психотерапия семейно-сексуальных дисгармоний. – М.: 1991.

55. Кутырев В.А. Разум против человека. – Н.Новгород: 1999.

56. Лев-Старович З. Секс в культурах мира. – М.: 1991.

57. Мацковский М.С. Социология семьи: Проблемы методологии и методики. – М.: 1989.

58. Минухин С., Фишман Ч. Техники семейной терапии. – М.: 1998.

59. Мухамедрахимов Р.Ж. Психология взаимодействия матери и младенца. – СПб.: 1998.

60. Нистал М. Родители-одиночки // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003.

61. Оила, жамият, қонун – Т.: “O‘zbekiston” - O‘qituvchi, 2007 – 112 б.

62. Оилага нечта фарзанд керак? – Т.: Медицина, 1989. – 18 б.

63. Основы психология семьи и семейного консультирования: Учеб пособие для студ. высш. учеб. Завед. / Под общ. ред. Н.Н. Посысоева. – М.: Изд-во ВЛАДОС-ПРЕСС, 2004. – 328 с.

64. Пезешкиан Н. Позитивная семейная психотерапия. – М.: 1993.

65. Плотинский Ю.М. Теоретические и эмпирические модели социальных процессов. – М.: 1998 (гл. №6-10).

66. Поршенка А.П., Романов И.Ю. Психоанализ в развитии: Сб. переводов. – Екатеринбург: 1998.

67. Проневская И.В. Деформация внутрисемейных отношений: сравнительный анализ фамилистических текстов // Вест. Моск. Ун-та. Сер.18 Социология и политология. – 1997. – №2.

68. Психология семейных отношений: конспект лекций / сост. С.А. Векилова. – М.: АСТ; – СПб.: Сова, 2005. – 127 с.

69. Равич-Щербо И.В., Марютина Т. – М.: Григоренко Е.Л.

Психогенетика. – М.: 2002.

70. Ричардсон Р.У. Силы семейных уз. – СПб.: 1994.

71. Роджерс К. Клиент-центрированная терапия. – М.: Рефлбук, 1997.

72. Савина Е.А., Чарова О.Б. Особенности материнских установок по отношению к детям с нарушениями развития // Вопросы психологии. 2002. № 6.

73. Рўзикулов Ф.Р. Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий-психологик асоратлари: Дис... психология фан.номзоди: 19.00.05. – Т.: 2002. – 160 б.

74. Салаева М.С. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Дис. психол.фан.ном. 19.00.05. – Т.: 2005.

75. Сатир В. Как строить себя и свою семью. – М.: 1992.

76. Сатир В. Психотерапия семи.– СПб.: 2000.

77. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 160 б.

78. Семья в психологической консультации / Под ред. А.А. Бодалева, В.В.Столина. – М.: 1989.

79. Синельников А.Б., Децнер Д.Ф. Отношения между поколениями в американских и российских семьях// Семья на пороге третьего тысячелетия / Науч. Ред. А.И. Антонов, М.С. Мацковский, Д.У. Мэлдок, М.Д. Хоган. – М.: 1995. – С. 122-135

80. Содиков К. Оилавий ҳаёт, гигиеник ҳамда жинсий тарбия: Пед. ин-т ва билим юрт. ўқитувчилари учун ўқув кўлл. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 120 б.

81. Социология семьи: Учебник / Под ред проф. А.И. Антонова - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 640 с. (Классический университетский учебник).

82. Тищенко П.Д. Биовласть в эпоху биотехнологий. – М.: 2001.

83. Томпсон П. История жизни и анализ социальных изменений // Вопросы социологии. – 1993. – № 1-2

84. Тренквист Р. Историко-эмпирическая социология. Современная западная социология: Теория, традиции, перспективы / Под ред. П. Монсона. – СПб.: 1992.

85. Умарова М.М. Ўсмирларда оилавий кадриятлар тўғрисидаги тасавурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари: Дис.... психол.фан.номзоди: 19.00.05. – Т.: 2004. –

166 б.

86. Усмонов М., Хамидов Х. Донишмандлар оила хақида. – Т., 1999. – 62 б.
87. Фарзанд – азиз, она – мўғтабар / Тахрир хайъати В.Каримова ва бошқалар – Т.: Ўзбекистон, 2001 – 204 б.
88. Фахр-ул Банот Сибхатуллох кизи. Оила сабоқлари. – Т.: Ёзувчи, 1992. – 96б.
89. Фахруддин ибн Ризоутддин. Оила. – Т.: Меҳнат, 1991. – 64 б.
90. Фигдор Г. Дети разведенных родителей: Между травмой и надеждой. – М.: 1995.
91. Филлипова Г.Г. Материнство: Сравнительно-психологический подход // Психологический журнал. 1999. Т. 20, № 5.
92. Филиппова Г.Г. Психология материнства: Учебное пособие. – М.: 2002.
93. Фрейд П. Психология “Я” и защитные механизмы. – М.: 1993.
94. Фрейджер Р., Фейдимен Д. Личность: Теории, упражнения, эксперименты. – СПб.: 2002.
95. Хаджнал Дж. Европейский тип брачности в ретроспективе // Брачность, рождаемость, семья за три века. – М.: 1979. – С. 12-70.
96. Харчев А.Г. Брак и семья в СССР. Опыт социологического исследования. – М.: 1979.
97. Хетфилд Э. Любовь // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003.
98. Холиков Д.Р. Хукукий маданият – оила мустаҳкамлиги асоси – Т.: Фан, 2007 – 132 б.
99. Хоментausкас Г.Т. Семья глазами ребенка. – М.: 1989.
100. Хорни К. Женская психология. – СПб.: 1993.
101. Хотин-қизлар энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 1999. – 544 б.
102. Шерритс С.Д. Жертвы побоев: Жестокое обращение с ребенком // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р.Корсини, А.Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 201-203.
103. Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений: Курс лекций. – М.: 2000.
104. Шнайдер Л.Б. Основы семейной психологии: Учебное пособие.- М.: изд-во Московского психолого-социального института;

Воронеж: изд-во НПО «МОДЭК», 2003 – 928 с.

105. Шостром Э. Антикярнеги, или Человек-манипулятор. – М.: 1994.

106. Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. – М.: 1996.

107. Эйдемиллер Э.Г., Добрякова И.В., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. – СПб.: 2003.

108. Эйдемиллер Э.Г., Юстицкий В.В. Семейная психотерапия. – Л.: 1990.

109. Эйдемиллер Э.Г., Юстицкий В.В. Психологи и психотерапия семьи. – СПб.: 1999.

110. Эриксон Э. Детство и общество. – СПб.: 1996.

111. Юнг К. Брак как психологическое отношение // Конфликты детской души. – М.: 1996.

112. Ядгарова Г.Т. Нотўлик оилаларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Дис ... психология фанлари номзоди. 19.00.05. – Т.: 2004. – 145 б.

113. Фаффоров Я. Оилада хукукий тарбия. – Т.: “Ўзбекистон”, 1991. – 40 б.

114. Davila J. Marriage // Encyclopedia of Stress In 3 vol. / Ed. By G. Fink. Vol. 2. San-Diego: Acad. Press, 2000.

115. Joung Inez M.A. Marital Status and Health Problems // Ibid. Vol. 3.

116. Lauvee Y., Mey-Dan M. Patterns of Change in Marital Relations Among Parents of Children With Cancer // Health and Sc. Work. 2003. Vol. 28, N 4.

117. Rodrigues et al. Listening to Mothers: Qualitative Studies on Motherhood and Depression From Goa India // Soc. Sci. and Med. 2003. vol. 57.

МУНДАРИЖА

	Кириш сўзи ўрнида	4
1-Боб	Оила ва никоҳ	5
1.1.	<i>Оила ва никоҳ институтининг ривожланиши тарихи</i>	5
1.2.	<i>Оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни</i>	16
1.3.	<i>Оиланинг ижтимоий функциялари</i>	18
1.4.	<i>Оиланинг ҳаётий тарзи ва зиддиятлари</i>	22
1.5.	<i>Оиланинг турмуш тарзи олимлар талқинида</i>	27
2-Боб.	Оила психологияси фан сифатида	37
2.1.	<i>Оилавий ҳаёт психологиясининг фанлар тизимида тутган ўрни</i>	37
2.2.	<i>Оилавий психологиянинг тадқиқот методлари</i>	40
2.3.	<i>Оилавий муносабатларни тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари</i>	42
2.4.	<i>Жинсий фарқлар психологияси: гендер тадқиқотларнинг хусусиятлари</i>	45
3-Боб.	Оилавий социализация	52
3.1.	<i>Оила ва ташқи ижтимоий муҳит</i>	52
3.2.	<i>Оилада ижтимоий тарбиянинг босқич ва воситалари</i>	54
3.3.	<i>Ота-оналик установакалари ва тарбия шакллари</i>	55
3.4.	<i>Оила, мактаб, педагог ҳамкорлиги</i>	57
4-Боб.	Оилавий муносабатлар психологияси	61
4.1.	<i>Эр-хотин муносабатларининг шаклланиши</i>	61
4.2.	<i>Романтик севгида муносабатларнинг ривожланиши</i>	64
4.3.	<i>Романтик муносабатларга асосланган муносабатларнинг турлари</i>	66
5-Боб.	Ёш оилаларнинг ижтимоий ва психологик муаммолари	74
5.1.	<i>Ёш оила: муносабатлар модели ва хусусиятлари</i>	74
5.2.	<i>Ёш оила ва соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш</i>	78
5.3.	<i>Ёшларни никоҳолди тиббий кўриқдан ўтказиш ва никоҳнинг мустаҳкамлиги</i>	82
6-Боб.	Оилавий муносабатларнинг бузилиши: никоҳ ажримлари	85

6.1.	<i>Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари</i>	85
6.2.	<i>Оилавий зиддиятларнинг эр-хотин ва фарзандлар тақдирига таъсири</i>	89
6.3.	<i>Инқирозли оила аъзолари учун ижтимоий-психологик хизмат</i>	93
7-Боб.	✓“Ота-она – бола” муносабатлари психологияси	97
7.1.	✓“Ота-она – бола” муносабатлари тизими	97
7.2.	<i>Репродуктив хулқ психологияси</i>	98
7.3.	<i>Перинатал психология</i>	102
7.4.	<i>Оналик ва оталик психологияси</i>	103
7.5.	<i>Ота-оналик установакалари ва тарбия шакллари.....</i>	108
7.6.	✓Бола томонидан ота-оналарнинг ва ота-оналикнинг идрок этилиши	115
8-Боб.	Ака-укалик ва опа-сингиллик муносабатлари психологияси	118
8.1.	<i>Сиблинг мақомининг бола ва катталар муносабатига таъсири</i>	118
8.2.	<i>Кўп болали оилада шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола психик тараққиётига таъсири</i>	122
8.3.	<i>Оилапарварлик фазилатлари: миллий ва умуминсоний қадриятлар</i>	123
9-Боб.	Ўзбекистонда оила сиёсатининг устивор йўналишлари	127
9.1.	<i>Давлатнинг оилани мустаҳкамлаш сиёсати ва уни асосий тамойиллари</i>	127
9.2.	<i>Ўзбекистонда оилаларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар</i>	130
9.3.	<i>Оилага йўналтирилган сиёсат дастури: ХХІ аср оиласи концепцияси</i>	134
9.4.	<i>Миллий ғоя ва шахс тарбиясида оиланинг роли.....</i>	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	139

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение	4
Глава 1. Семья и брак	5
1.1. <i>История развития института брака и семьи</i>	5
1.2. <i>Роль семьи в развитии общества</i>	16
1.3. <i>Социальные функции семьи</i>	18
1.4. <i>Образ жизни семьи и противоречия</i>	22
1.5. <i>Образ жизни семьи в интерпретации ученых</i>	27
Глава 2. Психология семьи как отрасль науки	37
2.1. <i>Место психология семьи в системе наук</i>	37
2.2. <i>Методы исследования психологии семьи</i>	40
2.3. <i>Теоретико-методологические основы исследования семейных отношений</i>	42
2.4. <i>Психология половых различий: особенности гендерных исследований</i>	45
Глава 3. Семейная социализация	52
3.1. <i>Семья и внешняя социальная среда</i>	52
3.2. <i>Этапы и средства социального воспитания в семье</i>	54
3.3. <i>Родительские установки и типы семейного воспитания</i>	55
3.4. <i>Сотрудничество семьи, школы и педагога</i>	57
Глава 4. Психология семейных взаимоотношений	61
4.1. <i>Становление супружеских отношений</i>	61
4.2. <i>Развитие отношений при романтической любви</i>	64
4.3. <i>Виды отношений при романтических связях</i>	66
Глава 5. Социальные и психологические проблемы молодой семьи	74
5.1. <i>Молодая семья: модель взаимоотношений и их особенности</i>	74
5.2. <i>Молодая семья и формирование здорового образа жизни</i>	78
5.3. <i>Предбрачный медицинский осмотр молодежи и стабильность семьи</i>	82
Глава 6. Разрушение семейных отношений: брачный развод	85
6.1. <i>Семейные конфликты и их последствия</i>	85

6.2.	<i>Влияние семейных конфликтов на супружеские взаимоотношения и на судьбу детей</i>	89
6.3.	<i>Социально-психологическая служба для членов конфликтной семьи</i>	93
Глава 7.	Психология детско-родительских взаимоотношений	97
7.1.	<i>Система отношений «Родители – дети»</i>	97
7.2.	<i>Психология репродуктивного поведения</i>	98
7.3.	<i>Перинатальная психология</i>	102
7.4.	<i>Психология отцовства и материнства</i>	103
7.5.	<i>Ота-оналик установкалари ва тарбия шакллари</i>	108
7.6.	<i>Восприятие детьми родителей и родительства</i> ..	115
Глава 8.	Психология братско-сестринских отношений	118
8.1.	<i>Сиблинговая позиция и ее влияние на взаимоотношения между родителями и детьми</i>	118
8.2.	<i>Психология взаимоотношений и психическое развитие детей в многодетных семьях</i>	122
8.3.	<i>Общечеловеческие и национальные ценности в отношении к семье</i>	123
Глава 9.	Приоритеты государственной политики в области семьи в Узбекистане	127
9.1.	<i>Государственная политика по укреплению семьи и ее основные принципы</i>	127
9.2.	<i>Социально-демографические исследования, посвященные стабилизации семьи в Узбекистане</i>	130
9.3.	<i>Программа семейной политики: концепция семьи XX века</i>	134
	<i>Список использованной литературы</i>	139

CONTENT

	Introduction	4
Chapter 1.	Family and marriage	5
1.1.	<i>History of development of institution of marriage and family</i>	5
1.2.	<i>The role of family in society development</i>	16
1.3.	<i>Social functions of family</i>	18
1.4.	<i>Style of life of family and contradictions</i>	22
1.5.	<i>Style of life of family in scientists interpretation</i>	27
Chapter 2.	Family psychology as science field	37
2.1.	<i>The place of family psychology in science system</i>	37
2.2.	<i>Methods of study of family psychology</i>	40
2.3.	<i>Theoretical-methodical basics of research of family relations</i>	42
2.4.	<i>Psychology of gender differences: peculiarities of gender studies</i>	45
Chapter 3.	Family socialization	52
3.1.	<i>Family and outer social environment</i>	52
3.2.	<i>Stages and means of social education in family</i>	54
3.3.	<i>Parents rules and types of family education</i>	55
3.4.	<i>National idea and role of family in person education</i>	57
3.5.	<i>Family, school and teacher cooperation</i>	57
Chapter 4.	Psychology of family relations	61
4.1.	<i>Creation of spouse relations</i>	61
4.2.	<i>Development of relations in romantic love</i>	64
4.3.	<i>Types of relations at romantic links</i>	66
Chapter 5.	Social and psychological problems of young family	74
5.1.	<i>Young family: model of relations and its peculiarities</i>	74
5.2.	<i>Young family and formation of healthy style of life</i>	78
5.3.	<i>Medical examination before marriage and stability of family</i>	82
Chapter 6.	Destruction of family relations: divorcement	

		85
6.1.	<i>Family conflicts and their results</i>	85
6.2.	<i>Influence of family conflicts on spouse relations and kids destiny</i>	89
6.3.	<i>Social-psychological service for members of conflict family</i>	93
Chapter 7.	Psychology of kids-parents relations	97
7.1.	<i>Relations system "Parents-kids"</i>	97
7.2.	<i>Psychology of reproductive behavior</i>	98
7.3.	<i>Parental psychology</i>	102
7.4.	<i>Psychology of father and mother</i>	103
		108
7.5.	<i>Adoption by kids parents and parentinity</i>	115
Chapter 8.	Psychology of brother-sister relations	118
8.1.	<i>Sibling position and its influence on relations between kids and parents</i>	118
8.2.	<i>Psychology of relations and psychical development of kids in many-kids families</i>	122
8.3.	<i>Humanitarian and national values in family</i>	123
Chapter 9.	Priorities of state policy in family field in Uzbekistan	127
9.1.	<i>State policy on reinforcement of family and its main principles</i>	127
9.2.	<i>Social-demographic studies, devoted to stabilization of family in Uzbekistan</i>	130
9.3.	<i>Program of family policy: concept of family in XX century</i>	134
	Conclusion	
	List of used literature	139

ВАСИЛЯ КАРИМОВА

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

Тошкент - «Fan va texnologiyalar»-200 б.

Муҳаррир:	С.Бадалбаева
Тех. муҳаррир:	А. Мойдинов
Тех. муҳаррир:	А. Мойдинов
Мусахҳиҳ:	М.Хантова

**Босишга рухсат этилди 30.05.08. Бичими 60x84¹/₁₆.
«TimesUz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 9,5. Тираж 100.
Бюртма № 68**

**«Fan va texnologiyalar Markazi bosmaxonasi»да чоп этилди.
700003, Тошкент ш., Олмазор кўчаси 171-уу.**